

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**Ш.В. ФАНИЕВ**

**СУД БУХГАЛТЕРИЯСИ**

**(ўқув қўлланма)**

**Тошкент-2006**

Ушбу ўқув қўлланма ТДЮИнинг Ўқув Услубий Кенгашнинг 2005 йил 29 сентябрь 2-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

**Ш.В. Фаниев.** Суд бухгалтерияси.  
Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти,  
2006. –131 бет.

**Тақризчилар:** ТДЮИ и.ф.н., доц. А.А. Ортиқов  
ТМИ и.ф.н., доц. И.Қўзиев

Ушбу ўқув қўлланма Олий ва Ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ва амалиёт ходимлари учун мўлжалланган. Қўлланмада суд бухгалтерия бўлимига оид масалалар, шунингдек ушбу соҳа билан боғлиқ иқтисодий жиноятни кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш масалалари, тадқиқотларни ўтказишда иштирок этувчи махсус билимларга эга мутахассислар ҳақида тўлиқ тушунчалар ёритилган.

Шунингдек, мазкур қўлланмада ҳодиса содир бўлган жойда иш юзасидан йиғилган турли хужжатлар ва бошқа объектларни текшириш ҳамда натижаларини баҳолаш масалалари бўйича ўзига хос бўлган илмий, назарий ва амалий услубиётлари батафсил ёритилган.

© Ш.В. Фаниев.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 йил.

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг  
15 йиллигига бағишиланади.**

**Ўқув фанининг предмети ва умумий қоидалари**

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти бозор муносабатларини эркинлаштириш йўли орқали ривожланмоқда. Бозор иқтисодиё-тини эркинлаштириш, давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, мулкчиликнинг турли-туман шаклларидаги корҳо-наларини яратиш ҳамда соғлом рақобатчиликни ривожлантириш асо-сида амалга оширилади. Йирик ижтимоий ишлаб чиқариш юқори си-фатли ишлаб чиқаришни ва бошқаришни талаб қиласиган рақобатсиз ривожлана олмайди.

Корхоналарни бошқариш, унинг олдига қўйилган режа кўрсаткичларига доир вазифаларни бажариш мақсадида хўжалик фаолияти устидан кундалик кузатиб боришини талаб қиласиди. Бундай кузатиш ва бошқариш хўжалик ҳисоби ёрдамида амалга оширилади.

Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти устидан раҳбарлик қилиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг боришини бошқариш мақсадида ахборотларни олиш учун фақат кузатувни амалга оширишнинг ўзи кифоя қиласиган. Олинган маълумотларни ўлчаш, яъни менежерларга зарур бўлган маълум бир миқдорий кўрсаткичларда ифодалаш лозим булади. Ундан сўнг бу кўрсаткичлар бошқаришга зарур бўлган йўналишда ахборотни гурухлаш, корхоналар фаолиятини кейинчалик баҳолаш ва ахборотнинг сакланишини таъминлаш ҳамда аудитни ташкил қиласиган мақсадида ҳисобнинг тегишли регистрларида рўйхатга олиниши лозим.

Демак, ҳисоб деганда олинган маълумотлардан маълум бир амалий ёки илмий мақсадларда кейинчалик фойдаланиш учун ёки бошқа воқеалар, ҳаракатлар, далилларни қайд этишини тушунмоқ керак.

Шуни таъкидламоқчимизки, хўжалик ҳисоби барча ижтимоий-иктисодий ривожланиш даврида бир хил бўлмаган. Шунинг учун ҳам хўжалик ҳисоби унинг олдига қўйилган талабларига мос шаклда ижтимоий ривожланишнинг ҳар бир босқичида доимо ўзгариб борган.

Ишлаб чиқариш усули ва бошқариш тизимининг ўзгариши иқтисодий ҳамда сиёсий тузум (уклад) ўзгаришига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, хўжалик фаолияти устидан раҳбарлик қилиш, уни амалга ошириш, назорат қиласиган усулларининг ўзгаришига, демак, хўжалик ҳисобининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Ижтимоий

ривожланишнинг ҳар бир босқичида хўжалик ҳисоби ўз мақсади, вазифаси, шакллари ва ташкилий хусусиятларига эгадир. Бозор муносабатлари шароитида у ҳар доим аниқ ифодаланган бошқарув характерига эга.

Шундай қилиб, кишилик жамиятининг ривожланиши хўжалик ҳисобининг мазмунини аниқлаб, унинг ўзгаришига шароит яратиб беради, яъни уни у хизмат қилаётган бошқариш механизмининг хусусиятларига боғлиқ ҳолда тарихан шартли қилиб қўяди. Хўжалик ҳисоби инсоният ривожланишининг ҳар бир босқичидаги хўжалик фаолиятини ташкил қилиш хусусиятларини акс эттиради. Бундан хулоса қилиш мумкинки, хўжалик ҳисоби, хўжалик муомалаларини миқдорий акс эттиришидан ташқари уларга сифат тавсифини ҳам беради.

Юқоридагиларни умумлаштириб, хўжалик ҳисобини қуидагича таърифлаш мумкин:

Хўжалик ҳисоби деб, хўжалик фаолиятининг ривожланиш истиқболларини аниқлаш, уни бошқариш ва назорат қилиш мақсадида шу жараённи миқдорий (қиймат, меҳнат) акс эттириш ва сифат жиҳатидан тавсифлашга айтилади.

Хўжалик ҳисоби тўғрисидаги умумий фикрни аниқлаштириш ва унинг тарихий хусусиятини яхшироқ тушуниб олиш учун давлат монополияси мулкчилиги ва бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитидаги унинг мазмунини қўриб чиқиш лозим. Бунда улардаги амал қилаётган иқтисодий қонунларнинг хусусиятларидан келиб чиқиш лозим, чунки ҳисобнинг ўзига хос хусусиятлари мана шу қонунлар билан белгиланади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида фойда олиш асосий иқтисодий мақсад бўлиб ҳисобланади. Демак, тадбиркорлар томонидан ўз корхоналаридан фойда олиш бозор иқтисодиётида хўжалик фаолиятининг бош рағбатини англатади.

Асосий иқтисодий қонун хўжалик фаолиятининг мақсадини, демак, хўжалик ҳисобининг ҳам мақсадини белгилайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкдорлар хўжалик ҳисобидан максимал даражада фойда ундириш ва ўстириш учун фойдаланади ва бунда мулк эгалари унинг ёрдамида қўйилган маблағлар ва капиталнинг юқори самарали ишлатилиши устидан кузатишни амалга оширишга ҳаракат қилишади.

Бозор иқтисодиётидаги хўжалик ҳисобининг мақсади фойданинг шаклланиш жараёни устидан кузатиш ҳисобланиб, унинг ёрдамида тадбиркорлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот (иш, хиз-

мат)лар сифатини яхшилаш ҳамда яратилган маҳсулот таннархини камайтириш имкониятига эга бўладилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш воситаларининг катта қисмига эга бўлган тадбиркорларнинг манфаатига риоя қилинади. Хўжалик ҳисобидан ҳам худди шу йўналишда фойдаланилади. Унинг ёрдамида тадбиркорлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг янгидан - янги воситаларини топиб, амалга оширилаётган фаолиятдан энг юқори ютуқларга эга бўладилар ва уларни олиш йўлларини аниқлайдилар.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётида хўжалик ҳисобидан, асосан тадбиркорлар - мулк эгалари манфаати учун фойдаланилади. Шуни таъкидлаш лозимки, бунда хўжалик ҳисоби тадбиркорлар учун нафакат ҳисбот тузиш учун қурол бўлибгина қолмай, у энг аввало корхона фаолиятининг юқори самарадорликка эришиши учун ишлаб чиқаришни бошқариш қуроли сифатида хизмат қиласди.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик ҳисобининг кўрсаткичлари ички ва ташқига бўлинниб, ахборотдан ҳам ташқи (акционерлар, ҳиссадорлар, муассисчилар ва бошқа мулк эгалари), ҳамда ички қизиқувчилар-менежерлар томонидан фойдаланилади. Табиийки, хўжалик ҳисобининг бу маълумотлари мулкчиликнинг ҳар хил шаклдаги ҳамда соғлом рақобатчиликнинг ривожланиши шароитида объектив равища ташқи эълон қилинадиган ва ички тижорат сири ҳисобланган қисмларга бўлиниши керак. Буни юзага чиқариш учун тижорат сирини ҳимоя қилувчи қонун ишлаб чиқилиши керак бўлади. Бундай қонун тадбиркорларга ўз корхоналарининг иши билан танишиш учун фақат ташқи фойдаланувчиларга мўлжалланган ахборотни бериш ва тижорат сири ҳисобланган ички ахборотни сақлаб қолиш ҳукукини беради. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, тадбиркорларнинг хўжалик фаолияти ўз мақсадлариiga муносиб равища ахборотларда бузиб кўрсатишнинг олдини олиш учун бозор муносабатлари механизмининг зарур шартларидан ҳисобланган мустақил аудиторлик фаолияти кенг ривожлантирилиши керак.

Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик шароитида мулк эгаларининг мавжуд имкониятларидан келиб чиқсан ички режалаштириш (бюджетлаштириш) ўз ривожини топиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик ҳисоби ҳар бир тадбиркор томонидан ўзининг хоҳишига қараб ташкил қилиниб, умумбелгиланган талабларга риоя қилиш билан бирга бошқаришнинг маъмурӣ-буйруқбозлиқ тизимиға хос бўлган қатъий тартибга солинган

ҳисобнинг ўрнига давлат томонидан қўйиладиган тартиботини минимумгача камайтириб боради.

Хўжалик ҳисобининг умумий услубий асосларига риоя қилиш шароитида, унинг нафақат шакллари ва ташкил қилиниши ҳар хил бўлмай, ҳаттоқи, ҳисоб кўрсаткичларини олиш услубияти ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Натижада ҳар хил мулк эгалари ихтиёрида бўлган корхоналардаги бир хил турдаги кўрсаткичлар ҳар хил йўл билан ишлаб чиқилиши мумкин, лекин эълон қилинадиган ҳисботдаги маълумотларниг солиширувчанигини таъминлаш учун молиявий ҳисобга илова қилинган тушунтириш хатида корхона томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати (қабул қилинган ҳисоб, амортизация, баҳолаш ва бошқа усуслар) ҳақида изоҳлар келтирилиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароити мулкчилик тузилишининг ўзгариши, турли таваккалчилик ва номаълумликларни юзага келиши, инвестиция, қимматли қофозлар, ўз акцияларини чиқариш ва сотиш, валюта ва кўчмас мулк муомалаларини вужудга келиши билан ифодаланади.

Бундай шароитда корхона бозор конъюктурасини ўрганади, ўз фаолиятини мустақил ривожлантиради, истеъмолчиларни қидириб топиш билан шуғулланади, товар, иш ва хизматларни, корхоналарнинг сотиш нархини ўзи белгилайди, тижорат банки кредитлари ва бошқа инвесторларнинг маблағларини жалб қиласди.

Бундай фактларни тўғри ҳисобга олиш ва бошқариш, шунингдек, барқарор ривожланишини таъминлаш учун ахборотларни йиғиш ва ишлаб чиқишининг самарали тизими зарур.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби-бу фаолият кўрсатаётган субъектнинг мулки, мажбуриятлари, хўжалик муомалалари ва уларнинг ҳаракатини ёппасига ҳамда узлуксиз ҳужжатлаштириш йўли билан тартибли йиғиш, назорат қилиш, ўлчаш, рўйхатга олиш, пул ўлчовида ишлов бериш тизимиdir.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади-тўлиқ ва ишонарли ахборотларни шакллантириш, ички ва ташки фойдаланувчиларни у билан таъминлаш, шунингдек бошқарув ва молиявий қарорлар қабул қилиш учун ахборотлардан фойдаланиш.

Демак, бухгалтерия ҳисоби бу,

-субъектнинг иқтисодиёти тўғрисида микдорий (молиявий) ахборот берувчи ахборот тизимиdir;

-иқтисодий ахборотни аниқлаш, назорат қилиш, ўлчаш ва узатиш жараёнидир;

-чекланган ресурслардан фойдаланиш усулини танлаб олишда

зарурдир.

Ҳар қандай тадбир инсон томонидан амалга оширилгани каби бухгалтерия ҳисоби ҳам бухгалтерлар томонидан юритилади ва барча тамойилларни амалга оширади.

Бухгалтерия ҳисобини корхона тўғрисидаги молиявий ахборотлар билан таъминловчи тизим, бизнес амалиётига иқтисодий назарияни амалда қўлловчи, жаҳон ишбилармонлар тили, солиқقا тортиладиган базани шакллантириш усули десак, бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтер-бу молиявий ахборотлар менежери, молиявий ахборотлар билан таъминловчи мутахассис, молиявий асосда қарорлар қабул қилиш бўйича менежерга фаол ёрдамчи ва ниҳоят корхона фаолиятини тубдан яхшиловчи шахсдир.

Корхоналарни бошқаришда хўжалик ҳисобидан самарали фойдаланиш ҳамда асосланган бошқарув қарорларни қабул қилиш учун маълум талабларга риоя қилиш керак. Бу талаблар бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартлари билан белгиланган.

Амалиётда бухгалтерия ҳисоби олдига анъанавий равишда қўйидаги талаблар қўйилган:

1. Ҳисоб кўрсаткичларининг режа кўрсаткичлари билан солиширувчанлиги;
2. Ўз вақтидалиги, аниқлиги ва объективлиги;
3. Тўлалиги;
4. Равшанлиги;
5. Тежамлилиги ва ҳаммабоплилиги ва ҳ.к.

Ҳисоб кўрсаткичларининг режа кўрсаткичлари билан солиширувчанлиги ҳисоб кўрсаткичларининг марказлаштирилган тартибда белгиланган режа кўрсаткичлари билан солишириш мумкинлигини таъминлашни назарда тутади. Корхонани ривожлантириш режалари корхонанинг ўзи ишлаб чиқадиган бозор иқтисодиёти шароитида ички ишлаб чиқаришни режалаштириш нуқтаи назаридан кўрилиши керак. **Ўз вақтидалиги**, аниқлиги ва объективлиги талабига келсак, шуни айтишимиз лозимки, ҳалқаро стандартларга биноан ўринлилик, аҳамиятлилик ва моддийлилигига кўпроқ аҳамият берилади. Бухгалтерия ҳисобида кўпроқ эътибор назарийдан кўра амалий томонга берилиши керак. Масалан, маъмурий эҳтиёжлар учун қоғознинг сарфланиши харажатнинг аниқ ҳисоби, сарфланган қоғознинг ҳақиқий таннархини харажатлар юзага келадиган жойлар ва жавобгарлик марказлари ҳамда иш жойларида сарфланмай қолган қоғозлар қолдифини ҳисоблаб чиқиши талаб қилмайди. Қоғозни омбордан бериш одатга

кўра харажат ҳисобланади. Гарчи назарий нуқтаи назардан биз ҳақиқатда сарфланган қоғоз, унинг ҳақиқий таннархи ва қолдиғини билишимиз лозим бўлса ҳам, бу масалага амалий ёндашиш маъқулдир.

**Тежамлилиги ва ҳаммабоплилиги.** Бозор иқтисодиёти шароитида бу талаб чегараланган бўлади. Тежамлиликни назарда тутганда ахборотни уни ҳосил қилиш сарфлари билан солиштириш асосида унинг муҳимлилигидан келиб чиқиш лозим. Ҳаммабоплилигига келганда эса, ахборотнинг мазмунидан келиб чиқиш керак, яъни ушбу ахборот корхонанинг тижорат сирими ёки очик эълон қилинадиган маълумотми?

Ўзбекистон Республикасинииг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига биноан маҳсус талаблар билан белгиланган ва уларга асосланган ҳолда ҳисоб юритилиши ҳамда ҳисбот тушлиши лозим бўлган бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

- 1) иккиёқлама ёзув (иккитомонламалик);
- 2) узлуксизлик;
- 3) хўжалик муомалалари, активлар ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;
- 4) аниқлик;
- 5) ҳисоблаш;
- 6) олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);
- 7) мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- 8) кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;
- 9) молиявий ҳисботнинг бетарафлиги;
- 10) ҳисбот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;
- 11) активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

**Икки ёқлама ёзув тамойили.** Унда ҳар бир операция (муомала) икки марта акс эттирилади, яъни бир счётнинг дебетига ва иккинчи счётнинг кредитига ёзилади. Бунда счётларнинг дебети ва кредитига ёзилган рақамлар teng бўлиши керак.

**Узлуксизлик ёки фаолиятнинг давомийлик тамойиллари.** Бу тамойил бухгалтерия бирлигининг маълум бир давр мобайнида, агар аксинча ҳодиса рўй бермаса ва хўжалик бирлиги яқин келажакда туғатилмаса, ўз фаолиятини давом эттиришига ишончлари комил эканлигини англатади. Бу тамойил, агар корхона туғатиладиган бўлса, сотиладиган актив ва мажбуриятларни баланс моддаларида бозор нархida эмас, балки ҳақиқий таннархда киритиш учун асос бўлиб

хисобланади.

**Пулда баҳолаш тамойили.** Бу тамойил пулнинг умумий ўлчагич эканлигини назарда тутиб, унинг ёрдамида хўжалик фаолиятининг амалга оширилиши ва пул бирлиги бухгалтерия хисобида баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш учун тегишли асос бўлиб ҳисобланишини англатади.

**Аниқлик тамойили** (тўғри келишлик тамойили) даромадларни рўйхатга олиш учун даврни танлаб беради. Ҳисобот даврида фақат шу ҳисобот даврининг даромадларини олиш учун юзага келган харожатлар акс эттирилади. Агар ҳисобот даврининг даромадлари ва харожатлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш қийин бўлса, унда харожатларни тақсимлашнинг мақсадга мувофиқ ва мунтазам усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

Тавсия қилинадиган бу усул ўзининг моҳиятига кўра тўғри келишлик тамойилига яқин (масалан, узок муддатли активлар қийматини улардан фойдаланишнинг бутун муддатида тақсимлаш).

**Ҳисоблаш тамойили**-бухгалтерия ҳисоби операцияларини уларнинг содир бўлиш дақиқасида ёзиш қоидасидир. Пуллар ҳали тўланмаган бўлиши мумкин, лекин харажатлар улар ҳисобланган вақтда ёзилади. Ҳар хил фойдаланувчиларга умумий характерга эга бўлган фойдали ахборотни бериш учун ҳисоблаш усули касса усулига қараганда афзалроқ усул ҳисобланади. Касса усулига кўра даромад ва харожатларни ёзиш, уларнинг қайси даврга тегишли эканлигидан қатъи назар фақат пулларнинг келиб тушиши ёки тўланиш дақиқасида амалга оширилади. Амалиётда шундай қарама-қаршиликлар борки, масалан, иш ҳақининг ҳисобланиши, ижтимоий жамғармаларга ва бошқаларга қилинган ажратмалар, гарчи уларнинг суммаси ҳали тўланмаган ёки ўтказилмаган бўлса ҳам ҳисобот даврининг харажатларига қўшиб қўйилади. Махсулот эса тушум ҳисобга ёзилгандан кейин (қурилиш ишлаб чиқаришидан ташқари) реализация қилинган ҳисобланади.

**Олдиндан кўра билиш-эҳтиёткорлик (консерватизм) тамойили** шундан иборатки, даромадлар уларни олиш муқаррар бўлган ҳодисага айланганида, харажатлар эса уларнинг содир бўлиш имконияти муқаррар бўлган пайтда ҳисобга олинади. Эҳтиёткорлик-бу потенциал фойда ёки активларни ҳисобга олишдан кўра, потенциал зарарлар ёки пассивларни ҳисобга олишдаги катта тайёргарчиликдир. Бу, масалан, шунда намоён бўладики, бухгалтер ҳар қандай ҳолларда ҳам фойда олишга ҳаракат қиласди, лекин шу билан бирга зарарлар

кўрилиши мумкинлигини ҳам инкор қилмайди. Шу билан бирга, бунда баҳолашнинг муқобил варианти бўлган тақдирда энг кам қийматни акс эттирадиган усули танлаб олинади. Шундай қилиб, бу қоида амалга оширилиши қабул қилинадиган қарорларда таваккалчиликни камайтиради.

**Мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойилида** бухгалтерия ҳисобида унча муҳим бўлмаган ҳолларга эътибор берилмайди, шу билан бирга барча муҳим бўлган ҳоллар ҳисобга олинади. Масалан, компания ишида идора буюмлари (канцтовар)нинг ишлатилишини, яъни уларнинг бир кунлик сарфини, эскиришини ва қолдигини ҳисобга олиш амалий нуқтаи назаридан номаъқул, деб ҳисобланади. Чунки бухгалтерия ҳисобида моддийлик тамойилига биноан идора буюмлари компаниянинг маблағлари сифатида уларни сотиб олиш дакиқасида бутунлай ишлатиб юборилади, деб қабул қилинади. Бу масалага бошқача ҳар қандай ёндошиш ҳисобни қийинлаштириш ва катта ҳамда ортиқча бўлган ҳисоб-китоб ишларига ўзини оқламайдиган вақт харажатлари билан боғлиқ бўлади. Масалани бундай ҳал этиш, гарчи бизнинг амалиётда қўлланиладиган назарий ёндошишга қараганда ноаниқуроқ бўлса ҳам оддий ва самаралидир. Хўжалик муомалаларини муҳим ва номуҳим гуруҳларга ажратиш субъектив ҳисобланади. Корхонанинг молиявий ҳолатини ўзгартирадиган муомалалар муҳим муомалаларга киритилади. Бу масалада қатъий қабул қилинган қоидалар йўқ.

**Кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлик тамойили.** Бухгалтерия ҳисоби обьектлари бир кўрсаткичда, масалан, сўмда, чет эл валютасида акс эттирилган ҳолдагина қиёсланувчанлик қоидасига жавоб берган бўлади. Акс ҳолда натурал ўлчов бирликларини меҳнат ўлчов бирликларига (иш соати, иш куни ва ҳ.к.) ёки пул ўлчов бирликларига таққослаб-қиёслаб таҳлил қилиб бўлмайди.

**Молиявий ҳисботнинг бетарафлиги қоидаси.** Бетарафлик тамойилининг маъноси шуки, молиявий ҳисбот ундан бир гурух фойдаланувчиларнинг манфаатига алоҳида эътибор бераб бошқа гурух фойдаланувчиларнинг заарини кўзламайди, яъни молиявий ҳисботларни олдиндан ҳисоблаб қўйилган янгилиш фикрдан холи бўлиши керак.

**Ҳисбот даври даромадлари ва харажатларнинг мувофиқлик тамойили.** Унинг моҳияти шундан иборатки, товарлар ёки хизматлар учун пул олинган ёки пул билан тўлаш тўғрисидаги талабнома топширилган тақдирдагина даромадлар олинган ҳисобланади. Агар

бошқарув ходимлари сотилган товарлар бўйича, ҳамда қарзнинг узилишига ишончи бўлмаса, унда фойда ҳақидаги ҳисоботда маҳсулот ва хизматлар реализациясидан ялпи тушум олинадиган ҳисобот даврида шу даргумон қарзларни узиш учун заҳира ажратиб (ҳисоблаб) қўйилади. Гарчи даромадлар сотиш даврида рўйхатга олинса ҳам айрим мустасноларга биноан, яъни контрактни босқичма-босқич бажарилиши усули ва кейинчалик тўлаш шарти билан сотиш (рассрочка) усулларида ҳам даромад товарлар жўнатилган, хизматлар кўрсатилган вақтида ҳисобга олинаверади.

**Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши та-мойили.** Айланма активлари сотиб олиш қийматида, ишлаб чиқариш таннархida ёки соф сотиш қийматида баҳоланса, асосий восита ва номоддий активлар бошланғич қийматда баҳоланади. Молиявий қу-йилмалар эса бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ баҳоланиши лозим. Мажбуриятлар томонларнинг келишув қийматида пул кўринишида акс эттирилади.

Молиявий ҳисобот стандартларига бўлган эҳтиёж бухгалтер янгиш фикрга келиши, нотўғри изоҳлаш, ноаниқлик ва ҳар хил маъноли таваккалчиликларга учраши ҳисобига келиб чиқади. Бундай таваккалчиликларни камайтириш учун юқори бошқарув идоралари томонидан умумқабул қилинган ва барча корхоналарда фойдаланишга тавсия этилган молиявий ҳисобот шакллари ишлаб чиқилди. Бундай ягона тартиб бўлмаганда ҳар бир корхона ўз стандартларини ишлаб чиқишига мажбур бўлар эди. Бундай ҳолларда молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар олдиндан ҳар бир корхонанинг молиявий ҳисоботи хусусиятлари билан танишиб чиқишига мажбур бўлар эди. Натижада таққосласа (солиштирса) бўладиган ҳисоботлар тайёрлаш имконияти бўлмайди.

1973 йили 9 давлат бухгалтерларининг касбий ташкилотлари бирлашиб, Бухгалтерия Стандартлари бўйича халқаро Кўмита ташкил этдилар. Бу Кўмитанинг мақсади халқаро бухгалтерия стандартлари асосида ягона халқаро молиявий ҳисобот тизимини ташкил этиш ва такомиллаштиришдан иборат эди. Бугунга келиб Кўмита таркибиға 100 дан ортиқ давлатларнинг касбий бухгалтерия ташкилотлари аъзо ҳисобланади.

1996 йилнинг бошига АЗС томонидан 41 та халқаро бухгалтерия ҳисоби стандарти чоп этилиб амалга тадбиқ этилди.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конуннинг кўрсатмалари ва моддалари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида (БХМС)

ўз ривожини топди. Ушбу китобни нашр этиш вақтигача қуидаги БХМС тасдиқланди:

1. Молиявий ҳисботни тақдим этишнинг концептуал (тамойил) асослари;
2. Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисбот;
3. Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромад;
4. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот;
5. Товар-моддий заҳиралар;
6. Асосий воситалар;
7. Лизинг ҳисоби;
8. Номоддий активлар;
9. Консолидациялаштирилган молиявий ҳисботлар ва шўъба хўжалик жамиятларида сармояларни ҳисобига олиш;
10. Пул оқими тўғрисида ҳисбот;
11. Давлат субсидияларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдамини акс эттириш;
12. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар;
13. Молиявий инвестициялар ҳисоби;
14. Акцияга тўғри келадиган фойда;
15. Қўшма фаолиятда қатнашиш улушини молиявий ҳисботда акс эттириш;
16. Бухгалтерия баланси;
17. Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятининг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалар;
18. Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари;
19. Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш;
20. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисбот тузиш тартиби тўғрисида;
21. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисботи счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома.

Бухгалтерия ҳисбода хўжалик муомалалари ўлчов объекти бўлиб ҳисбланади. Улар фирманинг молиявий аҳволига таъсир қиладиган хўжалик ҳаётининг ҳодисалариdir. Муомалалар икки томонлама бўлиб, мустақил итериклар ўртасида қийматликларни алмаштириш (ҳарид қилиш-сотиш, тўловлар-қарзлар ва бошқалар)дан ёки бир томонлама (табиий оғатлардан: ёнғин, сув тошиши, портлашлардан та-

лофатлар), станок ва асбоб-ускуналарнинг эскириши, фоизлар бўйича суммаларнинг доимий жамғарилиши ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Хўжалик ҳисоби томонидан қамраб олинадиган объектлар рақам кўрсаткичлари воситасида акс эттирилади. Уларни олиш учун хўжалик ҳисобида **моддий, меҳнат ва қиймат** ўлчагичлари қўлланилади.

**Моддий ўлчагичлари** маълумотларни санаш, тортиш, ўлчаш йўли билан олиш учун хизмат қилади. Бу узунлик (метр, сантиметр, миллиметр), оғирлик (грамм, килограмм, тонна), ҳажм (квадрат метр, литр, кубометр) ва бошқа ўлчамлардир. Улардан қайси бирини танлаш ҳисобга олинадиган объектларнинг хусусиятига боғлик.

Масалан, тўқимачилик комбинатининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўлчаш учун погон метрлардан фойдаланилади, металлургия заводининг маҳсулоти тонналарда, тайёрланаётган ёғочларни кубометрларда, пахта тонналарда, қимматбаҳо металлар граммларда ва ҳоказоларда ўлчанилади. Моддий ўлчагичлардан асосан товар моддий қийматликларнинг миқдорини ҳисобга олишда фойдаланилади. Улар захиралар даражасининг энг мувофиқлиги ва моддий ресурсларнинг бут сақланиши устидан назорат қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Материалларнинг ҳар хил сортларини ва номлари бўйича ҳисобга олишда улардан фойдаланиш нафақат миқдорий кўрсаткичларини, балки, шу қийматликларнинг сифат тавсифини ҳам беради. Лекин улардан фақат бир турдаги буюмларни ҳисобга олиш учун фойдаланиш мумкин. Ҳар хил бўлган предметларнинг натура кўрсаткичларини жамлаш мумкин эмас. Масалан, пўлат билан чўянни бир хил бўлган оғирлик ўлчагичида ҳисобга олишга қарамасдан уларни жамлаш мумкин эмас.

Демак, моддий ўлчагичлар ёрдамида корхонанинг моддий қийматликларини тавсифловчи умумлаштирилган кўрсаткич олиниши мумкин эмас.

**Меҳнат ўлчагичи** сарфланган меҳнат миқдорини ҳисоблаб чиқиш учун қўлланилади ва киши-куни, киши-соати бирликларида ифодаланади. Меҳнат ўлчагичи ёрдамида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари, корхона ходимларининг иш хақи ҳисоблаб чиқилади, ишчиларнинг ишлаб чиқариш нормалари белгиланади ва назорат қилинади. Бу ўлчагич қўпинча моддий ўлчагичи билан биргалиқда қўлланилади. Масалан, ишлаб чиқаришнинг нормаларини бажарилишини назорат қилишда маҳсулотнинг у ёки бу миқдорини ишлаб чиқариш учун қанча вақт сарфланаётганлиги ҳисоблаб чиқилади;

мехнат унумдорлигини ҳисоблаб чиқишида - уларниң вақт бирлигидаги (кун, соат) ишлаб чиқариш мөкдори қанча эканлиги ва ҳоказолар ҳисоблаб чиқилади. Шундай қилиб, меҳнат ўлчагичи ёрдамида у ёки бу жараёндаги меҳнат сарфларининг самарадорлиги аниқланади.

Натура ўлчагичларидан фарқли ўлароқ, меҳнат ўлчагичлари айрим ҳолларда, масалан, маҳсулотнинг ҳар хил турларини ишлаб чиқаришга қилинган меҳнат сарфлари мөкдорини аниқлаш учун фойдаланиладиган нормалаштирилган вақт кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш йўли билан ҳар хил бўлган хажмларни ўзаро солишириш имконини беради.

Иш вақтидан универсал ўлчагич бирлиги сифатида меҳнат сарфларини бевосита ҳисобга олиш учун фойдаланилади.

**Қиймат ўлчови** ҳисоб объектларини ягона, бир хил ифодалашда қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида пул ўлчови вазифасини сўм ва унинг қисми бўлган тийин бажаради. Қиймат ўлчагич ёрдамида ҳар хил бўлган хўжалик маблағлар ва жараёнларнинг умумлаштирилган кўрсаткичлари, масалан, корхонадаги ҳар хил материалларнинг умумий ҳажми ёки ундаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қилинган барча харажатларнинг умумий суммаси (унинг ишлаб чиқариш таннархи) ҳисоблаб чиқилади.

Қиймат ўлчагичидан фойдаланиш қиймат қонунининг мавжудлиги билан белгиланади, чунки унда хўжалик фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичлари фақат пул шаклида ифодаланиши мумкин.

Қиймат ўлчагичи ёрдамида корхона фаолиятини режалаштириш (бюджетлаш) ҳамда корхона ва унинг таркибий қисми фаолияти натижалари устидан назорат амалга оширилади. У корхона ва ташкилотларнинг кредит ва ҳисоб-китоб алокаларини ифодаловчи восита бўлиб ҳисобланади.

Бинобарин, пул ўлчагичи хўжалик фаолиятининг энг муҳим бўлган мөкдорий ва сифат кўрсаткичлари ҳисобланган ишлаб чиқариш ҳажми, фойда, рентабеллик, ликвидлик корхонанинг тўлов қобилияти ва бошқа кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш учун зарурдир. Қиймат ўлчагичи ҳисобда қўпинча моддий ва меҳнат ўлчагичлари билан биргаликда қўлланилади.

Масалан, моддий қийматликларнинг пулдаги ифодаси уларниң натурадаги мөкдорини сотиб олиш нархига қўпайтириш асосида аниқланади ёки, масалан, ишбай ишчининг иш ҳақи шу ишчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот сонини шу маҳсулот бирлигига белгиланган нарх (расценка)га қўпайтириш йўли билан ҳисоблаб

аниқланади.

Бухгалтерия ҳисоби бутун мамлакат бўйича ҳамда ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса бўйича белгиланган ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини акс эттиради.

Халқ хўжалик ҳисобининг олдига қўйилган вазифаларига қараб уларнинг уч тури мавжуд: **тезкор, бухгалтерия ва статистика**.

**Тезкор ёки тезкор-техника ҳисоби** айрим хўжалик муомалали-ри ва жараёнларини бевосита улар содир бўлаётган вақтида бошқариш мақсадида жорий кузатиш ва назорат қилиш тизими бўлиб ҳисобланади. Бу ҳисобнинг корхона ва унинг таркибий бўлинмалирига жорий раҳбарлик қилиш мақсадида маълумотларни тезкор равишида олиш ва улардан фойдаланиш унинг фарқ қиласидаган белгиси ҳисобланади.

Тезкор ҳисоб турли-туман хўжалик ҳодисаларни ўз ичига олиб, асосан ишлаб чиқариш техника хусусиятидаги кўрсаткичлар билан таъминлайди. У маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топширикларнинг бажарилаётганлиги, харажатлар нормативларидан кундалик четга чиқишлилар, иш кучидан фойдаланиш ва асбоб-ускуналарнинг юклангандик даражаси, шартномаларга риоя қилиниши мол етказиб берувчилар ва ҳаридорлар билан тузилган контрактларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайди. Тезкор ҳисобда ўлчагич-ларнинг ҳамма турлари-моддий, меҳнат ва қиймат ўлчагичларидан фойдаланилади. Лекин ҳисобнинг бу тури асосан бир турдаги опера-цияларни акс эттирганлиги ва ундан умумлаштирилган кўрсаткичлар талаб қилинмаганлиги сабабли, унда асосан моддий ва меҳнат ўлчагичларидан фойдаланилади.

Назоратнинг тезкорлигини таъминлаш учун хўжалик операцияларининг бориши ҳақидаги ахборотни тезроқ олиш керак бўлади. Шунинг учун тезкор ҳисобнинг маълумотлари иложи борича осонроқ йўл билан қайд қилиниши мумкин. Уларни бевосита кузатиш йўли билан етказишади, телефон, факс, модем орқали, компьютер алоқаси ёрдамида ва бошқа йўллар билан хабар қилишади. Ҳозирги вақтда тезкор ахборотни олиш учун механика ва автоматик ўлчов, тартибга солувчи асбоблар, мосламалардан фойдаланиш тобора кенгайиб бормоқда. Ҳисобни бундай ташкил қилиш хўжалик муомалаларининг бориши устидан уларнинг амалга оширилиши вақтида бевосита бошқариш имконини беради.

Тезкор ҳисобнинг маълумотларидан мутлақ аниқлик талаб этилмайди, чунки уларнинг асосий вазифаси-кузатилаётган объект-

ларда содир бўлаётган ўзгаришларни тезлик билан хабар қилишдир. Шунинг учун амалиётда тезкор ҳисобдан фақат тахминий ахборотни олиш билан кифояланадилар. Лекин бу ахборот етарли даражада тўғри бўлиши керак, зероки, унга қараб содир бўлган ўзгаришларнинг ҳажми ва тавсифи ҳақида ишончли хulosा қилиб, хатосиз бўлган бошқарув қарорларни қабул қилиш мумкин бўлсин.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент, 2003 й.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
3. И.А.Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни яна-да чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ”. –Т.: Ўзбекистон, 2002 й.
4. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. –Т.: Ўзбекистон. 2005 й.
5. Каримов И.А. «Янгича ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди». Халқ сўзи газетаси. 17 февраль 2005 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т.; 2004 й.
7. Холбеков Д. Бухгалтерлик - фахрли касб. Иқтисод ва сиёsat, 1996й, №8.-бет
8. Дўстмуротов Р. Асосий воситалар аудитини ташкил этиш, Иқтисод ва ҳисобот. 1998 й №7.-бет
9. Қаюмов У.К. Суд бухгалтерияси экспертизаси Т. 1993 й
10. Қаюмов Х. Суд бухгалтерияси экспертизаси назарий асослари. Т.1992й.
11. Махбубов М.М. Жумамуратов.Ш. Дастрлабки терговда ҳужжатли ревизия ва суд бухгалтерияси экспертизаси. Ўқув қўлланма. Т. 1989й .
12. Ортиқов А.А. Иқтисодий-ҳуқуқий атамаларнинг изоҳли луғати, Т.1996й.
13. Останакулов. М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси . Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Т.1993й.
14. Раҳмонов К. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш. Иқтисод ва ҳисобот. 1998.№5.-бет

## **Ҳисоб юритиши жараёнининг умумий тавсифи**

**Бухгалтерия ҳисоби** ички бошқариш ва ташқи истеъмолчиларнинг мақсадлари учун жорий ва якуний ахборотни олиш билан корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг хўжалик фаолияти устидан узлуксиз ва ўзаро боғлиқ бўлган кузатиш ва назорат қилиш тизимидан иборат.

Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида хўжалиқда мавжуд бўлган ҳар хил турдаги моддий қийматликлар ва пул маблағларининг миқдори, бошқа корхона ва ташкилотлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳолати, ундаги бошқа ресурсларнинг умумий ҳажми ҳақида маълумотлар олинади; тайёрланган материаллар, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми ва таннархи аниқланади; хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари-фойда (соф даромад) ёки зарар ҳисоблаб чиқилади; корхонанинг рентабеллиги ҳамда корхона ва унинг таркибий қисмларининг бошқа қатор кўрсаткичлари ҳисоблаб аниқланади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳам тезкор ва статистика ҳисобидаги каби барча ўлчагичлар-натура, меҳнат ва пул ўлчагичлари қўлланилади. Лекин унда пул (кийматли) ўлчагичга алоҳида аҳамият берилади, чунки у бухгалтерия ҳисобининг умумлаштирувчи кўрсаткичларини олиш имконини беради. Шунинг учун пул ўлчагичда бухгалтерия ҳисобининг барча объектлари, гарчи улар натура ва меҳнат ўлчагичларида акс эттирилган бўлса ҳам, албатта, пул ўлчагичида ифодаланади. Хўжалик ҳодисалари ҳақида маълумотлар статистика ҳисоби томонидан тезкор ва бухгалтерия ҳисоби корхона, ташкилот ва муассасаларда мустақил равишда ҳисобланадиган дастлабки ҳисобдан баъзи маълумотлар статистик кузатувнинг алоҳида шакллари-қайта рўйхатга олиш ва текширишлар ёрдамида олинади. Узлуксиз кузатиб бўлмайдиган оммавий ҳодисаларни тавсифлаш учун дастлаб кузатиш усулидан кенг фойдаланилади.

Статистика ҳисобининг кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш учун ҳам барча мавжуд ўлчагичлар натура, меҳнат ва пул ўлчагичларидан, ўрганилаётган ҳодисанинг мазмуни ва қўйилган вазифаларига қараб фойдаланилади.

Пул ўлчагичи ёрдамида бухгалтерия ҳисоби, масалан, қуйидаги умумлаштирувчи кўрсаткичларни беради: корхонанинг барча маблағлари ҳажми, ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар, давр харажатлари, кўзда тутилмаган харажатлар, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи, реализациядан олинган ялпи тушум, моржинал (энг катта ял-

пи) фойда ва шу кабилар.

Бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унда барча хўжалик муомалалари ёппасига қайд қилинади. Бу нарса барча хўжалик жараёнларининг тўла тавсифини олиш учун зарурдир.

Бухгалтерия ҳисобининг бошқа хусусияти, унинг ҳужжатланишидир. Бухгалтерия ҳисоби тизимида қайд қилинадиган ҳар бир муомала дастлаб ҳужжатлаштирилиши керак. Ҳужжат бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ягона манбаи ҳисобланади. Барча муомалаларни қамраб оладиган ҳужжатларнинг мавжудлиги бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан моддий жавобгар шахслар фаолияти устидан назорат қилиш учун фойдаланиш ва бошқариш учун асосланган маълумотлар олиш имкониятини беради.

Бухгалтерия ҳисобида йиғма якунланган қўрсаткичларни олиш учун йиғилган маълумотларни илмий ишлашнинг маҳсус усулларидан фойдаланилади. Бу усулларнинг муҳим хусусиятлари шундан иборатки, улар алоҳида ажратиб олинган корхона, ташкилотлар ва муассасаларнинг бутун хўжалик фаолиятини узлуксиз ва ўзаро боғланган ҳолда акс эттирилишини таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари айрим корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда маълум бир компания (бирлашма) таркиби-га кирадиган корхоналар гуруҳи бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларнинг ишини аудит қилиш учун аудит манбаи сифатида хизмат қиласди. Бухгалтерия ҳисобининг қатор қўрсаткичлари умумлаштирилган қўринишда корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашда ишлатилади. Умумлаштирилган қўрсаткичларнинг бир гуруҳи фаолиятни баҳолашда кўпинча бухгалтерия ҳисобининг маълумотларига асосланадиган статистика ёрдамида олинади.

Юқорида бухгалтерия ҳисобини ички ва ташқи фойдаланувчилар томонидан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни ўлчайдиган, ишлайдиган, "ғалвирдан ўтказадиган" ва тайёрлайдиган тизим сифатида таърифладик. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг ягона тизими ўзаро боғлиқ бўлган-молиявий ва бошқарув ҳисобдан иборат. Бошқарув ҳисоби раҳбарият томонидан ички фойдаланиш учун ўлчаниладиган ишланадиган ва топшириладиган ҳисоб ахборотининг барча турларини ўз ичига олади. Молиявий ҳисоб раҳбарият томонидан фирма ичида ишлатиладиган ахборотдан ташқари, ташкилотдан ташқаридағиларга хабар қилинадиган ахборотдан иборат бўлади.

Халқ хўжалик ҳисобининг ҳар бир тури-тезкор, статистика ва бухгалтерия корхоналарни, ҳудудлар ва республика бошқарув жараёнида маълум роль ўйнайди.

Ҳисобнинг ўзаро чамбарчас боғланган учта тури халқ хўжалик ҳисобининг ягона тизимини ташкил килади. Бу тизимнинг тўғри тузилиши ва доимий ривожлантирилиши бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Хўжалик ҳисобининг предмети – ишлаб чиқаришни бошқариш учун истеъмолчиларга тез ва объектив ахборот етказиб беришdir. Унинг айрим турлари шу жараённинг алоҳида-алоҳида томонларини акс эттиради. Хўжалик ҳисоби барча турларининг мақсади-корхона, ташкилот раҳбариятига хўжалик фаолиятини имкон қадар унумли амалга ошириш ва ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлигини таъминлашга эришиш мақсадида хўжалик фаолиятининг бориши ҳақидаги ахборотни етказиб беришdir. Ҳисобнинг ҳар бир тури шу мақсадга эришишга ёрдам беради. Ҳисобнинг барча турларининг вазифалари умуман олганда бир хилдир, лекин улар алоҳида олинган обьектларга нисбатан ҳал этилади.

Статистика ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг, айниқса, якуний маълумотлари (ҳисбот кўрсаткичлари)дан кенг фойдаланади. Бунда у бу маълумотлардан баъзи тармоқлар ва халқ хўжалиги миқёсида ҳар хил умумлаштирувлар учун заминий материаллар сифатида фойдаланади. Ўз навбатида бухгалтерия ҳисоби ҳам кўп ҳолларда статистиканинг маълумотларидан фойдаланади. Жумладан, ишчиларнинг иш ҳақини аниқлашда статистика усуллари билан ҳисоблаб топилган ишлаб чиқариш нормаларини бажарилиши кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Хўжалик ҳисоби уч турининг ўзаро боғлиқлиги ягона дастлабки ҳужжатлаштиришдан фойдаланиш билан таъминланади. Ягона дастлабки ҳужжатлаштириш деганда ҳисобнинг барча турларидаги муомалаларни акс эттириш учун бир турдаги маълумотлардан ва бир турдаги ҳужжатлардан фойдаланиш тушунилади. Бундай амалҳисоб кўрсаткичларидаги қарама-қаршиликларни бартараф қиласи ва ҳисобдаги параллеллик билан ишлашни юзага келтиради.

Хўжалик ҳисоби устидан раҳбарлик қилиш Иқтисодиёт вазирлиги ва Статистика Давлат Кўмитасига юкланган. Бухгалтерия ҳисобига услугбий раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилган.

Хўжалик ҳисобининг ҳар хил турлари ва унинг бутун тизими

узлуксиз ривожланиб боради. Дастрлабки маълумотларни йиғиш, техникаси, ишлаш услублари яхшиланиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро стандартларига жавоб берадиган ва бозор иқтисодиёти хусусиятларига мос келадиган ҳисобнинг янги тизимини ишлаб чиқишида, олимлар ва амалиётчилар ривожланган бозор иқтисодиётидаги мамлакатларда бу соҳада яратилган нарсаларга кўр-кўронга ёндошаётганлари йўқ. Лекин хориж мамлакатларининг амалиётини ўрганиш, уларни чукур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикасида хўжалик ҳисобини такомиллаштириш имкониятини беради.

Хўжалик ҳисобининг вазифалари иқтисодиёт ривожланишининг ҳар бир босқичида амалга оширилаётган хўжалик сиёсати билан белгиланади. Республика халқ хўжалиги ривожланишини бозор муносабатлари механизмини чукурлаштиришга йўналтириб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати уни бозор иқтисодиёти қонунлари асосида амалга оширмоқда. Бу қонунлар Республикамизни мустақил давлат сифатида ривожлантириш бўйича олдига қўйилган мақсадлар ва вазифаларга биноан ишлаб чиқаришни жамият томонидан тўғридан-тўғри, онгли равишда тартибга солишининг объектив зарурият эканлигани англатади. Республика олдида турган вазифаларни амалга ошириш учун уларни халқ хўжалигининг барча босқичларида бажарилишини назорат қилиш талаб қилинади. Бошқариш мақсадлари учун ахборотни шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланган хўжалик ҳисоби айнан шу мақсадларга хизмат қиласи.

Демак, хўжалик ҳисобининг асосий вазифаси унда акс эттириладиган объектларни бошқариш учун маълумотларни йиғиш, уларни фильтрлаш ва керакли ахборотни шакллантиришдан иборат.

Бухгалтерия ҳисобига тааллуқли адабиётларда ҳисобнинг вазифалари унинг функциялари билан чалкаштирилади. Жумладан, баъзи муаллифлар ҳисобнинг вазифаларига хўжалик маблағларининг ҳарекатини акс эттириш, хўжалик фаолиятининг натижаларини аниқлаб топиш, ҳисбот тузиш ва шу кабиларни киритишади. Бошқача қилиб айтганда, улар ҳисобнинг вазифалари деганда, ҳисобнинг ўзини англатадиган ва ҳисобнинг ўзи томонидан бажариладиган унинг функцияларини тушунишади. Ҳисобнинг вазифаларини бундай тушуниш мутлақо нотўғридир. Агар ҳисобнинг вазифаларига унинг функциялари киритилса, унда уларга ҳужжатларни тузиш, ҳисоб ёзувларини ёритиш ва бошқаларни ҳам киритишга тўғри келади, бу эса нотўғ-

ридир.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш бир қатор қарор ва қонунларни қабул қилиниши билан боғлиқ. Масалан, 1999 йил 5 февральда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган "Маҳсулот (иш хизматлар)ни ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, бухгалтерия ҳисобини Миллий стандартларининг тасдиқланиши ва амалга киритилишидир.

Бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчиларни шартли равища уч гурухга ажратиш мумкин:

- корхонани бошқарувчилар;
- корхонанинг ташқарисида жойлашган ва унинг молиявий фаолиятидан бевосита манфаатдор бўлганлар;
- корхонага нисбатан билвосита молиявий қизиқиши билдирадиган шахс ва гуруҳлар.

Бошқарувчилар бошқарув фаолиятида назорат, қарор қабул қилишда ахборотга муҳтождирлар. Масалан, маҳсулотларнинг сотиш баҳоси, харажатлар таркиби, талаб, рентабеллик кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотлар шулар жумласига киради.

Корхона ташқарисидаги ахборот истеъмолчиларига ҳиссадорлар, кредиторлар, банклар ва бошқа бевосита манфаатдор гуруҳлар киради. Улар корхона олган фойда миқдори, молиявий мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида маълумотга эга бўлишга қизиқишидат.

Учинчи гурух ахборот истеъмолчилариға ҳар хил жамоат ташкилотлари, ижтимоий фонdlар, клуб аъзолари киради.

Бухгалтерия ҳисобининг яна бир вазифаси корхоналар фаолияти натижалари ҳақидаги ахборотни ўлчаш ва тақдим этишdir. Бу натижаларни компаниянинг фойдаланиш режаларидағи мақсадларига эришишдаги муваффақиятлар қандай ва унинг лидвидлиги қандай эканлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлган умумий мақсадга йўналтирилган молиявий ҳисботдан топиши мумкин. Ҳақиқий ва потенциал инвесторлар, бу ҳисботларни таҳлил қилиб, компаниянинг келажакдаги молиявий истиқболлари қандай, унга маблағларни қўйишига арзийдими ёки йўқми эканлиги ҳақида хуносалар чиқаришга ҳаракат қиласидилар. Ҳақиқий ва потенциал кредиторлар, компаниялар фоизлар тўлаш ва ўз вақтида қарзларни узиш учун етарли пулларга эгами ёки йўқми эканлиги билан

қизиқишади.

Билвосита (эгри) молиявий манфаатдорли фойдаланувчилар бухгалтерия ахборотидан фойдаланувчилардан энг муҳим ҳисобланган давлат ва ижтимоий гурухлардан иборат.

Солик органлари бюджетга маҳаллий солиқлар, иш ҳақига солинадиган солиқлар ва ижтимоий суғуртага ажратмалар, пенсия фонdlари, иш билан таъминлаш фонди, мулклар, транспорт воситалари солиқлари, акциз йиғимлари ва қўшилган қиймат солиқлари ва ҳоказолар бўйича тўловларнинг тўғрилигини назорат қиласди.

Тартибга солувчи органлар компанияларнинг кучлилик ахборотини давлат, вилоят ва шаҳар даражасидаги бир ёки бир нечта тартибга солувчи органларга тақдим этадилар. Масалан, акциялари очик сотиладиган барча компаниялар қимматли қофозларнинг чиқарили-шини, ҳарид қилинишини ва сотилишини тартибга солиб турувчи қимматли қофозлар ва биржа операциялари бўйича комиссияларга мунтазам равишда ҳисбот топшириб туришлари керак. Биржаларида рўйхатга олинган компаниялар ўз биржаларига маҳсус молиявий ҳисботларни топшириб туришади.

Инвестор ва кредиторларга маслаҳат берувчи ҳам молиявий фаолият ва бизнеснинг истиқболларига билвосита манфаатдордир. Истеъмолчилар гурухи, ҳаридорлар ва умуман жамият барча корхоналар ва корпорацияларнинг молиявий ҳолати ва фойдалари билан тобора кўпроқ қизиқадилар, чунки улар инфляцияга, атроф-муҳитга, ижтимоий муаммоларни ечишга ва ҳаётнинг сифатига ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳисобнинг айrim турлари халқ хўжалигининг барча участкаларида ресурсларнинг мавжудлиги ва ўзгаришлари устидан кузатиб туриш имконини беради. Бунда бухгалтерия ҳисоби алоҳида аҳамиятга эга. Унинг ёрдамида корхонанинг моддий ва пул маблағларининг ҳолати ва уларнинг сарфланишини бошқариш устидан кузатиш ўрнатилади, менежерлар, жавобгар шахслар ҳаракати назорат килинади, маҳсулот тайёрлаш чиқимлари ҳисоблаб топилади ва ҳоказо.

Хўжалик ҳисобининг навбатдаги вазифаси - хўжалик ҳисоби (хозрасчет) ни мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборат.

Корхоналарнинг кўпчилиги (айниқса, кичик ва ўрта бизнес корхоналар) хўжалик ҳисоби асосида иш юритадилар. Хўжалик ҳисоби ишлаб чиқариш жараёнида минимал моддий ва меҳнат сарфларини қилиб, максимал самарадорликка эришишга

йўналтирилган хўжалик-ни юритиш усули ҳисобланади.

Хўжалик ҳисобининг моҳияти корхоналарнинг ўз харажатларини ўzlари қоплаш ва рентабелликдан иборат. Уни амалга ошириш учун ходимларнинг энг яхши натижаларга эришишидаги моддий манфаатдорлиги ва уларнинг ишлари якунлари учун моддий жавобгарлигини таъминлаш зарур.

Мазкур тадбирларнинг барчасини ҳаётга тадбиқ этиш учун талаб қилинадиган барча маълумотлар ҳисоб турлари томонидан тайёрлаб берилади.

Бозор иқтисодиётидаги хўжалик ҳисоби олдида турган вазифаларни ечилиши асосан ҳар хил хўжалик амалларини самарали бошқаришдан иборат. Шундай қилиб, хўжалик ҳисоби фаолиятни бошқариш мақсадида юритилар, бошқарув қарорлари эса хўжалик ҳисобидан олинган маълумотларга қараб қабул қилинар экан. Демак, ҳисоб ва бошқарув - бу ягона бутунликнинг икки қисми бўлиб, уларни бир-бирларидан ажратиб бўлмайди.

Бу қоиданинг муқаррарлигига қарамасдан, гарчи ҳисобга бошқарув функцияси сифатида қаралса ҳам у (ҳисоб) кўп йиллар мобайнида бошқарувдан ажратиб қўйилган эди. Ҳисобга техника ишлари сифатида қараш ва уни қарор қабул қилиш жараёнидан ажратиб қўйиш мутлақо нотўғри бўлибгина қолмай, балки ҳеч нарса билан оқланмайдиган заардир. Агар ҳисоб хизматчилари амалга оширилаётган операцияларни фақат бепарволик билан қайд қилиб борсалару, қарор қабул қилиш учун керакли ахборотни, бу муомалаларнинг содир бўлганидан маълум бир вақт ўтганидан кейин бошқа бўлим хизматчилари тайёрласа, унда корхона фаолиятини самарали бошқаришга тузатиб бўлмайдиган зарар етказилган бўлади.

Юқорида келтирилган вазифалардан ташқари халқ хўжалик ҳисоби бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Масалан, у хўжаликдаги имкониятларни юзага чиқариш ва улардан фойдаланишга таъсир кўрсатади. Унинг маълумотлари бўйича ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятлари, асбоб-ускуналаридан фойдаланишни яхшилаш, маблағларни унумсиз сарфлаш сабаблари аниқланади, корхона хўжа-лик фаолиятидаги камчиликларни бартараф қилиш ва уни яхшилаш йўллари белгиланади.

Халқ хўжалик ҳисоб (учёт) ини режалаштириш, фаолиятни иқтисодий баҳолаш, назоратини ташкил этиш, истиқболини белгилаш бошқаришнинг таркибий қисмлари сифатида узвий боғлиқдир.

Корхоналар иқтисодий кўрсаткичлар асосида бошқарилади. Бу

кўрсаткичлар иқтисодий объектлар, воқеалар ва жараёнларнинг иқтисодий ҳолатини миқдорий ва сифат мазмуни билан чамбарчас боғлиқликда акс эттиради.

Режалаштириш бошқарув обьекти ҳаракатининг талаб қилинадиган даражаси, нормативини аниқлайди ва назорат қилади.

Тезкор-техника, бухгалтерия ва статистика ҳисоблари бошқариладиган обьектлар устидан кузатув олиб боради ва ишларнинг ҳақиқий ҳолати ҳақида ахборот беради. Режа ва ҳисбот ахбороти воситасида хўжалик фаолиятига баҳо берилади, унинг натижасига таъсир этган омиллар таҳлил қилинади, ишлаб чиқаришнинг боришини тартибга солиш бўйича асосланган қарорларни қабул қилиш учун хуносалар шаклланади ва таклифлар ифодаланади.

Корхоналарда ҳозирги пайтда амал қилинаётган бухгалтерия ҳисоби хўжалик ҳисобининг бошқа турларига қараганда етакчи ўринга эгалиги билан тавсифланади. Одатда статистика ва тезкор техника ҳисоби билан иқтисодий ва технологик бўлимлар ва бошқа хизмат қисмлари алоҳида ажралган ҳолда, олинган маълумотларни бир-бировига боғламасдан ва умумлаштирумасдан шуғулланишади. Бунинг сабаби - корхонадаги статистика ва тезкор-техника ҳисобида ташкилий расмийлаштирилган тизимнинг йўқлигидир.

Тезкор ҳисоб кўпинча хўжалик муомалалари содир бўлаётган жойлар (цех, участка, иш жойи, омбор ва ҳоказолар)да ташкил қилинади. Унинг маълумотлари молиявий ҳамда бошқарув ҳисоби доирасида корхона фаолиятига (моддий-техника таъминоти маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, шартномаларнинг бажарилиши, маҳ-сулот сифатини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва ҳоказолар) кунда-лик, жорий раҳбарлик қилиш ва бошқариш учун ишлатилади. Бу маълумотлар ҳужжатлар билан расмийлаштириш йўли билан ёки оғзаки шаклда олиниши мумкин.

Молиявий ва бошқарув ҳисобида бухгалтерия ҳисоби қуйидагиларни таъминлайди: иш ҳақини ҳисоблаш ва ижтимоий суғурта ажратмалар, пенсия жамғармаси ва иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар, асосий воситалар амортизацияси ва уларни таъмирлаш харажатлари, моддий бойликларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва тақсимланиши, моддий меҳнат чиқимларининг нормативларидан ҳамда ишлаб чиқаришга хизмат қилиш ва бошқариш харажатлари сметасидан четга чиқиши; маҳсулот таннархи ва тугалланмаган ишлаб чиқа-риш қолдиқлари мавжуд тайёр маҳсулот, унинг ортиб жўнатилиши ва сотилиши ҳамда фойда ҳақидаги маълумотлар билан

таъминлайди.

Статистика ҳисоби молиявий ва бошқарув ҳисоби доирасида тезкор-техника ва бухгалтерия ҳисобининг моддий меҳнат ҳамда молиявий ресурслардан фойдаланиш бўйича ахборотни навбатдаги умумлаштирилиши билан шуғулланади.

Шундай қилиб, ҳисобнинг барча уч тури ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни шакллантириш ва умумлаштириш билан ўзаро боғлиқ, ягона тизимни ҳосил қиласди.

Тезкор-техника, статистика ва бухгалтерия ҳисобининг мақсади тегишли хизмат жойларини режалаштириш, назорат, иқтисодий тахлил қилиш ва тартибга солиб туриш учун ахборот билан таъминлашдан иборат.

Ўз навбатида, назорат ҳам бошқариш функцияси ҳисобланиб, у бошқарувнинг барча бошқа таркиблари билан ўзаро боғлиқ ва уларни амалга оширишда тегишли ўзгаришлар киритади. Назорат корхона, унинг таркибий қисмлари фаолиятидаги камчиликлар ҳамда хатоларни юзага чиқарив, ўз вақтида тўғрилаш ва келажакда йўл қўймаслик мақсадига хизмат қиласди.

Бошқарув назорат ресурсларидан самарали фойдаланишини таъминлаб, қарорлар қабул қилиш ва корхонанинг иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишига хизмат қиласди.

Назорат жараёнида ҳақиқий маълумотлар нормативлар (стандартлар) билан солиштирилади ва унинг натижаларига қараб нормативлардан четга чиқишиларни тўғрилашлар амалга оширилади.

Хўжалик фаолиятини баҳолаш манбаи бўлиб жорий ҳисоб (тезкор-техника ва бухгалтерия ҳисоби) ва бошқарувнинг барча даражасидаги даврий ҳисбот (сменалик, ойлик, чораклик ва ҳоказо) маълумотлари хизмат қилиши мумкин. Ички ҳисботнинг муддати ва ҳажми бошқарувчининг керакли ахборотга бўлган талабига қараб белгиланади. Бунда бошқарув даражаси қанча паст бўлса муддатлари шунча қисқа, ҳажми тор ва ахборотлари шунча мукаммал бўлади.

Ҳақиқий натижаларни режа (норматив) лардагига яқинлаштиришга йўналтирилган амаллар назоратнинг асосий ва якунловчи босқичи ҳисобланади. Бунда, четга чиқишилар қанча вақтлироқ юзага чиқарилса, самарали фаолиятни таъминлаш имкониятлари ҳам шунча қўп бўлади.

Молиявий ва бошқарув тизимидаги режалаштириш, келажакда корхонанинг самарали фаолиятини таъминлаш учун бугун қабул қилинадиган қарорларни аниқлаб боради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ички ишлаб чиқаришни режалаштириш фақат ҳар бир корхонанинг ҳодисаларини олдиндан кў-риш, рақобатчилар, мол етказиб берувчилар, ҳаридорларга ўз иродасини изхор этиш имкониятларига асосланади. Бу ўринда корхоналар ўз фаолиятларини оптималлаштиришга ҳаракат қилишлари керак. Бунинг учун қўйидагиларни режалаштиришлари лозим: нима қилиш керак, ким томонидан амалга оширилади, нималар бажарилиши лозим, ҳисоб воситаси ёрдамида назорат шакли ва эришилган натижалари таҳлил қилинади.

Ички хўжаликни режалаштириш пировард мақсадларга эришиш учун энг яхши йўлларни танлашга йўналтирилган бўлиши керак. Бунда ҳар бир тузилма бўлими пировард умумий мақсадга эришишга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Бу эса ички ишлаб чиқаришни режалаштиришсиз мумкин эмас.

Юқорида баён қилинган молиявий ва бошқарув ҳисобнинг корхона, унинг бўлимлари даражасидаги ички режалаштириш ва истиқболни аниқлаш билан ўзаро биргаликда амал қилишдан далолат беради. Лекин корхоналар маҳсулотни давлат органлари томонидан белгиланган ассортиментда ва миқдорда ишлаб чиқарадиган пайтлардаги марказлаштирилган режалаштириш ва маъмурий буйруқбозлик шароитида бундай амалга ўрин йўқ эди.

Тижорат таҳлили (маркетинг таҳлили) ҳаридорнинг истеъмоли, афзалликлари ҳақида ахборот олиш имконини беради. Бу ахборотни техникавий имкониятлар, кийматдаги чиқимлар ва фойда даражаси, ҳаридорлар учун маъқул бўлган маҳсулот сифатини ҳисобга олган ҳолда қайтадан ўзгартириш маҳсулот ассортиментини режалаштириш жараёнида бўлиб ўтади.

Бу жараён янги бўлимни яратиш ҳақидаги фикрнинг туғилиши дақиқасидан бошлаб, унинг ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш дақиқасигача узлуксиз ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳисобнинг ассортиментини режалаштириш билан боғлиқ равища амал қилиши фақат янги товарларга нисбатан эмас, балки товарларнинг ҳаётий циклини баҳолаш мақсадида илгари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича ҳам кузатилади. Товарнинг ҳаётий цкли эса сотиш ҳажми ва унинг сотилишидан олинадиган фойдалилик ўртасидаги тебраниш билан тавсифланади. Шу тебранишнинг даражасига мувофиқ ишлаб чиқариш дастурини тартибга солиш амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш дастурини тартибга солиш асосан икки сабаб билан шартланади. Улар биринчи навбатда, истиқболни аниқлашда

белгиланган талабдан хақиқий талабнинг четга чиқиши ва ҳақиқий ишлаб чиқаришнинг режадагидан четга чиқиш билан боғлиқ бўлади.

Агар узоқ муддат давомида талабнинг ишлаб чиқаришдан четга чиқишилари бир хил йўналишда бўлса, унда ишлаб чиқариш заҳира-лари ҳаддан ташқари ўсиб боради ёки жуда кичрайиб қолиши мум-кин. Бу эса, ортиқча заҳираларнинг пайдо бўлиши ёки уларнинг ет-май қолишини олдини олиш мақсадида сотишининг тузилиши ва ҳажми, ишлаб чиқаришга сарфлаш учун ҳарид қилинадиган материаллар партиясининг оптимал микдорини аниқлаш, моддий ва меҳнат харажатларининг қатъий меъёрларини ишлаб чиқиш, ҳар бир бўлин-ма бўйича билвосита харажатлар сметасини тузиб, шу сметага риоя қилиниши учун жавобгарликни бўлинма раҳбарларига юклашни та-лаб қиласди.

Фойда ва рентабелликка таъсир этадиган харажатлар ва бошқа омиллар устидан назорат ҳисоб усуллари воситасида таъминланади. Олинган натижаларни таҳлил қилиш натижасида эса ишлаб чиқаришни тартибга солиш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Шундай қилиб, ҳисоб, режалаштириш, таҳлил, баҳо бериш, тартибга солиш ва истиқболни белгилаш ишлаб чиқаришни бошқаришда биргаликда амал қиласди.

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув ҳисоби тизимида маҳсулот сифати устидан бошқариш алоҳида аҳамият касб этади.

Сифатни бошқариш концепцияси қуйидаги қисм (унсур)лардан иборат: сифатнинг талаб қилинадиган даражасини таъмин қилиш мақсадида технологик жараённи ўз вақтида аниқлаб туриш, ҳисобга олиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва шулар асосида уни тартибга солиш.

Сифатни тартибга солиш ҳозирги пайтда амал қилаётган назо-ратдан тубдан фарқ қиласди, чунки у лойиҳа-конструкторлик ечим ва ишланмалардан бошлаб, то маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган бар-ча ишлаб чиқариш тизимини ўз ичига олади. Назоратни келажакдаги ишлаб чиқариш ва мол сотиши фаолиятининг ютуқлари ёки ютқазиши-лар кўп жиҳатдан олдиндан белгиланадиган ҳамда кутилаётган фойда ҳажми ва рентабеллик даражаси аниқланадиган ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш босқичидан бошлаш лозим бўлади.

Маҳсулот сифатини бошқариш, лойиҳалаш босқичидаги истеъ-молчи талабларига жавоб берадиган маҳсулот бажариладиган ишлар ёки хизматларнинг сифат даражасини аниқлашни назарда тутади. Бу даражага эришиш минимал ишлаб чиқариш чиқимлари билан маҳсу-

лот, ишлар ва хизматларни бажариш белгиланган муддатларда амалга оширилиши билан таъминланиши керак.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун режалаштириш, ҳисоб, назорат ва тартибга солиш ўзаро биргаликда амал қилишлари зарур. Масалага шундай амал қилиш тизимли ёндашиш ва сифатни бошқаришнинг ягона тизимини яратиш имконини беради.

Бозор ва рақобатчиликнинг ривожланиши шароитида сифатни бошқариш борган сари муҳим бўлиб боради ва шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнининг қимматга тушадиган қисмига айланади. Шунинг учун маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш чиқимлари ва фойда ўртасида ўзаро чамбарчас боғлиқлик мавжуд.

Бошқарув ҳисоби доирасидаги режалаштириш, ҳисоб, иазорат, тартибга солиш, таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш функцияларини ўзаро биргаликда амал қилишини таъминлашда коммуникация масаласи бирлаштирувчи (интерагцияловчи) омил сифатида намоён бўлади.

«Коммуникация» сўзи лотинчадан таржима қилинганда мулокот, алоқани англатади. Бошқарув ҳисобидаги коммуникация мутахассисларнинг ўз функцияларини бажариш мақсадида ўзаро ҳамфирлик ва мақсадга мувофиқ амал қилишни таъминлайдиган алоқа, ахборот билан алмашиниш жараёни, фикрлар, ғоялар билан алмашишни ифодалайди.

Коммуникация ўзининг энг оддий шаклида ахборотнинг бир шахсдан бошқасига ўтказилишини (берилишини) англатади. Бунда ўтказилаётган ахборот уни олаётганга тушунарли бўлиши керак. Шу билан бирга бу ахборот қимматли ва ишончли бўлишларига ҳаракат қилиш керак.

Шундай қилиб, коммуникация тизими бош мақсад ҳисобланган - энг кам харажат билан максимум рентабелликка эришиш мақсадида корхонани бошқаришнинг барча унсурларини (элементларини) ягона бутунликка бирлаштиради.

Ҳисоб тизимидағи коммуникациянинг самарадорлигини ошириш учун қайтим (тескари) алоқа мавжуд бўлиши лозим. Қайтим алоқани ташкил қилишда ахборотни тақсимлашнинг икки асосий йўналиши ҳисобга олинади:

Усул тушунчаси икки маънони билдиради:

- 1) айрим воқеаларни билиш, ўрганиш усули;
- 2) алоҳида усул, ҳаракат усули ёки кўриниши.

Биринчи тушунча кенгроқ маънога эга. Ҳар бир фан каби

бухгалтерия ҳисоби ўз усули билан таърифланади. Ҳисоб юритиш тартибини белгилаб берувчи таркибий қисм сифатида бухгалтерия ҳисобига хос бўлган қуидаги усуллар маълум:

1. Ҳужжатлаштириш;
2. Инвентаризация;
3. Баҳолаш;
4. Калькуляция;
5. Бухгалтерия ҳисоби счёtlари;
6. Иккиёқлама ёзув;
7. Бухгалтерия баланси;
8. Ҳисобот.

Бу тушунчалар усул элементлари ҳам дейилади.

Иккинчи маънода - алоҳида фойдаланиладиган усуллар маъносида - қўлланиладиган усуллар йиғиндиси ҳисобнинг методологияси (услубияти)ни ташкил этади.

Методология бухгалтерия ҳисоби олдида турган мақсад ва вазифалар ҳам уларни ечиш имкониятлари, яъни мавжуд техник ва технологик база билан белгиланади.

Усулнинг мазмуни - мазкур фаннинг предмети, вазифалари ва унинг олдига қўйиладиган талаблар хусусиятларига боғлиқ бўлади. Улар бухгалтерия ҳисоби усулининг таркибига кирадиган аниқ усулларни белгилаб беради.

Энг аввал шунга эътибор бериш лозимки, бухгалтерия ҳисобида содир бўладиган барча хўжалик жараёнлари, унинг ихтиёридаги барча маблағларни акс эттирувчи ахборотларни шакллантиради. Ҳар хил жараёнларда содир бўладиган муомалалар сони ҳамда корхона ихтиёрида жойлашган маблағлар тури манбалари жуда кўпдир. Ҳар бир хўжалик муомаласи маблағлар ҳамда манбалар тури устидан зарурӣ бошқарув ахборотини умумлаштириш, шакллантириш, ҳужжатлаштириш ёрдамида кузатиб борилади.

Ҳужжатлаштириш бухгалтерия ҳисобининг обьектлари (унинг предметининг таркибий унсурлари) устидан ёппасига ва узлуксиз кузатишни амалга ошириш имконини берадиган дастлабки акс эттириш усулидир. Бунинг учун ҳар бир алоҳида муомала учун ёки уларнинг бир турдаги груҳи учун дастлабки ҳисоб ахборотини муайян моддий ташувчиси тузилади. Унда амалга оширилган муомаланинг мазмуни қайд этилади.

Ҳужжатлаштириш ёрдамида содир бўлаётган хўжалик муомалалари ҳақида мукаммал маълумотлар олинади. Бу

маълумотлар уларни кейинчалик иқтисодий жиҳатдан гурухлаш ва умумлаштириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ҳукукий талаблар ҳимоя қилинган ҳолда ҳужжатлардан фойдаланиш бухгалтерия ҳисоби маълумотларига исботловчи куч бағишлади.

Лекин хўжалик жараёнида бўлиб ўтаётган барча ҳодисаларни ҳам ҳужжатлаштириш ёрдамида қайд қилиб бўлавермайди. Жумладан, табиий йўқолиши, маблағларни қабул қилиш ва топшириш пайтидаги ноаниқликлар, ҳисобдаги хатолар ва қолаверса, ўғирликлар тегишли қийматликларнинг ҳақиқий миқдорини дастлабки ахборотни ташувчилар ҳамда ҳисобда акс эттирилганларидан четга оғишишига олиб келади. Бундай ҳодисаларни расмийлаштириш, улар содир бўлаётганда эмас, балки маълум бўлгандагина мумкин бўлади. Дастлабки ахборот ташувчилар томонидан қайд қилинмай қолган ҳодисалар, ҳужжатлаштиришга зарурӣ қўшимчалар, яъни қайта рўйхатга олиш (инвентаризация) ёрдамида аниқланади. Унинг маълумотлари юқорида келтирилган у ёки бошқа сабабларга кўра ўз вақтида ҳисобга олинмай қолган ҳисоб қўрсаткичларини ҳақиқатдагига мувофиқлаштириш учун хизмат қиласи.

Шундай қилиб, ҳужжатлаштириш ва рўйхатга олиш бухгалтерия ҳисобининг обьектларини дастлабки кузатишни амалга ошириш учун қўлланилади. Улардан фойдаланиш мулкнинг бут сақланиши устидан назорат қилиш имконини беради. Ҳужжатлаштириш ва рўйхатга олишнинг маълумотлари моддий жавобгар шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, амалга оширилаётган муомалаларнинг қонунийлиги, маблағларнинг тўғри сақланиши, улардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш ва шу кабилар устидан кузатиш имконини беради.

Юқорида таъкидланганидек, хўжалик муомалалари ва маблағлар жуда турли - тумандир. Лекин бухгалтерия ҳисоби улар ҳақида йиғма (умумлаштирилган) қўрсаткичларни бериши керак. Бу йиғиладиган маълумотлар пул ўлчагичларида ифодаланади. Бунинг учун бухгалтерия ҳисобида баҳолаш усули қўлланилади. Баҳолаш ёрдамида натура ва меҳнат қўрсаткичларини пул қўрсаткичларига айлантирилади.

Хўжалик жараёнини бошқариш учун уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча чиқимларни ҳисоблаб чиқиш, ҳар бир жараёнда ишлатилган ҳам жонли, ҳам моддийлаштирилган меҳнатни ҳисоблаб чиқиш керак. Бунда ҳар бир чиқим турининг миқдоринигина эмас, балки аниқ бўлган, уларнинг обьектига тегишли бўлган умумий суммасини топиш, яъни ҳисобга олинаётган маҳсулотларнинг

таннархини аниқлаб топиш лозим бўлади. Маҳсулот таннархи - ишлаб чиқа-риш харажатларининг микдори устидан назорат қилиш учун қўлла-ниладиган калькуляция ёрдамида ҳисоблаб топилади. У объектлар-нинг ҳақиқий таннархини аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, калькуляция бухгалтерия ҳисоби объектларини қийматли ўлчаш учун хизмат қиласди. Уларнинг қўлланилиши тижорат ҳисоб-китобини мустаҳкамлаш учун катта аҳамият касб этади. Маълумки, тижорат ҳисоб-китобига риоя қилиш корхона харажатлари билан унинг фаолият натижалари ўртасидаги мувофиқликни талаб қиласди. Харажатлар билан натижаларни солишириш ҳақиқий таннарх.калькуляцияси маълумотларига асосланадиган пулдаги ифодалаш йўли билан эришилади.

Бухгалтерия ҳисобининг объектлари таркибидаги ва функцияларидаги фарқланишлар уларнинг устидан алоҳида гуруҳлар бўйича, масалан, меҳнат воситалари, буюмлари, пул маблағлари ва ҳоказоларни кузатиш зарурлигини тақозо этади. Ундан ташқари, ушбу гуруҳларнинг ичида маблағларнинг алоҳида турлари ва уларнинг жойлашган жойлари бўйича ташкил қилиш керак бўлади. Демак, ҳисоб билан алоҳида ажратилган ҳар бир меҳнат воситасининг тури-бинолар, машиналар, ускуналар; меҳнат буюмлари - асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, ярим тайёр маҳсулот ва бошқалар; пул маблағлари уларнинг жойлашган жойлари бўйича ҳисоб-китоб, валюта ва банкдаги бошқа счёtlар, корхонанинг кассасида қамраб олинган бўлиши керак. Шу билан бирга бундай гуруҳлаш кўпинча етарли деб ҳисобланмайди. Масалан, меҳнат буюмларининг ҳар хил турлари, айтайлик, асосий материаллар устидан кузатиш уларнинг ҳар бир тури, нави, катта-кичиклиги ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар олишни талаб қиласди. Шунга ўхшаш гуруҳлаш бухгалтерия ҳисобида маблағлар манбалари ва хўжалик жараёнлари бўйича ҳам амалга оширилади.

Хўжалик маблағлари ва хўжалик муомалаларини акс эттиришда, уларни бошқариш учун зарур бўлган маълумотларни олишда, бухгалтерия ҳисоби объектларини иқтисодий жиҳатдан гуруҳлашда счёtlардан фойдаланилади.

Ахборотни дастлабки ташувчилардаги маълумотлар ҳисоб объектларига фақат тарқоқ бўлган тавсифни беради. Шу сабабли счёtlарга эҳтиёж туғилади. Бу маълумотларни умумлаштирган ҳолда гуруҳлаш ва суммалаштириш лозим бўлади. Бундай функцияни бухгалтерия ҳисобида счёtlар бажаради.

Хўжалик муомалаларини бухгалтерия счёларида акс эттириш иккиёклама ёзув воситасида амалга оширилади. Иккиёклама ёзувнинг моҳияти ҳар бир хўжалик муомаласи натижасида юзага келадиган икки алоқани ўзаро боғланган ҳолда акс эттиришдан иборат. Масалан, материал ҳарид қилиш муомаласини қайд эта туриб, сотиб олинган қийматликларнинг келиши (тайёрланиши) ва мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағларининг сарфланиши (қарзнинг юзага келиши) кўрсаткичлари ўзаро боғланади ёки маҳсулот тайёрлашга метериаллар сарфлашни акс эттира туриб, ўзаро боғлиқликда ишлаб чиқариш чиқимларининг ошиши ва корхона омборидаги материалларнинг камайиши кўрсатилади. Муомалаларни бундай усул билан ёзиш уларнинг иқтисодий мазмунини очиб беради ва хўжалик фаолиятини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, счёлар ва иккиёклама ёзув бухгалтерия ҳисоби обьектлари тўғрисидаги маълумотларни жорий гуруҳлаш мақсадида қўлланилади. Улар ёрдамида корхонани тезкор бошқариш, моддий жавобгар шахслар мулкларини бут сақланиши устидан назорат амалга оширилади. Улар хўжалик фаолиятининг йиғма кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни аста-секин жойлаштириш ва тартибга солиш (системалаш) имконини беради.

Бухгалтерия ҳисоби, аниқ обьектларнинг кенг бўлган таркиби корхона хўжалик маблағларини доимий кўздан кечириш зарурлигини тақозо этади. Бунинг учун хўжалик маблағларини икки, яъни уларнинг турлари ва жойлашиши ҳамда ташкил топиш манбалари қандай мақсадга мўлжалланганлигига қараб, кўрсатадиган бухгалтерия баланси хизмат қиласи. Хўжалик маблағларини акс эттиришнинг бундай тартиби уларнинг барча йиғиндисини ўзаро боғланган ҳолда кўриш имконини беради ва корхонанинг улар билан таъминланганлигини таҳлил қилишни енгиллаштиради.

Хўжалик жараёнларини вақти-вақти билан кўздан кечириш бухгалтерия ҳисобида уларни тавсифловчи кўрсаткичлар устидан кузатиш йўли билан амалга оширилади. Бундай кўрсаткичлар хўжалик фаолиятининг барча асосий участкалари бўйича белгиланади. Бу - ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, фойда ва рентабеллик, таннарх ва бошқалардир. Буларнинг ҳаммаси ҳисоб маълумотлари асосида бюджет бажарилишининг йиғма тизимини ифодаловчи ҳисботда акс эттирилади. Ҳисбот ҳисоб-китобларнинг илмий асосланган тизими ёрдамида тузилади. У ҳисоблаб чиқариладиган кўрсаткичларнинг тўғ-

рилигини ва уларнинг ўтган даврдаги худди шундай кўрсаткичлари билан ҳамда корхонанинг молиявий аҳволини баҳолаш мақсадида бошқа корхоналарнинг худди шундай кўрсаткичлари билан солишириш мумкинлигини таъминлайди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, баланс ва ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотларини якунловчи умумлаштириш усули ҳисобланади, десак бўлади. Бу усуллардан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифалари ҳисобланган корхона ва унинг таркибий бўлинмаларини бошқариш, корхонанинг молиявий аҳволини баҳолаш каби муҳим бўлган вазифаларни ечишни таъминлайди. Корхонада тезкор бошқариш ҳужжатлар ва счёtlар маълумотлари бўйича ҳар куни амалга оширилади, лекин у узокроқ бўлган муддатдаги корхоналар ишини чуқур таҳлил қилиш имконини бермайди. Хўжалик фаолияти натижаларини узоқ бўлган вақтлар учун ҳар томонлама ва мукаммал таҳлил қилишни факат баланс ва ҳисобот ёрдамидагина амалга ошириш мумкин.

Шу билан, бухгалтерия ҳисобида кўлланиладиган усуллар моҳиятини кўриб чиқишига якун ясаймиз. Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг методи қўйидаги усул (элемент)лардан иборат экан: ҳужжатлаштириш ва йўқлама қилиш (инвентаризация), баҳолаш ва калькуляция, счёtlар ва иккиёқламали ёзув, баланс ва ҳисобот.

Бу усуллардан баъзи бирлари хўжалик ҳисобининг бошка турларида ҳам кенг қўлланилади. Жумладан, кенг миқёсда ҳужжатлаштириш, баҳолаш, калькуляция, ҳисобот ва маълум даражада баланс (балансли усул) қўлланилади. Масалан, статистикада балансли усулдан - меҳнат ва турли моддий ресурсларнинг балансини тузиш учун фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг амалиётида барча усуллар ажralган ҳолда эмас, балки ягона бутунликнинг бир қисми сифатида қўйидаги кетма-кетликда қўлланилади. Ҳужжатлаштиришдан - хўжалик муоммалари ҳақида дастлабки маълумотларни олиш учун фойдаланилади. Маълумотларни ҳужжатлаштириш асосида хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобида навбатдаги акс эттириш амалга оширилади. Ҳужжатлардан маълумотлар, албатта, умумлаштирилган пул ўлчаги-чида ифодаланади. Бунинг учун натура ва меҳнат кўрсаткичларидан пул кўрсаткичларига ўтказиш имконини берадиган баҳолаш хизмат қилади. Ҳужжатларда қайд этилтан бухгалтерия ҳисоби объектлари тўғрисидаги маълумотлар иқтисодий жиҳатдан гурухланади ва суммалаштирилади. Бунинг учун эса счёtlар ва иккиёқлама ёзувдан

фойдаланилади. Счётлардан олинадиган кўрсаткичлар иккиёқлама ёзув ёрдамида ўзаро боғланади. Счётларда келтирилган маълумотлар йўқлама қилиш жараёнида текширилади ва аниқланади. Текширилган маълумотлар асосида у ёки бошқа обьектга тегишли бўлган чиқимлар, яъни уларнинг таннархи ҳисоблаб чиқилади - калькуляция тузилади. Шундай тарзда жорий бухгалтерия ҳисоби юритилади ҳамда корхона ва унинг таркибий бўлинмаларининг фаолияти бошқарилади. Бухгалтерия ҳисоби обьектларини жорий акс эттириш маблағларнинг турлари ва уларнинг манбалари синов балансида солиштириш билан назорат қилинади ва ички ҳисбот ёрдамида жорий маълумотларни вакти-вақти билан йиғиб якунланади.

Бухгалтерия ҳисоби усулини турли унсурлари билан бирга олиб бориш ва улардан амалий фойдаланиш мана шулардан иборат. Усулнинг унсурлари бир-бировлари билан чамбарас боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири олдингиларидан фойдаланади ёки ўzlари кейингиларига маълумотлар беради. Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг усули - бу хўжалик маблағлари ва жараёнларини бошқариш учун ахборотни шакллантириш усулларининг йиғиндицидир. Бухгалтерия ҳисобининг усули қатор усуллардан кенг фойдаланиш билан тавсифланади ва уларнинг ҳар бири маълум мақсадларга хизмат қилиб, биргаликда ягона тизимни ҳосил қиласи. Бухгалтерия обьектлари унда ёппасига ва узлуксиз ўз аксини топади. Бухгалтерия ҳисобининг усули ҳисобга олинаётган обьектларни ўзаро боғланган ҳолда акс эттириш имконини беради ва шу билан айrim ҳодисалар ўртасидаги сабабли боғлиқликни юзага чиқаради. Хўжалик ҳодисалари бухгалтерия ҳисобида реал маълумотлар асосида кўрсатилади ва шу билан унинг обьективлиги таъминланади.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 2003 й
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
3. И.А.Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ”. –Т.: Ўзбекистон, 2002 й.
4. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005 й.

5. Каримов И.А. «Янгича ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди». Халқ сўзи газетаси. 17 февраль 2005 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т.; 2004 й.
7. Холбеков Д. Бухгалтерлик - фахрли касб. Иқтисод ва сиёsat, 1996й, №8-бет
8. Дўстмуротов Р. Асосий воситалар аудитини ташкил этиш, Иқтисод ва ҳисобот. 1998 й №7-бет
9. Қаюмов У.К. Суд бухгалтерияси экспертизаси Т. 1993 й
10. Қаюмов X. Суд бухгалтерияси экспертизаси назарий асослари. Т.1992й.
11. Махбубов М.М. Жумамуратов.Ш. Дастрлабки терговда ҳужжатли ревизия ва суд бухгалтерияси экспертизаси. Ўқув қўлланма. Т. 1989й .
12. Ортиқов А.А. Иқтисодий-ҳуқуқий атамаларнинг изоҳли луғати, Т.1996й.
13. Останакулов. М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси . Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Т.1993й.
14. Раҳмонов К. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш. Иқтисод ва ҳисобот. 1998.№5-бет

## **Пул воситаларининг бухгалтерия ҳисоби**

Касса ҳисоб аппаратининг алоҳида учаскаси бўлиб, унга нақд пул маблағлари ва бошқа қимматликлар (қимматли қоғозлар, пулли ҳужжатлар, почта маркалари ва бошқа)ни қабул қилиш, бериш ва сақлаш муомалаларини амалга ошириш юклатилган.

Пул маблағларининг бутлиги, касса муомалаларини бажариш бўйича моддий жавобгарлик корхона раҳбари томонидан тайинланадиган кассирга юклатилади.

Касса муомалаларини юритиш Марказий банк бошқармасининг қарори билан тасдиқланган “Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари” билан тартибга солинади.

Кассада кечиктириб бўлмайдиган харажатларни қоплаш учун зарур бўлган белгиланган лимит доирасида қолдиқ бўлиши мумкин. Белгиланган лимитдан ортиқча нақд пул касса фақат иш хақи, пенсия, нафақа, стипендия бериш кунлари, уч кун ичида сақланиши мумкин.

Кассага пулни қабул қилиш, бош бухгалтер ёки унинг ёрдамчиси томонидан имзоланган касса кирим ордери билан расмийлаштирилади. Бунда пул топширувчига кассир ва бош бухгалтер томонидан имзоланган квитация берилади.

Кассадан нақд пул касса чиқим ордери ёки касса харажат ордери реквизитлари ўрнини босувчи маҳсус штамп қўйилган талабга мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар (тўлов ведомости, пул бериш тўғрисида ариза, счетлар ваб.) бўйича берилади.

Кирим касса ордерлари, унинг квитанциялари ва касса харажат ордерлари бухгалтер томонидан равshan ва аниқ қилиб ёзилади, бу ҳужжатларда хеч қандай ўчириш ёки тўғрилашга, хатто изоҳланган тўғрилашга ҳам йўл қўйилмайди. Мазкур корхонада ишламайдиган айrim шахсларга пул беришда уларнинг шахсларини тасдиқловчи паспорт ёки бошқа ҳужжат талаб қилинади, касса харажат ордерининг пул олганлиги тўғрисида имзо қўйиладиган жойида тақдим этилган ҳужжатнинг маълумотлари кўрсатилади.

Турли эҳтиёжлар (иш хақи, пенсия, нафақа ва шу кабилар) учун нақд пул банкдаги ҳисоб-китоб счетидан пул чекига асосан олинади. Пул чеки ҳисоб-китоб счетидан унда кўрсатилган нақд пулни бериш тўғрисида корхонанинг банкка берган буйруғи бўлиб ҳисобланади.

Касса ордерлари бўйича пул қабул қилиш ва тўлаш фақат ҳужжатлар тузилган куни амалга оширилади.

**«Актив» атамаси лотинча фаолиятли, амал қилиш, мавжуд**

бўлиш деган сўзлардан келиб чиқкан. Шунинг учун актив деганда маблағлар қандай амал қилаётганлигини, ишилаётганлигини кўрсатувчи маблағлар гуруҳланишини тушуниш керак.

Активлар - бу олдинги амалга оширилган муаммоларни ёки олдин содир бўлган воқеалар натижасида корхонага келиб тушган ва улар келажакда фойда келтирадиган иқтисодий ресурслардир.

Активлар уч хил хусусиятга эга бўлиши керак:

а) келажакдаги иқтисодий нафни ўзида мужассамланиши, бевосита ва билвосита пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларини кўпайтириш имконияти;

б) бу иқтисодий нафларни назорат қилиш қобилиятини мужассамлаш;

в) олдинги битимлар ёки бошқа воқеаларнинг натижаси бўлиши.

**«Пассив» атамасининг илдизи ҳам лотинча фаолсиз, холис (бетараф) турмок, тушунтириш каби сўзларнинг илдизидан олинган.** Тарихан бу атама дастлаб фақат қарзга олинган маблағларга нисбатан, яъни учинчи шахслар олдидағи мажбуриятларга нисбатан кўлланар эди. Бу билан мулк эгаси қарзга олинган маблағларга бўлган муносабатда ўзбошимчалик (бемалоллик)дан ўзини тутиши кераклиги таъкидланган эди. Кейинчалик «пассив» атамаси манбаларнинг бошқа моддаларига ҳам тарқатилган бўлиб, фақат корхона мажбуриятларини тавсифлабгина эмас, маблағлар турларини қандай мақсадларга мўлжалланганлигини ҳам тавсифлаш учун ишатиладиган бўлди.

Манбаларнинг таркибий қисмини мажбуриятлар ташкил этади. Субъектнинг мажбуриятлари - бу олдинги амалга оширилган муомалаларнинг натижаси ёки келажакда ўзида мужассамланган иқтисодий нафни чиқиб кетиши ёки янги мажбуриятларни вужудга келиши билан якунланади.

Мажбуриятлар уч хил хусусиятга эга бўлиши керак:

а) активларни чиқиб кетиши ёки хизмат кўрсатиш йўли билан тўлашни вужудга келтирадиган мавжуд доимий мажбуриятни ўзида мужассамлаштириши;

б) субъект учун мажбуриятнинг бажарилиши шартлиги ва қарийб муқаррарлиги;

в) олдинги битим ёки воқеалар натижаси бўлиши.

Унинг активида ҳам, пассивида ҳам баланс моддалари иккига бўлиб кўрсатилади. Активда:

I бўлим. Узоқ муддатли активлар;

II бўлим. Жорий активлар.

Пассивда:

I бўлим. Ўз маблағларининг манбалари;

II бўлим. Мажбуриятлар.

Баланс кўрсаткичларидан қўйидаги иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаб олиш мумкин.

Активлар айланма ва узоқ муддатли капиталлари йигиндисига тенг.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари активларидан мажбуриятларини айирганига тенг.

Актив ва пассивнинг ҳар бир унсури (элементи) маблағлар тури ёки уларнинг манбаи баланс моддаси деб аталади. Активда, масалан, қўйидаги моддалар келтирилади: «Асосий воситалар», «Тугалланмаган ишлаб чиқариш», «Тайёр маҳсулот», «Ҳисоб-китоб счёти» ва бошқалар; пассивда «Устав капитали (фонди)», «Ҳисобот ишининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)», «Банк кредитлари», «Мол етказиб берувчилардан қарзлар» ва бошқа моддалар.

Бухгалтерия балансининг хусусияти актив ва пассивлар пуллик якунларининг tengligidan iborat. Bu talab ҳар қандай корхона балansi учун мажбурийdir. Bu talab aktivda ҳам, pассивда ҳам маблағларнинг bir xil ҳажмда, фақат ҳар xil guruhlaniшда kўrsatiladi, яъni aktivda - turlari bўйичa, pассивда - manbalari bўйичa. Balansning nomi ҳam shunga asoslanган, chunki «balans» sўzi tenglik, barobarlikni anglatadi. Shuning учун ҳам баланс активи ва пассиви «баланс» sўzi bilan belgilanadi.

Баланс корхонанинг xўjалиk маблағларини maъlum bir sanaga tafsiflab, uning ўtgan даврдаги барча фаолият натижасини қандай ҳолатга олиб келганлигини kўrsatadi. Shunday қилиб, баланс корхона маблағларининг turlari va ularнинг manbalari ҳaқидagi muҳim axborotga эга bўlgan xўjалиk юритиш subъektlari ишининг якуnlari tўғrisidagi ҳisobot, desak bўladidi. Ўзбекистон Республикаси Adлия вазirligi томонидан 2003 йил 24 январда rўйhatga oлинган Ўзбекистон Республикаси Molia вазirliginинг 2002 йил 27 декабрдан 140-sonli буйруги bilan molиявий ҳisobotlarining янги шакllari tasdiqlangan.

Куида ушбу bўйruk bilan tasdiqlangan balans shaklini kelтиramiz.

Баланс активида мазкур корхона ихтиёридаги маблағлар тури ва

уларнинг маълум даврда айланишидаги жойланиши келтирилади.

Масалан, активнинг биринчи моддасида дастлабки қийматда берилган «Номоддий активлар» корхона ихтиёридаги сезиларсиз активларнинг қийматини тавсифлайди. Навбатдаги «Амортизация» моддаси номоддий активларнинг дастлабки қиймати қанчага камайганини кўрсатади. «Қолдиқ қиймат» моддаси номоддий активларнинг амортизация суммасини айириб ташлангандан кейинги қолган қийматини акс эттиради.

«Асосий воситалар» дастлабки қиймат моддасида корхона ихтиёридаги меҳнат воситаларининг қийматини кўрсатади. Шунингдек, қайта тиклаш қиймати эскириш ва асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ва ҳоказоларни акс эттиради. «Ишлаб чиқариш заҳиралари» моддаси корхона ихтиёридаги «Хом ашё ва материаллар», «Ёрдамчи материаллар», «Ёқилғи» ва омбордаги бошқа ишлаб чиқариш заҳираларининг қийматини умумий суммада акс эттиради. «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» моддаси корхонанинг ҳар хил цехларида тайёрланиши ҳали охиригача етказилмаган буюмларга қилинган сарфлар суммаларини акс эттиради. «Тайёр маҳсулот» - бу мазкур корхонада тайёрланган ва сотиш учун мўлжалланган буюмлардир. «Касса» ва «Ҳисоб-китоб счёти» моддаларида муайян даврда корхона ихтиёридаги пул маблағларининг суммаси кўрсатилади. «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар», «Бошқа дебиторлик қарзлари» ва ҳоказо моддаларда эса бошқа хўжалик юритиш субъектларнинг ушбу корхонага ундан сотиб олинган маҳсулот учун («Ҳаридорлар») ва бошқа муомалалар бўйича («Бошқа дебиторлар») қарзлари акс эттирилади.

Кўриниб турибдики, актив моддалари жуда аниқ бўлиб, уларнинг мазмуни кўп тушунтиришларни талаб қилмайди. Пассив моддалари эса бошқачадир. Бу моддалардан баъзиларининг моҳиятини уларнинг қандай мақсадга тайинланишига қараб аниқлаб олиш ҳар доим осон бўлавермайди. Пассивдаги ҳар бир модданинг мазмунини аниқ кўз олдига келтириш учун пассив умуман нимани акс эттиришини яхши билиб олиш лозим. Юқорида айтилганидек, пассив активда кўрсатилган корхона маблағларининг манбани акс эттиради.

Пассивнинг биринчи моддаси «Устав капитали (фонди)»дир. Унинг суммаси корхонанинг яратилиш пайтида шакллантирилган маблағлар микдоридан иборат. Бунда корхонанинг ўз маблағларининг

умумий суммаси кўрсатилади ва бу манбадан берилган маблағларнинг ўзи баланс активининг моддаларида аниқ гавдалантирилган бўлади.

«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган заар)» моддасида (кредит сальдоси) корхонанинг фаолият кўрсатишининг бошидан бошлаб ҳисбот давригача бўлган вақт ичida жамғарилган (капиталлаштирилган) фойда суммасини акс эттиради.

«Узоқ муддатли кредитлар» моддасида корхонанинг банкка бўлган узоқ муддатли қарзи акс эттирилади. Бу моддада кўрсатилган сумма корхона томонидан олинган узоқ муддатли банк кредитини акс эттириб, белгиланган даврда қайтариши керак. Мазкур модда корхона ихтиёрида ҳозирча бўлган (корхона томонидан банқдан олинган) пул маблағларининг миқдорини кўрсатади, деб ўйлаш нотўғри бўлади, чунки банк томонидан кредит кўринишида бериладиган пул маблағлари одатда корхонанинг ҳисоб-китоб счётига ёзиб қўйилади ёки мол етказиб берувчилардан бўлган қарзни узиш учун ўтказилади. Демак, бу маблағ баланснинг бошқа моддаларида акс эттирилади.

«Кредиторлар» модасининг «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар» қаторида келтирилган сумма корхонанинг мол етказиб берувчилардан сотиб олинган ҳар хил моддий бойликлари учун бўлган қарзини кўрсатади.

«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар» моддасида корхонанинг ишчилар ва хизматчиларига ҳисобланган иш ҳақига доир мажбуриятлари акс эттирилади. Бошқача қилиб айтганда, бу модда корхона томонидан ишчи ва хизматчиларнинг бажарган ишлари учун тўланиши керак бўлган иш ҳақи суммаси қанча эканлигини кўрсатади.

«Бюджетга тўловлар бўйича қарз» моддаси корхонанинг бюджет олдидаги ундан ундириладиган ҳар хил солиқлар ва ажратмаларни тўлаш бўйича мажбуриятларининг суммасини, яъни молия ташкилотларига бўлган қарзнинг миқдорини акс эттиради. Тўланиши лозим бўлган сумма аниқланганидан кейин, корхона ўз балансининг пассивида шу модда бўйича унинг суммасини кўрсатади.

Бухгалтерия баланси қуидаги белгиларига қараб таснифланади:

### **1. Тузиш вақтига қараб:**

- а) кириш баланси;
- б) жорий (даврий) баланс;
- в) тугатиш баланси;

- г) ажралиш баланси;
- д) қўшилиш баланси;
- ж) санация баланси.

## **2. Тузиш манбаларига қараб:**

- а) инвентар баланслари. Фақат инвентар (рўйхати) воситалари асосида тузилади; улар қисқартирилган вариантда ҳисобланади. Бундай баланслар мавжуд мулк асосида янги корхоналар вужудга келганда ёки хўжаликлар ўз шаклини ўзгартирганда (давлат корхоналари акционер жамиятларига айлантирилганда) талаб қилинади;
- б) дафтар баланси - инвентаризация ўтказиш йўли билан олдиндан текширилмасдан фақат дафтарлардаги ёзувлар асосида тузилади;
- в) бош (генералний) баланс - ҳисоб ва инвентаризация маълумотларига асосан тузилади.

## **3. Ахборот ҳажми бўйича:**

- а) якка баланс - фақат бир корхона ахборотини акс эттиради;
- б) йиғма баланс - барча корхоналар маблағларининг умумий ҳолатини акс эттирувчи суммаларни механик қўшиш йўли билан тузилади;
- в) консолидаллашган баланс.

## **4. Фаолият характери бўйича:**

- а) асосий баланс - корхонанинг асосий фаолият тури ва уставига тўғри келадиган баланс;
- б) асосий бўлмаган баланс - корхонанинг бошқа фаолият турлари (ёрдамчи хўжаликлари, транспорт, турар жой-коммунал хўжалик ва ҳ.к.) бўйича тузиладиган баланс.

## **5. Мулк шакли бўйича:**

- а) давлат корхоналари баланси;
- б) акционер жамиятлари баланси;
- в) муниципал (шаҳар бошқармасига қарашли) баланси;
- г) қўшма корхоналар, кичик ва хусусий корхоналар баланси.

## **6. Акс эттириш объекти бўйича:**

- а) ҳуқуқий шахс бўлган корхонанинг мустақил баланси;

б) алоҳида баланс (филиаллар, цехлар, бўлинмалар баланси).

## **7. Тозаланиш усули бўйича:**

а) брутто-баланси - бу барча тартибга солувчи моддаларни ўз ичига оловчи баланс;

б) нетто-баланс - бу барча тартибга солувчи моддаларни чиқариб ташлаб тузилган баланс.

Бизнинг Республика изда нетто баланси кўлланилади.

Бу хўжалик муомалаларининг ҳар бири содир бўлганда балансга таъсир қилиб, баланс моддалари суммаларини ўзгартириб юборади. Лекин бу хўжалик муомалалари балансга фақат тўрт хил йўл билан таъсир этади.

Биринчиси, шундай хўжалик муомалалари борки, улар баланснинг фақат активига таъсир этади. Бунда баланснинг активида бир модда суммаси кўпайиб, иккинчи модда суммаси айни шу суммага камаяди, лекин баланснинг умумий суммаси ўзгармайди.

Иккинчиси, шундай хўжалик муомалалари содир бўладики, улар баланснинг фақат пассивига таъсир қилиб, пассивда бир модда суммаси кўпайиб, иккинчи модда суммаси айни шу суммага камаяди. Бунда ҳам баланснинг умумий суммаси ўзгармайди.

Учинчиси, шундай хўжалик муомалалари содир бўладики, улар баланснинг активига ҳам, пассивига ҳам таъсир этиб, улар суммасини кўпайтириб юборади.

Тўртинчиси, шундай хўжалик муомалалари содир бўладики, улар баланснинг активига ҳам, пассивига ҳам таъсир этиб, улар суммасини камайтириб юборади.

Балансга таъсир қиласидиган бундай ўзгаришларни мисолларда келтирамиз.

Бухгалтерия баланси ҳисобот даврининг I - кунига тузилади. Хўжалик фаолиятини амалга оширишда хўжалик маблағлари таркиби ва хажми содир бўлаётган муомалалар таъсирида узлуксиз ўзгариб туради. Бу ўзгаришлар балансга, албатта, таъсир этади.

## **БАЛАНС**

Мисолни кўриб чиқаётганда корхона маблағлари хўжалик муомалаларида қатнашаёттанды, ўзгармасдан қолмаслигига эътибор берамиз; кейинчалик улар янги хусусиятга эга бўладилар ёки бир шаклдан иккинчи шаклга ўтадилар. Шунинг учун давр бошига кўрсатилган дастлабки ҳолати катта ўзгаришларга дуч келади. Лекин бунда

маблағлар турининг умумий суммаси билан уларнинг манбаларининг умумий қиймати ўртасидаги тенглик ҳеч қачон бузилмайди.

*Биринчи муомала.* Кассадан корхона ходимлариға ҳисобдорлик шартлари билан 60 сўм берилди. Пул берилгандан кейин «Касса» моддасидаги сумма 60 сўмга камаяди ва 40 (100-60) сўмни ташкил қиласи. Шу билан бир вақтда пулларнинг ҳисобдорлик шартлари билан берилиши ҳисобдор шахснинг ушбу корхонага қарзининг пайдо бўлишига олиб келади.

Демак, баланс активида ҳисобдор шахснинг корхонага бўлган 60 сўмлик қарзи акс эттириладиган «Дебиторлар» моддаси пайдо бўлади. Бунда ушбу муомала таъсир этган ҳар иккала баланс моддаси ҳам активдир. Мазкур ҳодисадан маблағлар активининг бир моддасидан иккинчисига ўтишигина содир бўлди. Активнинг жами ўзгармайди ва актив ҳамда пассив суммалар ўртасидаги тенглик сақланиб қолади.

Биринчи муомаладан кейин баланс қуийдаги кўринишга эга бўлади:

*Иккинчи муомала.* Соф фойданинг бир қисми (10000 сўм) ҳисобидан корхона ишининг натижаларини якунлашда қабул қилинган қарорга биноан резерв капитали ташкил этилган.

Мазкур муомала корхонанинг тақсимланмаган фойдасини 10000 сўмга камайтиради, лекин балансда янги модда пайдо бўлади: худди шу суммага резерв капитали кўпаяди. Демак, энди фойда миқдори 20000 (30000-10000) сўмни, захира фонди эса 10000 сўмни ташкил қиласи.

Иккинчи муомала натижасида фақат маблағлар манбаи ўзгаради. Бир манба (фойда) нинг камайиши ҳисобига бошқа (захира фонди) манба пайдо бўлади. Бу муомала факат пассив моддаларга тегишилдир. Бунда пассивнинг жами суммаси ўзгармайди. Демак, актив ва пассив суммаларидаги тенглик ҳам бузилмайди.

*Иккинчи муомаладан кейинги балансни тузамиз:*

*Учинчи муомала.* Мол етказиб берувчилардан сотиб олинган 25000 сўмлик материаллар корхонага келиб тушди, лекин пули тўланмади.

Мазкур муомала, биринчидан, материалларнинг миқдори кўпайишига олиб келади. Демак, баланснинг «Хом ашё ва материаллар» моддаси 25000 сўмга ошади. Иккинчидан, материаллар мол етказиб берувчилардан сотиб олиниб, пули ҳали тўланмагани учун, корхонанинг мол етказиб берувчилар олдида қарзи пайдо бўлади. Балансда бу «Мол етказиб берувчилар ва пурратчилар» моддаси бўйича акс этти-

рилиб, унинг суммаси ҳам 25000 сўмга ошади ва 75000 сўмга тенг бўлади.

Балансда акс эттирилиш тавсифи бўйича ушбу муомала олдингисидан фарқ қиласди. У бир вақтнинг ўзида актив ва пассивга тегишилдир. Лекин унинг активда ҳам, пассивда ҳам юзага келтирган ўзгаришлари бир хил суммада ифодаланади ва бир томонга йўналтирилгандир. Демак, актив ва пассивнинг жами суммалари бир хилда ўзгаради, уларнинг ўртасидаги тенглик сақланиб қолади.

*Тўртинчи муомала.* Ҳисоб-китоб счётидан банкка кредит бўйича қарзни узиш учун 20000 сўм ўтказилган.

Бу муомала ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг камайишига олиб келади ва бир вақтнинг ўзида корхонанинг кредитлар бўйича қарзининг қисқаришига олиб келади. Демак, балансда «Ҳисоб-китоб» счёти бўйича сумма 29900 (49900 - 20000) сўмгача камаяди ва «Банк кредитлари» пассив моддаси бўйича 0 (20000 - 20000) гача камаяди, яъни бу модда пассив моддасидан чиқариб ташланади.

Тўртинчи муомала баланс якунларини бир миқдордаги суммага камайтирди. Шунинг учун баланс активи ва пассиви якуний суммалари ўртасидаги тенглик бу муомаладан кейин ҳам сақланиб қолади.

Тўртинчи муомаладан кейин баланс қўйидаги кўринишга эга бўлади:

Бунга ўхшаган муомалалар хўжалик фаолиятида кўплаб учрайди.

Келтирилган тўртта муомалалар уларни балансда акс эттиришнинг содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни ўз ичига олади (баланс ўзгаришларининг турлари).

Бошида баланснинг фақат активига ёки пассивига таъсир қиласиган воқеалар (биринчи ва иккинчи муомалалар) кўрсатилган эди. Бунда баланснинг активи ва пассивини ўзгартирмайдиган суммаларнинг фақат қайта гурухлантирилиши бўлиб ўтган эди. Бу баланс ўзгаришларининг биринчи ва иккинчи турларидир. Бошқа муомалалар баланснинг активига ҳам пассивига ҳам таъсир этади. Бунда ҳар иккала таъсир қилинадиган моддалар уларнинг кўпайиши (учинчи муомала) ёки камайишини (тўртинчи муомала) юзага келтиради.

Юқоридаги баёнларга асосланиб, балансли ўзгаришлар турларидаги тарзда ифодалаш мумкин: Балансли ўзгаришлар

турларининг моҳиятини аниқлаш баланс хусусиятларини, яъни ҳар қандай муомала унинг, албатта, икки моддасига таъсир этишини ва ҳеч қачон актив билан пассив ўртасидаги тенгликни бузмаслигини тушуниб олиш учун зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси билан чет эл мамлакатлари баланслари бир-биридан фарқ қиласи. Гарчи умумий ташки кўринишида ўхшашик (уларнинг икки томонламалиги, қисмларининг бир хил номланиши ва ҳоказо) бўлса ҳам бу фарқлар дастлаб олдинги тузумни ижтимоий-иктисодий хусусиятлари билан шартлангандир. Уларнинг ўртасидаги бу фарқларни яхши тушуниб олиш учун АҚШнинг йирик компанияларидан бирининг балансини келтириб, уни юқорида келтирилган баланс билан солишириб, уларнинг хусусиятларини аниқлаш мумкин.

Биринчи навбатда шуни таъкидлаш лозимки, уларда ўзларининг мазмунлари билан фарқ қиласидиган қатор моддалар мавжуд. Масалан, ватанимиз баланси актив моддалари гурухланишининг тузилиши ресурсларнинг ноликвидлигига асосланган, шунинг учун аввал асосий воситалар ва уларнинг эскириши, номоддий активлар ва уларнинг амортизацияси, сўнгра ишлаб чиқариш захиралари, чиқимлар ва факат улардан кейин пул маблағлари келтирилган. Чет эл мамлакатларининг балансида эса дастлаб пул маблағлари, кейин ишчи капитал ва сўнгига асосий воситалар, номоддий активлар акс эттирилади. Маблағлар манбайнинг муҳим моддаси ҳисобланган «Устав капитали», шу корхоналар маблағларининг асосий қисми фирманинг хусусий капитали ва мулк эгалари томонидан корхонага қўйилган маблағларнинг ҳажмини тавсифловчи фойда ҳисобидан ташкил топганлигини кўрсатади. Келтирилтан балансда бундайлар корхонанинг акциядорлик капитали, акцияларни сотишдан олинган эмиссия даромадида келтирилган моддалар ҳамда бизнинг балансда битта модда билан акс эттириладиган тақсимланмаган фойдадан иборат. Ундан ташқари, бизнинг балансда «Бюджетдан молиялаш» моддаси кўзда тутилган. Чет эл корхоналар балансида давлат бюджетидан ажратилган маблағларни акс эттирувчи моддалар жуда кам учрайди, чунки у ерда давлат факат унинг буюртмаларини бажарадиган хусусий корхоналаргагина маблағ ажратади. Чет эл корхоналарининг балансида, шунингдек, бизнинг балансларимизда кўзда тутилмаган моддалар мавжуд. Уларга, масалан, дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисобкитоб муомалаларининг алоҳида шаклини англатувчи «Олинадиган счёtlар ва векселлар» ва «Тўланадиган счёtlар ва векселлар» модда-

лари киради. Корхона баланслари чет эл балансларидан, шунингдек, бир турдаги моддаларнинг ҳар хил салмоққа эга эканликлари билан ҳам фарқ қиласидар. Масалан, корхона кассасида белгиланган лимитдан ортиқ суммани, иш ҳақи бериш кунларидан ташқари, узоқ муддатда сақлаб туриш маън этилган, йирик суммадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, одатда кам учрайди. Чет эл корхоналари балансида бу моддаларнинг салмоғи бошқачадир. Бу корхоналар балансида «Накд пуллар» моддасининг салмоғи анча каттадир. Бу эса акциядорлар ва кредиторларнинг корхонанинг молиявий мустаҳкамли-гига бўлган ишончини сақлаб туриш имконини беради. Лекин бу корхоналар балансидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлар моддаси бўйича қолдиқлар бизнинг балансимиздагига қараганда жуда юқори-дир, чунки у ерда тижоратли кредитлаш, яъни хўжалик ташкилотлари томонидан товарларни сотиш ва ҳарид қилишда улар учун тўловлар муддатларини чўзиш йўлида фойдаланиш кенг тарқалган. Ўзларининг хажмларига кўра бошқа корхоналарга турли-туман қўйилмаларни акс эттирадиган моддалар (активнинг б моддаси) кўпдир. «Қимматли қофозлар» моддаси (актив моддаси) билан биргаликда улар ушбу корхонага бўш капиталнинг йўналишини кўрсатади. Ўзларининг капи-талларини бошқа корхоналарга, шу жумладан, чет элдаги корхона-ларга қўйиш мумкин.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:**

1. Баланс тушунчасини қандай ифодалайсиз?
2. Активлар деганда нимани тушунасиз?
3. Пассивлар деганда нимани тушунасиз ва уларнинг қандай хусусиятлари бор?
4. Баланснинг актив ва пассивларида қандай бўлимлар мавжуд?
5. Тузиладиган баланснинг қандай турларини биласиз?
6. Хўжалик муомалалари таъсирида баланснинг биринчи тур ўзгаришларига учта мисол келтиринг.
7. Хўжалик муомалалари таъсирида баланснинг иккинчи тур ўзгаришларига учта мисол келтиринг.
8. Хўжалик муомалалари таъсирида баланснинг учинчи тур ўзгаришларига учта мисол келтиринг.
9. Хўжалик муомалалари таъсирида баланснинг тўртинчи тур ўзгаришларига учта мисол келтиринг.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 2003 й.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида хавфизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
3. И.А.Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ”. –Т.: Ўзбекистон, 2002 й.
4. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005 й.
5. Каримов И.А. «Янгича ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди». Халқ сўзи газетаси. 17 февраль 2005 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т.; 2004 й.
7. Холбеков Д. Бухгалтерлик - фаҳрли касб. Иқтисод ва сиёsat, 1996й, №8-бет
8. Дўстмуротов Р. Асосий воситалар аудитини ташкил этиш, Иқтисод ва ҳисобот. 1998 й №7-бет
9. Қаюмов У.К. Суд бухгалтерияси экспертизаси. Т, 1993 й.
10. Қаюмов Х. Суд бухгалтерияси экспертизаси назарий асослари. Т.1992й.
11. Махбубов М.М. Жумамуратов.Ш. Дастрлабки терговда ҳужжатли ревизия ва суд бухгалтерияси экспертизаси. Ўқув қўлланма. Т. 1989й .
12. Ортиқов А.А. Иқтисодий-ҳуқуқий атамаларнинг изоҳли луғати, Т.1996й.
13. Останакулов. М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси . Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Т,1993й.
14. Раҳмонов К. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш. Иқтисод ва ҳисобот. 1998.№5-бет

## **Моддий бойликлар, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишининг хусусиятлари**

Ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсули бўлиб тайёр маҳсулотлар ҳисобланади. Тайёр маҳсулотлар - бу мазкур корхонада қайтадан ишлашни талаб қилмайдиган, стандартлар ва техник шартларига тўлиқ жавоб берадиган, техник назорат бўлими (ТНБ) ёки маҳсус комиссия томонидан қабул қилинган ва корхона омборига топширилган ёки буюртмачи томонидан қабул қашпшган буюм ва маҳсулотлардир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар бозор талабини ўрганган ҳолда тузилган шартномаларга, ассортимент, сон ва сифат режа топшириклиарига биноан, доимо ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини оширишга эътибор бериб маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Бозор муносабатлари шароитида асосий эътибор мол юбориш - шартномалари бўйича мол сотишга қаратилади, чунки бу корхона фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини, унинг самарадорлигини аниқловчи иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг ҳисоб - китоб счетига пул тушган ва тушмаганлигидан қатъи назар барча юклangan ва жўнатилган маҳсулотлар реализация ҳажмiga қўшилиши мумкин.

Шундай қилиб, сотиш жараёни корхона хўжалик маблағларининг доиравий айланишини якунлайди. Бу ўз навбатида корхонага давлат бюджети, ссудалар бўйича банклар, ишчи ва хизматчилар, мол юборувчилар олдида мажбуриятларни бажариш ва ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш имкониятини беради. Реализация режасини бажармаслик айланма маблағлар айланишини секинлашига, ҳаридорлар олдида шартнома вазифаларини бажармаганлиги учун жарима тўлашга, тўловларни кечикишига, корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига олиб келади.

Корхона реализация ҳажми билан бир қаторда фойда суммасини (ҳажмини) ҳам режалаштиради. Чунки, маҳсулотнинг сотиш (шартнома) нархи белгиланганда унинг таркибига маълум суммада ёки фоизда фойда (даромад) суммаси ҳам киритилади. Агар шартнома (режа) бўйича сотишга тегишли маҳсулотлар миқдорини шартнома баҳосига кўпайтирса, режа бўйича уларни сотиш қиймати келиб чиқади, фойда фоизига қараб эса режа фойда суммаси ҳисоблаб чиқилади. Бу бюджетга фойдадан бўнак ажратмасини тўлаш учун

база бўлиб ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг синтетик ҳисоби 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счетида юритилиб, у мавжуд тайёр маҳсулотлар ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счетнинг дебетида омборга тушган маҳсулотлар, кредитида эса омбордан жўнатилган маҳсулотлар акс эттирилади.

Агар маҳсулотлар ҳаракатининг жорий ҳисоби режа таннархида юритилса, 2810 счетнинг дебетида иккита кўрсаткич режа таннархи ва режа таннархидан оғишиш суммаси ҳисобга олинади. Агар жорий ҳисобда корхонанинг улгуржи баҳолари қўлланилса, 2810 счетнинг дебетида қўйидаги кўрсаткичлар бўлади: ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг корхона улгуржи баҳоси ва улгуржи баҳо қиймати билан ҳақиқий таннархи орасидаги фарқи.

Мақсулот, иш ва хизматлар сотиш ҳисоби 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарлар сотишдан олинган даромадлар» ва 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счетларида юритилади. Мазкур счетлар транзит бўлиб пассив счетларга мансубдир. Бу счетлар тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни сотиш жараёни тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счетларнинг кредит қолдиқлари молиявий натижани аниқлаш мақсадида ҳар ойнинг охирида 9900 «Якуний молиявий натижака» счетига ўтказилиб борилади.

Шунинг учун корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тизимида тайёр маҳсулотлар уларни юклаш ва сотиш ҳисоби алоҳида ўрин тутиб, унинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг заҳиралари ҳолати ва омборларда сақланиши, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар устидан узлуксиз назорат қилиш;

- юклangan ва жўнатилган маҳсулот (иш, хизмат) ларни ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштириш, ҳаридорлар билан олиб бориладиган ҳисоб - китобларни аниқ ташкил этиш;

- сотилган маҳсулотларнинг ҳажми ва ассортименти бўйича мол жўнатиш шартнома режасини бажарилиши устидан назорат қилиш;

- сотилган маҳсулот учун олинган суммани маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган ҳақиқий харажатларни, фойда суммасини ўз вақтида ва аниқ ҳисоблаб чиқиш.

Бу вазифаларни бажарилиши корхонанинг бир текисда ишлаши,

сотиш ва омбор хўжалигини тўғри ташкил қилиш, хўжалик муомалаларини ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштиришга боғлиқ.

4-сонли БҲМАнинг 7-бандига биноан корхона айланма маблағининг таркибий қисми ҳисобланган тайёр маҳсулотлар энг кам баҳода баҳоланиши керак: таннархидаги ёки соф сотилиш қийматидаги.

Тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисобот даври (ой, чорак, йил) тугагандан сўнг аниқлаш мумкин. Лекин маҳсулотларнинг ҳаракати ҳар куни содир бўлади (қабул қилиш, жўнатиш, юклаш, сотиш), шунинг учун жорий ҳисобда маҳсулотни шартли баҳода баҳолаш керак. Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг кундалик ҳисоби ишлаб чиқариш режа таннархидаги, ёки корхонанинг шартнома баҳоларида, ёки ҳисоб баҳоси деб номланадиган чакана жўнатиш баҳоларида юритилади.

Чунончи, маҳсулот бирлигининг режа таннархи корхонада ишлаб чиқилади. У ой охирида тайёр маҳсулотларнинг гуруҳлари бўйича оғишиш суммасини ёки фоизини ҳисоблаш йўли билан ҳақиқий таннархга етказиб қўйилади. Оғишиш суммаси ва фоизи маҳсулотнинг ой бошига қолдиги ва унинг ой давомидаги киримига қараб ҳисоблаб чиқилади. Оғишиши тежалганлигини ёки корхона томонидан ортиқча харажаттага йўл қўйилганлигини кўрсатади ва шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнидаги унинг иш натижаларини таърифлайди. Тайёр маҳсулотлар қайси счетларда ҳисобга олинган бўлса, оғишишлар ҳам шу счетларда тежалган бўлса қизил сиёҳда сторно қилиб, ортиқча харажат бўлса оддий сиёҳда акс эттирилади. Оғишиш фоизи ва жўнатилган маҳсулотнинг режа таннархи сотилган ва омбордаги ой охирига қолган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш имконини беради.

Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига ўтиш жараёни қуйидаги дастлабки ҳужжатларда акс эттирилади: қабул қилиш — топшириш накладнойлари, далолатномалар, режалар, карталар ва б. Қуйида қабул қилиш-топшириш накладнойй-нинг шакли келтирилади.

Тайёр маҳсулотларни юклаб жўнатиш ўз ичига иккита ҳужжатни - омборга буйруқ ва жўнатиш учун накладнойни қамраб оладиган буйруқ - накладной билан расмийлаштирилади. Омборга буйруқни ҳаридорлар билан тузилган шарнома шартларига асосан мол олувчининг номини, унинг кодини, маҳсулотнинг миқдори ва ассортиментини, жўнатиш муддатини кўрсатиб тегишли хизмат бўлимига ёзиб беради..

Хужжат тегишли хизмат бошлиғи, омборчи ва экспедитор томонидан имзоланади. Буйруқ - накладной икки нусхада тузилиб, биринчиси товар-транспорт накладнойига биноан жўнатилган ўрин миқдорини, юкнинг оғирлигини ва мол олувчининг бекатигача маҳсулотни етказиб бериш бўйича тўланган темир йўл тарифи суммасини кўрсатиш учун экспедиторга берилади, иккинчи нусхаси молни жўнатганлиги тўғрисида асос бўлиб омборчида қолади. Унга биноан омбор ҳисоби карточкасининг «чиқим» графасига жўнатилган маҳсулотнинг миқдорини ёзиб қўяди ва хужжат бухгалтерияга топширилади. Экспедитор маҳсулотни транспорт ташкилотига топшириб ундан юкни қабул қилиб олганлиги тўғрисида квитанция олади. Маҳсулот жўна-тилгандан кейинги куни экспедитор буйруқ — накладнойни ва транспорт ташкилотининг квитанциясини мол олувчининг номига тўлов талабнома — топшириқ ёки бошқа хужжат ёзиш учун бухгалтерияга топшириши шарт. Шу билан бир вақтда счет — фактура ҳам ёзилади.

Тўлов талабномасида жўнатилган товарнинг ассортименти, миқдори, сотиш (шартнома) баҳоси ва қийматикўрсатилади (бундай ҳолда счет фактура тўлов талабномасига албатта илова қилиниши керак).

Куйида счет - фактурани шаклини келтирамиз, Тўлов талабномаси мол олувчининг ҳисоб - китоб счетидан счет - фактурага асосан юклаб юборилган маҳсулот қийматини ўтказиб бериши тўғрисида мол юборувчининг банкка берган буйруғи бўлиб ҳисобланади. Счет - фактура ёки тўлов талабномасининг алоҳида қаторида мол олувчилар томонидан тўланадиган идиш ва ўрама қиймати, ҳамда темир йўл тарифи кўрсатилади. Айрим ҳолларда мол юборувчининг тўлайдиган темир йўл тарифи тўланмалар суммасига қўшилиши мумкин, ҚҚС суммаси алоҳида қаторда кўрсатилади.

Мол юборувчи билан мол олувчи ўртасида тузиладиган шартномада мол юборувчи маҳсулотни қайси жой (франко — жой) гача етказиб бериш харажатларини ўз ҳисобига олиши тўғрисида келишиб олинади.

Франко - жойни қўйидаги турлари мавжуд:

- мол юборувчининг франко - омбори бунда мол юборувчи корхона маҳсулот юбориш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар (омбордаги, темир йўл бекатидаги, юклаш — тушириш ишлар қиймати, ташиш қиймати ва темир йўл тарифи) тўлов — талабномасига қўшилади;
- франко — юклаб жўнатиш бекати — бунда мол юборувчи тў-

лов - талабномага темир йўл тарифини ва маҳсулотни вагонга юклаш харажатлари суммасини қўшади;

- франко — вагон тайинланиш бекати — бунда мол юборувчи тўлов - талабномага фақат темир йўл (ёки бошқа транспорт) тарифи суммасини қўшади;

- франко - тайинланиш бекати - бунда темир йўл тарифи қўшилган ҳолда маҳсулот жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни мол юборувчи тўлайди; ,

- франко — мол олувчининг омбори - бунда юқорида кўрсатилган харажатлар билан бир қаторда мол юборувчи мол олувчининг бекатидаги ва унинг омборидаги тушириш — юклаш ишлари, унинг омборига олиб бориш ва бошқа ишлар қийматини тўлайди.

Ўзбекистонда тўловнинг кенг тарқалган тури бўлиб франко - вагон тайинланиш бекати ҳисобланади.

Маҳсулотларни бир меъёрда ишлаб чиқариш ҳаридорларга маҳсулот жўнатиш шартнома мажбуриятларини, маҳсулотни ўз вақтида сотиш, барча ҳисоб-китоб ва тўловларни бажарилишини таъминлайди. Шунинг учун ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳисоби корхона бухгалтериясининг узлуксиз назорати остида туради. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳужжатлари ҳар куни бухгалтерияга тушади ва бу ерда уларнинг турлари бўйича миқдор натура ҳисоби юритилади. Ой тугагандан сўнг ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жами режа, сотиш нархи бўйича ва ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳақиқий таннархи билан режа таннархини таққослаб тежалганми ёки ортиқча харажат қилинганми, шунга қараб корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнидаги иш натижасига баҳо берилади. Шу ернинг ўзида маҳсулотлар жўнатиш (сотиш, шартнома) нархida ҳам баҳоланади, бу эса маҳсулотлар сотилгандан сўнг олиниши мумкин бўлган тушум ва фойдани аниқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи 10/1 журнал - ордерининг 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счетини дебети ва 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетини кредити бўйича акс эттирилади. 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счети актив инвентар счети бўлиб, унинг сальдоси корхонанинг омбордаги маҳсулотлар колдиганинг ҳақиқий таннархини қўрсатади; дебет обороти — асосий ишлаб чиқаришдан қабул қилинган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини, шунингдек мол олувчилар томонидан қайтарилиган маҳсулотлар қийматини, кредит обороти ҳисобот ойида юклаб жўнатилган маҳсулот-

ларнинг ҳақиқий таннархини кўрсатади.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракатини пул кўрсаткичдаги ҳисоби 16-«Тайёр буюмлар ҳаракатининг пулдаги ифодаси» ведомостида юритилади. Қуйида бу ведомостнинг шакли келтирилади 16-«Тайёр буюмлар ҳаракатининг пулдаги ифодаси» ведомостининг I бўлимидан 2810 счетнииг тўлиқ маълумотлари таърифини икки баҳода — ҳақиқий ва ҳисоб баҳода оламиз.

Бу ой охирига бўлган тайёр маҳсулотларнинг умумий ҳажмидаги ҳақиқий харажатлар салмофини (ой бошига қолдиқ плюс маҳсулотнинг киримини уларнинг ҳксоб баҳосига нисбати) топиш учум зарур. Агар шу фоиз 100 га teng бўлса, демак, ҳақиқий харажатлар режага teng экан; агар фоизи 100 дан кам бўлса, корхона маҳсулот таннархини пасайтиргани бўлади, натижада ушбу маҳсулотни сотишдан у режадан ортиқ фойда олади; агар шу фоизи 100 дан ортиқ бўлса.

Шу жами маҳсулотларни ҳақиқий таннархини *уларнинг* ҳисоб (режа) таннархига бўлган фоиз нисбати бухгалтерия томонидан ҳисобот ойида юклаб жўнатилган, ҳаридорлар томонидан қайтарилилган ва ой охирига қолган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш учун фойдаланилади. Ой охирига қолган маҳсулотлар ҳақиқий таннархини аниқлашнинг зарурияти шундаки. уни бош дафтар билан таққослаш мумкин, омборлардаги қолдиқларни ҳисобга олиш дафтари билан эса ҳисоб баҳосидаги қолдиқ таққосланади.

Тайёр маҳсулотларнинг омбордаги ҳисоби оператив –бухгалтерия усулида юритилади, яъни маҳсулотларнинг ҳар бир номенклатура номерига материалларнинг омбор карточка ҳисоби (17-М шакли) очилади. Тайёр маҳсулотларни кирими ва чиқимига қараб омборчи хужжатларга асосан карточкаларга қийматликлар миқдорини (кирим, чиқим) ёзиб қўяди ва ҳар бир ёзувдан кейин қолдиғи чиқарилади.

Ўтган сутка ичida омборда йиғилиб қолган хужжатлар (қабул қилиш ~ топшириш накладнойлари, буйруқ -накладнойлар, товар - транспорт накладнойлари) ни бухгалтер ҳар куни қабул қилиши шарт.

Омбор ҳисобини тўғри юритилиши бухгалтернинг омбор ҳисоби карточкасига қўйилган имзоси билан тасдиқланади.

Моддий - жавобгар шахс омбор ҳисоби карточкаларига асосан ҳар ойда тайёр маҳсулотлар номенклатуралари, ўлчов бирлиги, миқдорини кўрсатиб тайёр маҳсулотлар қолдиғини ҳисобга олиш ведомостини тўлдиради ва уни бухгалтерияга топширади. Бухгалтерияда

ҳисоб баҳоси бўйича таксировка қилинади ва бухгалтерия маълумотлари (16-ведомостнинг I-бўлими) билан солиширилади.

Юклаб жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар — булар маҳсулот ва хизматлар учун тўлов ҳужжатлари, мол юборувчилар томонидан банкка топширилган, лекин ҳаридорлар томонидан тўланмаган сумма. Ой охирида юклаб жўнатилган, лекин тўлов ҳужжатлари банкка топширилмаган маҳсулотлар балансда омбордаги тайёр маҳсулотлар билан бирга акс эттирилади ва корхонаниг айланма маблағлари таркибида кўрсатилади.

Ҳисоблаш усулида мол олувчиларга маҳсулот юклаб юборилганда қуидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

1. Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархига

Д-т 9110 «Сотилган маҳсулотнинг таннархи» счети К-т 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счети

2. Юклаб жўнатилган маҳсулотнинг шартнома (сотиш) қийматига

Д-т 4010 “Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар” счети

К-т 9010 “Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар счети”

Юклаб жўнатилган маҳсулотлар харакатининг ҳисоби 16-ведомостнинг II- бўлимида юритилади.

Бу ведомостнинг иккинчи бўлимида жўнатилган, сотилган маҳсулотлар, материал қийматликлар, хизматлар ва ҳаридорлар билан ҳисоблашишларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби бирлашган. Жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар аналитик ҳисоби уларнинг натурал қўринишдаги турлари бўйича ёки тўлов ҳужжатлари бўйича икки баҳода - ҳақиқий таннархда ва сотиш нархida ташкил этилади. Шуни ҳам айтиш керакки, ой бошига ва ой охирига тўланмай қолган, ҳисобот ойида жўнатилган, ҳаридорлар томонидан қайтарилган ва сотилган маҳсулотларнинг умумий миқдори ҳам ҳисобга олинади. Ведомостнинг II-бўлимини тўлдириш учун олдинги ойнинг ведомости (тўланмаган маҳсулотнинг ой бошига қолди), тўлов ҳужжатлари, ҳисобот ойида жўнатилган маҳсулотларга буйруқ - накладнойлар, шунингдек корхонанинг ҳисоб-китоб счетидан олинган банкнинг кўчирмалари асос бўлиб ҳисобланади. Мол олувчи ҳисобидан чек билан тўланган темир йўл тарифи ведомостда алоҳида кўрсатилади, чунки у маҳсулот сотиш ҳажмига киритилмайди.

Мазкур ведомостнинг II-бўлимидан қуидаги маълумотларни олиш мумкин: ой давомида омбордан юклаб жўнатилган маҳсулот-

ларнинг ассортименти ва қиймати бўйича микдори; транспорт харажатлари суммаси; ККС суммаси; счет — тўлов ҳужжатлари бўйича олишга тегишли сумма; харидорлар билан ҳисоб - китоблар ҳолати; маҳсулот учун ҳисобот ойида тушган суммалар тўғрисидаги маълумотлар ва транспорт харажатларини қопланиши ва х. к. Ведомостнинг кўрсаткичлари катта оператив (тезкорлик) аҳамиятига эга, чунки ҳар куни юклаб жўнатилган, сотилган маҳсулотлар ҳажми тўғрисида маълумотларга эга бўлади. Бундан ташқари, шартнома мажбуриятларини бажарилиши ҳам назорат қилинади.

16-ведомостнинг III-бўлимида тўланган, ҳисобдан чиқарилган, тўланмаган ва ҳисобдан чиқарилмаган суммалар тўғрисидаги йиғма маълумотлар акс эттирилади. Қуйида бу бўлимнинг шакли келтирилади.

III. Тўланган, ҳисобдан чиқарилган, тўланмаган ва ҳисобдан чиқарилмаган суммалар бўйича йиғма маълумотлар.

А. Корреспондентланувчи счетлар бўйича-танланиши ва ҳисобдан чиқарилиши

Б. Маҳсулотни қайтарилиши билан боғлиқ бўлган тақдим этилган суммаларни камайтириш тартибидаги ҳисобдан чиқаришлар.

В. Ҳисоб гурухлари бўйича тўланмаган ва ҳисобдан чиқарилмаганлар.

Ведомостнинг III-бўлими тақдим этилган счетлар бўйича умумий суммасини кўрсатиб ой охирида тўлдирилади ва у учқисмдан иборатдир:

А- тўланиши ва ҳисобдан чиқарилиши;

Б- маҳсулот қайтарилганлиги учун ҳисобдан чиқарилиши;

В- тўланмаган, ҳисобдан чиқарилмаган. Бу бўлим 2810 ва 9010 счетларнинг крелит оборотларини II-журнал - ордерида акс эттирилганлиги ва 2810 счет бўйича кейинги ойга қолган қолдиқни тўғри ҳисоблаб чиқилганининг назорати учун хизмат қиласи.

Маҳсулотларни сотиш бир қанча харажатларни келтириб чиқарди. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлардан фарқли ўлароқ маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар тижорат харажатлари дейилади. Тижорат харажатлари таркибиغا қўйидагилар киради:

мол юборувчи корхона ҳисобидан преискурантларга ёки шартнома шартига биноан қилинган идиш ва жойлаш (қадоқлаш ва ўраш), (ўраш қоғозлари, тахтачалар, каноплар) харажатлари;

улгуржи баҳо франко - юклаб жўнатиш бекати усулида (юклаш,

етказиб бериш, тушириш) белгиланган ҳолларда мол юборувчи ҳисобидан маҳсулот сотиш бўйича қилинадиган транспорт харажатлари;

корхонанинг молиявий режасида назарда тутилган маҳсулот сотиш бўйича бошқа (комиссион йифим, маҳсулотни таҳлил қилиш бўйича) харажатлар.

Тайёр маҳсулотлар омборга қабул қилингандан кейин қадоқланган ва ўралган (упаковка) ҳолларда, идиш харажатлари тижорат харажатларига киритилади.

Агар қадоқлаш цехларда маҳсулотларни омборга топширишга қадар бажарилган бўлса, идишлар қиймати маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февральдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»га биноан бу харажатлар 9410 «Сотиш харажатлари» счетида ҳисобга олинади. Бу счет транзит бўлиб актив счетларга мансуб, ой бошига унда қолдиқ бўлмайди; дебет обороти маҳсулотни жўнатиш билан боғлиқ . бўлган харажатларни кўрсатади, кредит обороти эса ҳисбот ойида фойдани камайтиришга ўтказилган суммаларни кўрсатади. 9410-счети бўйича очилган счетларнинг аналитик ҳисоби дебет ва кредит оборотлари бўйича ҳисбот ойи ва йил бошидан жамланиб келувчи харажат суммаларини моддалари бўйича кўрсатган ҳолда 15-ведомостда юритилади. Бу, ўз навбатида, маҳсулот сотиш харажатларини таҳлил қилиш ва ҳисбот тузишни осонлаштиради. Бу счетларнинг дебет оборот суммалари 1, 2, 7, 10/1- журнал - ордерларда акс эттирилади, кредит оборот суммалари эса - 11-журнал - ордерда.

Ноишлаб чиқариш харажатлар ҳар ойда тўлиқ суммада қуйидаги ёзув билан молиявий натижаларга ўтказилади:

Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9410- счет бўйича очилган тегишли счетлар

Куйида сотиш харажатларини счетларда акс эттириш схемасини келтирамиз.

Балки қуйидаги проводка билан 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счтида акс эттирилади:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» жўнатилган маҳсулотлар учун, акциз солиги ва ҚҚС

суммаси кўшилган ҳолда, ҳаридорлардан олинадиган жами суммага.

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобланган акциз солиғи ва КДС суммасига.

К-т 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромад» маҳсулот сотишдан тушадиган соф тушумга.

9010, 9020 ва 9030 счетларнинг кредитида акс эттирилган сумма ой охирида 9900 «Якуний молиявий натижа» счети билан корреспондентланган ҳолда ёпилади.

Ҳисоблаш усулида, яъни маҳсулотни топшириш (юклаб жўна-тиш), иш ва хизматларни бажариш факти сотилди деб ҳисобланганда 4010 «Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счети қўлланилади. Бу счет актив бўлиб, унинг сальдоси буюртмачига топширилган маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг тўланмаган сотиш қийматини кўрсатади; дебет обороти ҳисбот ойида топширилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг сотиш қийматини, кредит обороти эса ҳисбот ойида ҳаридорлар томонидан тўланган суммани кўрсатади.

Маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлган хўжалик муомалаларининг мажмуи сотиш жараёни дейилади. Маҳсулот сотиш жараёнини режалаштириш корхонани буюртма билан таъминлашдан бошланади. Унга биноан ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш асоси бўлган номенклатура бўйича режа тузилади. Буюртмаларда маҳсулотларнинг ассортименти, юклаб жўнатиш муддати, миқдори ва сифати, нархи, ҳисоблашиш шакллари кўрсатилган бўлиб буюртмачи ва мол юборувчилар билан келишиб олинади.

Маҳсулот учун пул ҳаридорлардан ҳисоб-китоб счетига келиб тушган санада сотилди деб ҳисобланади (касса усули) ёки юклаб жўнатилган, топширилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, хизматлар учун ҳужжатлар банкка топширилган санада сотилди деб ҳисобланади (ҳисоблаш усули). Иккала усулда ҳам сотилган маҳсулот (иш, хизматлар) 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарлар сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олкнган даромадлар» счетларида ҳисобга олинади. Сотилган товарларни қайтарилиши ва ҳаридор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар 9040 «Сотилган товарларнинг қайтарилиши» ва 9050 «Ҳаридор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» - счетларида ҳисобга олинади. Бу счетларнинг хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг дебети ва кредитида бир ҳажмда (миқдорда) ги сотилган маҳсулот (иш, хизмат) лар бир хил

суммада акс эттирилади.

9010, 9020 ва 9030 счетларнинг кредитида 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счети билан корреспондентлашган ҳолда маҳсулот (иш ва хизмат) лар сотишдан тушадиган соф тушум акс эттирилади. Бу счетларда ҳаридорларга жўнатилган маҳсулот (иш ва хизмат) лар бўйича ҳисобланган акциз солиғи ва КДС суммалари акс эттирилмайди,

Юклаб жўнатилган ва сотилган маҳсулотларнинг счетлари бўйича синтетик ҳисоби 11- журнал — ордерида юритилади. Бу журнал ордер 2810, 9410, 9010, 9020, 9030, 9210, 9220, 4010 - счетларнинг кредит оборотларини ва 9010, 9020, 9030 - счетларининг аналитик маълумотларини ёзиш учун тайинланган. 11 - журнал-ордер 15 ва 16 - ведомостларнинг аналитик маълумотларига асосан тўлдирилади. Қуйида 11-журнал-ордерининг шакли келтирилади.

11 - журнал-ордер

2005 йил март ойи учун

Кишлоқ хўжалик машинасозлик заводи бўйича  
сўм

Счёлар кредити Счёлар дебети	2810	9410	9010	9020	6410	Жами
2810 «Юклangan товарлар».	432800					432800
4010 «Харидорлар ва буюртмачилар- дан олинадиган счетлар»		2832	440108			442940
5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»			9600	565300	160972	735872
жами	432800	2832	449708	565300	160972	161612

Юклаб жўнатилган маҳсулотлар ҳажмидаги йил бошидан жамланувчи оборотлари ҳақиқий таннархни тақдим этилган счетлар суммасига бўлгаи фоиз нисбатини ҳисоблаш учун фойдаланилади. Бу нисбат 100% дан кам бўлиши керак, чунки у корхонанинг маҳсулот

сотишдан тушган тушумидаги ҳақиқий харажатлар улушкини кўрсатади. Қолган қисми фойда улушкини кўрсатади. Қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи бўйича фоиз нисбати 82,0 (2520000~х 100: 3068000), Демак, сотишдан тушган тушумнинг қарийб 18% ини фойда ташкил этади. Ушбу кўрсатк режа бажарилишини таҳлил қилишда, балки ой охирига қолган юклаб жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблашда катта аҳамиятга эга. Бунинг учун барча счетлар бўйича ой охирига тўланмаган сотиши қийматидаги суммани фоиз нисбатига кўпайтирилади. Қишлоқ хўжалик машинасозлик заводида ҳақиқий таннарх бўйича қолдиқ 90692 сўмга тенг ( $110600 \times 82,0 : 100$ ).

11 - журнал-ордернинг аналитик маълумотлари бўйича фойда суммасига бухгалтерияда 15 - журнал~ордерга ёзиш учун қуидаги корреспондентланувчи счстларни кўрсатиб маълумотнома (справка) тузади:

Д-т 9010, 9020, 9030- счетлар

К-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

Мол юборувчи корхоналар юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлари учун ҳисоблаш усулида ҳисоб -китоб олиб борганда, ҳаридорлардан олдиндан маълум (жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг қийматидан камида 15 фоиз) микдорида аванс (бўнак) суммасини олиши мумкин.

Олинган бўнакларнинг синтетик ҳисоби 6310 «Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счетида юритилади. Бу счет моддий қийматликларни етказиб бериш учун ёки бажарилган ишлар учун олинган аванслар бўйича, шунингдек буюртмачилар учун бажарилган қисман тайёр бўлган маҳсулот ва ишларни тўлаш бўйича олиб бориладиган ҳисоб - китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

Олинган бўнаклар суммаси, шунингдек қисман тайёр бўлган ишлар ва хизматлар учун олинган тўланмалар, пул маблағларини ҳисобга оладиган счетлар (5010, 5110, 5210) нинг дебети ва 6310 «Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счетининг кредитида акс эттирилади.

Тўла тайёр буюмлар, материаллар ва бажарилган ишлар учун мол оловчи (буюртмачи)ларга счетлар тақдим этилганда, ушлаб қолинадиган (зачет қилинадиган) олинган бўнак суммалари ва қисман тайёр бўлган маҳсулот ва ишлар бўйича олинган тўланмалар 6310 - счетнинг дебетида ва 4010 «Ҳаридорлар ва буюртмачилардан

олинадиган счетлар» счетининг кредитида акс эттирилади. 6310 - счет бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича юритилади.

Ҳисоблашиш ҳужжатларини тақдим этилиши (юклаб жўнатилиши билан маҳсулот (иш ва хизмат) лар сотилди деган усулни ҳисоб сиёсатида қабул қилган корхоналар сотилган маҳсулотнинг пули ҳаридорлар ва буюртмачилар томонидан тўланмаган тақдирда ўзини ўзи молиялашга муҳтож бўлади. Бундай ҳолларда «Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»га биноан корхонанинг баланс фойдаси ҳисобидан айланма маблағларни тўлдириш манбаи тарзида резерв ташкил этиш тартиби қабул қилинган.

Шартномада кўрсатилган муддат ичида тўланмаган, тегишли кафолатлар билан таъминланмаган дебитор қарзлар даргумон қарзлар деб тан олинади.

Даргумон қарзлар резерви ҳар йили йиллик ҳисботни тузишдан олдин ўтказиладиган дебитор қарзлар инвентаризацияси бўйича инвентаризация комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилган ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланган қарорига асосан ташкил этилади. Қарзларни ундириб олиш муддатини ўтишига ёки ҳаридорни тўлаш қобилиятига эга эмаслигини тан олиш (ёки даъвони рад этиш) тўғрисида арбитраж ва суд органларининг қарорига қараб маблағлар ҳисобдан чиқарилади. Бундай муомалаларни ҳисобга олиш учун 4910 «Даргумон қарзлар резерви» счетидан фойдаланилади. Бу счет контрактив бўлиб пассив счетига мансуб, унинг кредитида резервни ташкил этиш муомалалари акс эттирилса, дебетида — ундан фойдаланилиши кўрсатилади. Муомалалар ҳисоби 11, 12, 15- журнал - ордерларда ва 16-ведомостда юритилади.

4910 «Даргумон қарзлар резерви» счетининг аналитик ҳисоби резерв ташкил қилинган ҳар бир даргумон қарз бўйича юритилади.

Балансдан чиқарилган (Д-т 4910, К-т 4310, 4010, 4890 ва б.) ундириб олинмаган қарзларни корхона ҳисобдан чиқарган санадан бошлаб 5 йил ичида, қарздорларнинг мулкий ҳолати ўзгарган тақдирда қарзни ундириб олиш имконияти устидан назорат олиб бориш учун, балансдан ташқаридағи 007 «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг заарга ўтказилган қарзи» счетида ҳисобга олиб борилади.

Башарти олдин ҳисобдан чиқарилган даргумон қарзлар ундириб олинса, корхона қабул қилинган суммани операцион даромадлар ва тушумлар таркибиға қабул қиласи (Д-т 50, 51, 52- счетлар К-т 9390-счети). Шу билан бирга балансдан ташқаридағи 007- счетдан ҳам

чиқарилади.

Маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар сотишдан ташқари бартер муомалалари ҳам содир бўлиши мумкин.

Охирги йиллари корхоналар ўртасида товар алмашиш ёки бартер асосида амалга ошириладиган муомалалар таъзиқланган. Лекин, бизнинг фикримизча, бу муомалаларни қандай амалга оширишни бухгалтерлар билишлари керак. Товар алмашиш муомалалари ҳам товар — материал қийматликларини олди - сотди шаклининг бири бўлиб ҳисобланади. Бу муомалаларни амалга оширишда нархлар ўртacha бозор ёки қайд этилган баҳолардан кам бўлиши мумкин эмас.

Бартер асосида амалга ошириладиган муомалалар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1994 йил 14-июлдаги 75-сонли хати билан тартибга солинади.

Товар алмашиш муомалалари ҳисобини ташкил этиш маҳсулот (иш ва хизмат) лар сотишдан тушган пулни аниқлаш, яъни касса усули ёки ҳисоблаш усулига боғлиқ.

Тўланишига қараб маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган пулни аниқлашда товар алмашиш муомалалари бухгалтерия ҳисобида қўйидаги тартибда акс эттирилади: товар алмашиш муомалалари бўйича корхонага келиб тушган материал қийматлик (иш ва хизмат) лар ишлаб чиқариш заҳиралари, товарлар ёки бошқа счетларнинг дебети ва 6010, 6890- «Бошқа мажбуриятлар» счетларнинг кредитида акс эттирилади.

Олинган материаллар ўрнига жўнатилган маҳсулот (иш, хизмат) лар қийматига 4010 «Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счети дебетланади 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счети кредитланади, шу билан бирга 6010 ёки 6890- счет дебетланиб 9010- счет (ёки 9210, 9220- счетлар) кредитланади. Юклаб жўнатилган маҳсулотнинг таннархи ёки алмашиш тартибида берилган бошқа буюмлар қиймати 9110-счетининг дебетига ёзилади.

Бу муомалалар бўйича аниқланган молиявий натижалар 9900 «Якуний молиявий натижа» счетига ўтказилади.

Ҳисоблашиш хужжатларини тақдим этилиши (юклаб жўнатилиши) билан маҳсулот (иш, хизмат)лар сотилди деган (ҳисоблаш) усулида товар алмашиш муомалалари ҳисобидан юклаб юборилган товарлар ва бошқа мулклар 4010 «Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» ёки 48 «Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олиш счетлари» счетларининг дебетида ва маҳсулот сотиши (9010.

9210, 9220) счетларининг кредиттида акс эттирилади. Шу билан бирга 9110-9130 - счетларининг дебетига корхона томонидан жўнатилган маҳсулот (иш ва хизмат)лар, товарлар ва бошқа мулкларнинг таннархи ёзилиб, шу қийматликларни ҳисобга оладиган счетлар кредитланади.

Товар алмашиш бўйича молиявий натижа, одатдагидек, маҳсулот сотиш счетларидан 9900 «Якуний молиявий натижа»

Товар алмашиш муомалалари бўйича келиб тушган материал қийматликлар, товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш заҳиралари, товарлар ва бошқа счетларнинг дебетига ва 6010 ёки 6890- счетнинг кредиттига ёзилади ва шу билан бирга 6010 ёки 6890- счет дебетланиб, 4010 ёки 4810- счет кредитланади.

Товар алмашиш муомалалари билан боғлиқ бўлган харажатлар (устама, тижорат харажатлари, божхона тўловлари ва бошқалар), шунингдек ҚҚС, акцизлар нақд пулга ва нақд пулсиз маҳсулот сотиш учун белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

Маҳсулот, бажарилган иш, хизматлар сотиш ва товаралмашишдан ташқари, консигнация асосида ҳам муомалалар содир бўлиши мумкин.

Консигнация — бу бир томон (консигнат) нинг бошқа томон (консигнатор)га ўзини номидан консигнатнинг хориждаги омборидан товарларни сотиш тўғрисидаги буйруғидир. Бундай хизматларни бажарганлиги учун консигнатор маълум миқдорда ҳақ олади. Товарнинг мулкдори бўлмаган, лекин ўз зиммасига консигнация савдоси буйруғи вазифасини оладиган шахсга бериладиган ҳақнинг миқдори ва тўлаш тартиби консигнация шартномаси билан ёки сотиладиган товарлар қийматидан маълум фоиз кўринишида, ёки (шартномада кўрсатилган) минимал баҳо билан сотиш баҳоси орасидаги фарқ кўринишида белгиланиши мумкин.

Консигнация шартномаси бўйича хориждан импорт қилинган товарлар бухгалтерия ҳисоби молия Вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси макроэкономика ва статистика Вазирлиги, Марказий банк томонидан 2001 йил 7 ноябрда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисботда хорижий валюта муомалаларини акс эттириш тартиби тўғрисида «Низом» билан тартибга солинади.

Бунда ялпи даромадидан ягона солиқ тўловчи савдо корхоналари солиқлар маълумотларини ҳисоблаб чиқиша даромадлик даражасини ва солиқка тортиш объективини аниқлашда ҳам божхона тўлов-лари, акцизлар ва ҚҚС суммаларини ялпи

даромаддан чиқариб ташлайди.

Консигнатор томонидан товарларни сотиш учун қабул қилиб олганда товарлар қиймати балансдан ташқари 004-«Комиссияга қабул қилинган товарлар» счетига кирим қилинади.

Асосий код фаолияти бўйича даромад (фойда) дан ажратма ва ҚҚС тўловчи корхоналарда консигнация асосида амалга ошириладиган муомалалар ҳисоби ялпи даромаддан ва ягона солик тўловчи корхоналар ҳисобидан бирмунча фарқланади.

Асосий код фаолияти бўйича даромад (фойда) дан ажратма ва ҚҚС тўловчи консигнатор корхоналар балансида консигнация товарларини сотиш ҳисоби қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади:

1. Консигнация товарлари келиб тушганда ҳисобланган ҚҚС суммасига.

Д-т 4510 «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар» счети

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети

2. Тўланган ҚҚС суммасига.

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети

К-т 5110- «Ҳисоб - китоб» счети

3. Ҳисобланган божхона тўловлари ва акциз солиғи.

Д-т 9439 «Бошқа операцион харажатлар» счети

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети

4. Тўланган божхона тўловлари ва акциз солиқлари. Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети К-т 5110- «Ҳисоб - китоб» счети

5. Шартнома баҳосида сотилган товарлар суммасига.

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счети

К-т 9020 «Товарлар сотишдан олинадиган даромадлар» счети

6. Сотилган санасига бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича товар инвойси ва ЮБД бўйича консигнация товарлари қийматига ва консигнантнинг даромадига (агар бу шартнома шартида назарда тутилган бўлса).

Д-т 9120 «Сотилган товарлар таннархи» счети

К-т 6890 «Бошқа мажбуриятлар» счети

Шу билан бирга сотилган консигнация товарлари суммаси 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» балансдан ташқари счетидан чиқарилади.

7. Консигнацион товарларни сотишдан тушган суммани киримга

олиш.

Д-т 5110 «Ҳисоб - китоб счети»

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счети

8. Консигнаторнинг ялпи фойда суммасига. Д-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» счети

К-т 9900 «Якуний молиявий натижа» счети

9. Сотилган маҳсулот ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига.

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счети

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети

10. Божхонада тўланган "ҚҚС" суммаси ушлаб (зачст) қолииганда.

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети

К-т 4510 «Солиқлар бўйича бўнак тўловлари» счети

11. Бюджетга ўтказиб берилган ҚҚС суммасига (фарқига).

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети

К-т 5110- «Ҳисоб - китоб счети»

12. Давр харажатларини (ҳисобланган божхона харажатлари ва акциз солиқлари) ҳисобдан чиқарилиши. Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа» счети К-т 9439 «Бошқа операцион харажатлар» счети Ялпи даромаддан ва ягона солиқ тўловчи консигнаторлар балансида консигнация товарларини сотиш ҳисоби қўйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади:

1. Ҳисобланган ҚҚС, божхона тўловлари ва акциз солиқ суммасига.

Д-т 9439 «Бошқа операцион харажатлар» счети

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети

2. Тўланган ҚҚС, божхона тўловлари ва акциз солиқ суммасига.

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб счети»

3. Товарларни сотишдан тушган ялпи тушум суммасига.

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб счети»

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счети'

4. Консигнаторнинг комиссия суммаси қўшилган ҳолда консигнация товарлари қийматига.

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счети

К-т 9020 «Товарлар сотишдан олинадиган даромадлар» счети.

5. Сотиш санасига бўлган Марказий банк курси бўйича консигнантнинг даромад суммасига ва ЮБД бўйича консигнация товар қийматига:

Д-т 9120 «Сотилган товарлар таннархи»

К-т 6890 «Бошқа мажбуриятлар»

Шу билан бирга сотилган консигнация товарлар қиймати 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» балансдан ташқари счетидан чиқарилади.

6. Консигнаторнинг ялпи даромад суммасига:

Д-т 9010 «Махсулот сотишдан олинган даромадлар»

К-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

7. Ялпи даромаддан олинадиган солиқ суммаси ҳисобланганда:

Д-т 9810 «Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар»

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» Ушбу ҳисобланган солиқ тўланганда: Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб счети»

8. Давр харажатларини ҳисобдан чиқарилиши:

Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9439 «Бошқа операцион харажатлар»

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 2003 й.

2. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т.: Ўзбекистон, 1997 й.

3. И.А.Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ”. –Т.: Ўзбекистон, 2002 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т.; 2004 й.

5. У.Қайимов. Суд бухгалтерияси экспертизаси. Т.; 1993 й.

6. Б.Хошимов. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Т.; 2004 й.

7. Сотоволдиев А., Иткин Ю. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. – Т, 2002 й.

8. Бакаев А.С., Шнейдман Л.З. Учетная политика предприятия.- М.:Бухгалтерский учет, 1994.

9. Иткин Ю.М., Гадоев Э.Ф. Бухгалтерский учет в условиях риочной экономики Узбекистана (1,2 том). - Т.: 2000.

10. Бабаев Ю А. Теория бухгалтерского учета. - М.: ЮНИТИ, 2000.

## **Ўзбекистон Республикасида молиявий хўжалик назорати ва тафтиш ўтказишнинг ташкил қилиниши**

Корхоналарда содир бўлган хўжалик операцияларини, моддий жавобгар шахслардаги моддий қийматликларни, шунингдек бошқа шахслар ва ташкилотлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ва назорат қилишни таъминлаш учун бухгалтерия хужжатларидан фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритища хужжатлар жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ҳар бир содир бўлган хўжалик операцияси хужжатлаштирилганлиги натижасидагина унинг тўхтовсиз ҳисобга олиниши таъминланади ва ишончномага эга бўлинади. Шу билан бирга бухгалтерия ҳисобининг счётларида, регистрларда ва ҳисбот иш қоғоз (бланк)ларида акс эттирилган ҳамма ёзувлар тегишли бошланғич хужжатлар билан асосланган бўлиши зарур. Шуннинг учун ҳам хужжатлаштириш бухгалтерия ҳисоби усулининг муҳим жихатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Кўпчилик иқтисодий адабиётларда хужжат билан хужжатлаштириш ўртасида маълум аниқ чегара берилмаган. *Бухгалтерия ҳисобида ҳужжат деб ҳуқуқий асосга эга бўлган маълум реквизитли иш қозогизга айтилади. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлаштириши деб эса хўжалик операцияларини ҳужжат ёрдамида расмийлаштириши усулига айтилади.*

Бухгалтерия ҳисобида ҳамма хўжалик операцияларини хужжатлаштириш жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва бухгалтерия ҳисботи кўрсаткичларига исботловчи куч беради, шунинг учун ҳам айrim холлардаги хўжалик тортишувларини суд, ҳакамлик томонидан тўғри ҳал қилиш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисобида хужжатлаштириш ёрдамида давлат режатопшириқларининг бажарилишини назорат қилиб, ўз вақтида зарур маълумотларни тезликда олиш имконияти яратилади.

Хужжатлаштириш ёрдамида хўжалик маблағларининг ҳаракатини ўз вақтида тўғри ҳисобга олиш, шунингдек бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига ўтказишда моддий қийматликларнинг бутлиги таъминланади. Шуннинг учун ҳам хўжалик операцияларини хужжатлаштириш натижасида мулк қўриқланади.

Хужжатлаштирилган ҳамма маълумотлар корхоналарнинг ҳамма ишлари устидан муайян хўжалик раҳбарлари назоратини таъминлаши билан бирга, давлат ва жамоат назорат вакилларига ҳам ана шу

ишлиарнинг қонунийлигини исботлаш имконини беради.

Хужжатлаштириш ёрдамида ҳамма ҳисоб-китоблар амалга оширилади, хўжаликнинг ишлаб чиқариш-молиявий натижалари аниқла-нади, ҳар бир ходимнинг меҳнат натижалари, харажат ва даромад кўрсаткичлари ва ҳоказолар топилади.

Демак, ҳужжатлаштириш хўжаликда амалга оширилган хўжалик операциялари устидан назорат ўрнатиш билан бирга, иктисодиёт тартибини таъминлайди ва оқибат натижада ҳисобни мустаҳкамлайди.

Бошланғич ҳужжатлар хўжалик операцияларининг амалга оширилганлигини қайд қиласди. Давлат, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасаларда (банк муассасалари ва жамоа хўжаликларидан ташқари) бошланғич ҳужжатларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида қайд қилиш тартиби «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши ҳақида низом» билан ўрнатилгандир. Шу қоида талаблари асосида тузилган бошланғич ҳужжатларгина бухгалтерия ҳисоби регистрларига қайд килинади ва амалга оширилган хўжалик операциялари ҳақида маълумотлар учун асос бўлиб ҳисобланади.

Бошланғич ҳужжатлар хўжалик операцияси содир бўлган пайтда тузилиши ва уларда аниқ (ишенчли) маълумотлар қайд килиниши керак. Эскирган ва ихтиёрий тузилган шаклларнинг иш қоғозларидан фойдаланиш мумкин эмас. Айрим ҳолларда бошланғич ҳужжатларни машина ўқий оладиган маълумот ташувчиларда ҳам тузиш мумкин.

Куйидаги реквизитлари бўлган бошланғич ҳужжатларгина ҳуқуқий кучга эга бўлади: ҳужжат (шакл)нинг номи, шаклнинг коди; ҳужжат тузилган сана; хўжалик операциясининг мазмuni; хўжалик операцияси (микдор ва қиймат ифодаси) ўлчови; хўжалик операциясининг амалга оширилиши ва уни тўғри расмийлаштириш учун жавобгар шахсларнинг мансаблари номлари, имзолари ва уларнинг расшифровкалари. Бундан ташқари, зарурат туғилса, бошланғич ҳужжатда яна куйидаги қўшимча реквизитлар ҳам бўлиши мумкин: ҳужжатнинг рақами; корхонанинг номи ва манзили; ҳужжатда қайд қилинган хўжалик операциясини амалга ошириш асоси; ҳужжатлаштирилаётган хўжалик операцияларининг характеристери билан аниқланиладиган бошқа қўшимча реквизитлар. Бухгалтерия ҳисоби механизациялаштирилган (автоматлаштирилган) ҳолларда бошланғич ҳужжат-ларнинг реквизитлари кодлар шаклида қайд қилиниши мумкин.

Бошланғич ҳужжатларни архивда сақлаш даврида улардаги ёзувлар ўчиб кетмаслигини таъминлайдиган воситалар билан ҳужжатларга ёзувлар қилиш керак. Шунинг учун ҳам бошланғич ҳужжатлардаги ёзувлар оддий сиёҳ, кимёвий қалам, шарикли ручка пастаси, ёзув машинаси, механизация воситалари ва бошқа юқорида қўйилган талабга жавоб берадиган воситалар ёрдамида қилиниши керак. Бошланғич ҳужжатлардаги ёзувларни қилишда оддий қаламдан фойдаланиш қатъиян ман қилинади. Бошланғич ҳужжатларнинг бўш сатрлари албатта чизиб қўйилган бўлиши керак.

Корхоналарда бош бухталтер билан келишилган ҳолда бошланғич ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқи берилган шахсларнинг рўйхати тузилади ва бу рўйхат корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Жуда ноёб ва қимматбаҳо моддий қийматликларни омбордан чиқариш учун тузиладиган ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони жуда ҳам қисқартирилган бўлиши керак. Машина ўқий оладиган бошланғич ҳужжатларни тузиш учун жавобгар бўлган шахсларнинг имзоларини пароллар ёки ушбу шахснинг имзосини бир хилда идентификация қилишни таъминлайдиган бошқа авторлаштириш усулларига алмаштириш мумкин.

Коидага кўра, тегишли ҳолларда айrim бошланғич ҳужжатларнинг шакллари иш қоғозлари қатъий ҳисботдаги қоғозлар қаторига киритилиши мумкин. Бундай иш қоғозлар рақамлаш асбоби ёки матбаа усули билан рақамлаштирилиши керак.

Бухгалтерияга келиб тушган бошланғич ҳужжат шакли ва мазмuni бўйича текширилади. Бошланғич ҳужжат шакли бўйича текширилганда унинг тўла ва тўғри расмийлаштирилганлиги ва реквизитларининг тўлдирилганлиги текширилади. Бошланғич ҳужжат мазмuni бўйича текширилганда эса унда ҳужжатлаштирилган операциянинг қонунийлиги ва қўрсаткичларининг мантиқий жиҳатдан боғлиқлиги текширилади.

Бош бухгалтерлар ҳақидаги низомга кўра, пул маблағлари, молмоддий ва бошқа моддий қийматликларни қабул қилиш, сақлаш ва харажат қилиш тартибига хилоф бўлган операциялар бўйича бошланғич ҳужжатларни бажариш ва расмийлаштириш ман килинган. Бундай ҳужжатлар корхонанинг бош бухгалтерига тегишли қарор қабул қилиши учун берилиши керак.

Ишланган бошланғич ҳужжатларнинг қайта ишлатилиш имкониятини йўқотиш мақсадида уларга қуйидагича белги қўйилади: бошланғич ҳужжат қўлда ишланган бўлса, у ҳолда ҳужжатга унинг

маълумотлари ҳисоб регистрига ёзилган сана ёзиб қўйилади; бошланғич хужжат ҳисоблаш машиналарида ишланган бўлса, у ҳолда хужжатга уни ишлаган жавобгар назоратчининг штампи босилади. Кирим ва чиқим касса ордерларига илова қилинган ҳамма хужжатлар ҳамда иш ҳақи ҳисоблашга асос бўлган хужжатларда «олинган» ёки «тўланган» деган штамп босилиши ёки қўл билан ёзилиши ваунда шу сана (кун, ой, йил) кўрсатилиши керак.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш техникаси воситалари ёрдамида маълумотларни ишлаш учун мослаштирилган хужжатлар қўлланилади. Бундай хужжатлардан фойдаланишга рухсат ҳисоблаш техникаси воситаларида яратиладиган магнит лента ва қоғоздан ясалган ахборот ташувчилардаги хужжатларга хуқуқий куч бериш ҳақидаги вактинчалик умумтармоқ кўрсатмалари билан берилган.

Ҳисоблаш машиналарига мослаштирилган хужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишда ҳисоблаш техникаси воситалари билан яратилган хужжатларни танлаб олиш, архивда сақлаш учун қабул қилиш ва уларни фойдаланувчиларга бериш ҳақидаги қоидага асосланилади.

Бухгалтерия ҳисобида айrim бошланғич хужжатлар қатъий ҳисботдаги иш қоғозларга кирувчи иш қоғозларда яратилади. Бу иш қоғозлар доналаб ҳисобга олинади. Бундай иш қоғозларда бошланғич хужжатларни яратишдан мақсад маблағларнинг харажат қилиниши ва мулкнинг бутлиги устидан назоратни кучайтиришdir. Қатъий ҳисботдаги иш қоғозлар моддий қийматликларни қабул қилиш ёки корхона худудидан уларни чиқариш (ваколатнома, мол-транспорт талабномаси) ёки моддий қийматликларни шахсий кишиларга сотиш (кирим касса ордери) ва айrim бошқа операцияларни расмийлаштириш учун ишлатилади. У ёки бу иш қоғозларни қатъий ҳисботдаги иш қоғозларга ўтказиш ҳақида тегишли юқори идоралар карор қабул қилиши мумкин. Бу иш қоғозларни ҳисобга олиш, сақлаш ва бериш учун масъул шахс тайинланади. Улардан фойдаланувчи мансабдор шахслар рўйхати корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Корхонага келаётган иш қоғозлар бу иш қоғозларнинг ҳисоби, сақланиши ва берилиши учун масъул шахс томонидан текшириб олинади. Агар иш қоғозларнинг камлиги аниқланилса, у ҳолда бу ҳақда далолатнома тузилади. Корхонада қатъий ҳисботдаги иш қоғозларнинг ҳисоби кирим-чиқим дафтарларида олиб борилади. Корхона бўлинмаларининг моддий жавобгар шахсларига иш қоғозлар талабнома билан берилади. Ишлатилган иш қоғозлар моддий жавобгар шахслар ҳисоби-

дан далолатнома билан чиқарилади. Қатъий ҳисоботдаги иш қоғозлар билан ишлайдиган ҳар бир моддий жавобгар шахсга корхона бухгалтериясида берилган ва ишлатилган қоғозлар ҳақидаги карточка-маълумотнома олиб борилади.

Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган ҳолда юритиш асослари (хўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш; ҳисоб ахборотларини тизимлаштириш ва умумлаштириш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш; ҳужжатлар айланишини ташкил қилиш тартиби) мутасадди идоралар ишлаб чиқсан корхоналарни бошқаришни автоматлаштирилган тизими таркибида автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисобини яратиш ва уни қўллаш бўйича умумтармоқ услугий кўрсатмаларида аниқланган.

Бошланғич ҳужжатларнинг матни ёки рақамли маълумотларини тозалаш ва тузатиш мумкин эмас. Қўлда тузилган бошланғич ҳужжатларда (касса ва банк ҳужжатларидан ташқари) қўйилган хатолар қўйидаги тартибда тўғриланади. Нотўғри матн ёки сумма устидан чизилади, унинг, тепасига тўғри матн ёки сумма ёзилади, ёнига «тўғриланган» деган ёзув қилинади, ҳужжатга аввал имзо чеккан шахслар яна имзо чекишиб тўғрилашни тасдиқлашади ва тўғрилаш амалга оширилган сана (кун, ой, йил) ёзиб қўйилади.

Кирим ва чиқим касса ордерларида ҳеч қандай ўзгариш қилиш мумкин эмас.

Бухгалтерия ҳисобида бошланғич ҳужжатларнинг ҳаракати (ҳужжатни тузиш ёки бошқа корхонадан олиш, ҳисобга қабул қилиш, ишлаш, архивга бериш — ҳужжатлар айланиши) жадвал билан тартибга солинади. Бу жадвални тузиш ишларини корхонанинг бош бухгалтери ташкил килади. Ҳужжатларнинг айланиш жадвали корхона раҳбари буйруғи билан тасдиқланади. Қуйида корхона бўйича ҳужжатлар айланиши жадвали келтирилган.

Жадвал ёрдамида корхонада ҳужжатлар айланиши, бошланғич ҳужжат ўтиши лозим бўлган бўлинмалар ва бошқарувчиларнинг аниқ сони, ҳужжатнинг х.ар бир бўлинмада бўлишининг энг кам муддати ўрнатилади. Ҳужжатлар айланиши жадвали корхонанинг ҳар бир бўлинмаси ва ҳамма бажарувчилари томонидан ҳужжатларни тузиш, текшириш ва ишлаш бўйича ишлар тархи ёки рўйхати сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Бу тарх ёки рўйхатда ҳужжатни тузиш, текшириш ва ишлашнинг ҳамма ижрочиларининг ўзаро алоқаси ва бу ишларни бажариш муддатлари кўрсатилади. Ҳужжатлар айланиши жадвалининг кўчирмаси шу жадвалда кўрсатилган ижрочиларнинг

хар бирига берилади. Бу кўчирмада тегишли ижрочи фаолиятига тааллукли бўлган ҳужжатлар, уларни тақдим этиш муддатлари ва қайси бўлинмаларга ушбу ҳужжат берилиши кераклиги кўрсатилади.

Ҳужжатлар айланиши жадвалини таъминлаш, ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тузиш, уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботида қайд қилиш учун ўз вақтида топшириш ва ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келишига шу ҳужжатларни тузган ва унга имзо чеккан шахслар жавобгар бўлиб ҳисобланади. Қорхона бош бухгалтери ижроилар томонидан ҳужжатлар айланиши жадвалининг бажарилиши устидан назорат олиб боради. Корхона бош бухгалтерининг операцияларни расмийлаштириш тартиби ва тегишли ҳужжатларни ва маълумотларни бухгалтерияга ёки ҳисоблаш марказларига тақдим этиш тартиби бўйича қўядиган талаблари ушбу корхонанинг ҳамма бўлинмалари учун албатта бажарилиши зарур талаблар бўлиб ҳисобланади.

*Шундай қилиб, хўжалик операцияларини ўзида акс эттирган ҳужжатларнинг расмийлаштирилишидан архивга келиб тушишига қадар босиб ўтиши зарур бўлган босқичлар йигиндисига ҳужжатларнинг айланиши деб аталади.*

Ҳужжатларнинг айланишини ташкил қилишда ҳужжатларни расмийлаштириш, уларнинг тўғри тузилганлигини текшириш, ҳужжатларни ишлаш, ҳужжатларнинг маълумотлари, уларни маълум иқтисодий мазмунларига қараб гуруҳлаштириш, тегишли регистрларда акс эттиришда ҳужжатларнинг ҳаракат қилиши режаси катта роль ўйнайди. Бу режада ҳужжатларни расмийлаштиришдан уларнинг маълумотларини бухгалтерия ҳисобининг регистрларида акс этти-ришга қадар инстанцияларни айрим-айрим кўрсатиб, ҳар бир босқич-га ҳужжат қайси вақтларда келиб тушиши ва қанча вақт ичida ҳужжат бу босқичдан кейинги босқичга ўтиши зарурлиги белгиланади. Ҳужжатларнинг ана шу ҳаракат килиш режасига асосан иш олиб борилганда хўжалик операцияларининг ўз вақтида ҳужжат билан расмийлаштирилиши, ҳужжатларнинг ишлаш учун бир текисда келиб тушиши ва бухгалтерия ишларининг оқилона ташкил қилиниши таъминланади. Шунинг учун ҳам бир турдаги бухгалтерия ҳужжат-ларига ўзига хос ҳаракат жадваллари тузилади. Бу жадвалларга асо-сан бухгалтерлар моддий жавобгар шахслардан, ҳисобдор шахслар-дан, цех ва завод ходимларидан бухгалтерия ҳужжатларини талаб қиласди.

Бухгалтерия ҳужжатларининг айланиши ҳужжатларни архивга

топшириш билан тугайди.

Бошланғич ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, бухгалтерия – ҳисоботлари ва баланслари албатта архивга топширилиши керак. Улар корхона архивига топширилгунга қадар бухгалтерияда махсус хоналарда ёки беркиладиган шкафларда бош бухгалтер томонидан қўйилган шахснинг жавобгарлиги остида сакланади. Қатъий ҳисоботдаги иш қоғозлар эса сейфларда, металлдан ясалган шкафларда ёки уларнинг бутлигини таъминлайдиган махсус хоналарда сакланиши керак.

Машина ўқий оладиган маълумот ташувчилардаги бошланғич ва ишлаш натижасида олинган ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобини уни механизациялаштирилган (автоматлаштирилган) шароитда юритиш қоидалари тегишли меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартибга кўра сакланади. Ҳар бир ойнинг қўлда ишланган ва маълум ҳисоб регистрида тегишли бошланғич ҳужжатлари хронологик тартибда комплектланади ва улар архивга маълумотнома билан топширилади. Касса ордерлари, бўнак ҳисоботлари ва банк қўчирмалари уларга тегишли ҳужжатлар билан хронологик тартибда йигилади ва муқоваланади. Ҳужжатларнинг айрим турлари (ишга берилган нарядлар, смена рапортлари) муқоваланмаган ҳолда, аммо папкага тикилган ҳолда сакланиши мумкин. Корхона архивида бошланғич ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, бухгалтерия ҳисботи ва балансларини саклаш муддати Вазирлар Маҳкамаси қошидаги бosh архив бошқармаси тасдиқлаган вазирликлар ва корхоналар фаолиятида ташкил бўладиган намунавий ҳужжатлар рўйхати билан аниқланади.

Архивга топшириладиган ҳужжатлар аввал экспертиза қилинади ва маълум тартибга келтирилади. Касса ордерлари, бўнак ҳисоботлари, банк қўчирмалари ва уларга тегишли ҳужжатлар ҳамда сакланиш муддати ўн йилдан кўп бўлган ҳужжатлар архивга муқоваланган ҳолда топширилади. Сакланиш муддати ўн йилдан кам бўлган ҳужжатларни скоросшивателда вараклари рақамлаштирилмаган ва ҳужжатлар рўйхати тузилмаган ҳолда архивга топшириш мумкин. Бухгалтерияда ҳужжатларнинг бутлигига корхонанинг бош бухгалтери жавобгар бўлади. Шунинг учун ҳам бошланғич ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни корхонанинг бош бухгалтери ҳал қиласи.

Машина ўқий оладиган ҳужжатларни архивда саклаш учун саралаб олиш уларнинг кераклигини экспертиза қилиш натижасида амалга оширилади. Давлат архивига саклашга бериладиган машина

ўқий оладиган ҳужжатлар корхонада беш йилдан кўп сақланмайди ва уларнинг техник ҳолати мунтазам равишда текшириб турилади. Керак бўлиб қолса улар янги физик ахборот ташувчига қайта ёзилади. Машина ўқий оладиган ҳужжатлар давлат архивига, одатда, янги магнит лентага қайта ёзиб икки нусха қилиб топширилади.

Корхоналарнинг йиллик ҳисоботи, йиғма ҳисобот, уларга берилган тушунтириш хатлари, йиллик бухгалтерия ҳисоботини ишлаб чиқиш ва унинг таҳлили бўйича таҳлилий жадваллар, йиллик бухгалтерия ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича материаллар (буйруқ, протокол ва бошқалар) доим сақланади. Ишчи ва хизматчиларнинг шахсий счёtlари 75 йил сақланади.

Иморат ва иншоотлар ҳисоби бўйича дафтар ва картотекалар ҳамда уларни йўклама қилиш материаллари ўн йил сақланади.

Бош дафтар ва журналлар, корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини ҳужжатли тафтиш далолатномалари ва уларга тегишли материаллар *беш* йил сақланади.

Касса дафтари, айланма ва йиғма ведомостлар, бошлангич ҳужжатлар, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш ведомостлари, агар тафтиш қилинган бўлса, уч йил сақланади. Дебитор ва кредитор қарзлар, жанжалли ва ишончсиз қарзлар, иш ҳакига доир қарзлар, кредитга олинган моллар учун ишчи ва хизматчилар билан ҳисобкитоблар, бўнак ҳисботлари, кассани текшириш далолатномалари ва бошқалар билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ҳам уч йил сақланади. Шу муддатлар тугагандан сўнг маҳсус аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар ажратиб олиниб, давлат архивига топширилади. Ҳужжатларнинг қолган қисми эса корхона архивидан олиниб, далолатнома асосида йўқотиб юборилади.

Бошлангич ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, бухгалтерия ҳисботлари ва балансларнинг бутлигини, уларнинг архивга берилишини расмийлаштириш ва архивга топширишни корхонанинг бош бухгалтери таъминлайди. Улар бухгалтерия ва корхона архивидан корхонанинг бошқа бўлинмалари хизматчиларига берилмайди. Айрим ҳоллардагина факат бош бухгалтернинг руҳсати билан корхонанинг бошқа бўлинмалари ходимларига берилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ҳар хил хусусиятларига қараб туркумларга ажратилади. Ҳамма ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобида бажарадиган вазифаларига, тузилиш жойига, хўжалик операцияларини акс эттириш миқдорларига қараб бир нечта

туркумларга бўлинади.

Хужжатлар бухгалтерия ҳисобида бажарадиган вазифаларига кўра бешта гурухга бўлинади:

1. Фармойиш ҳужжатлари.
2. Тасдиқловчи ҳужжатлар.
3. Қомбинациялаштирилган ҳужжатлар.
4. Бухгалтерия расмийлаштириш ҳужжатлари.
5. Ахборот ҳужжатлари.

*Фармойиши ҳужжатлари хўжалик раҳбарларининг бирон ҳўжалик операциясини амалга ошириши учун хизмат қиладиган фармон берииши учун мўлжаллангандир.* Фармойиш ҳужжатларига кассага накд пул олишга ёзилган чеклар, ваколатномалар, қарорлар, у ёки бу хўжалик операциясини бажариш учун корхона ишчиснга раҳбар томонидан берилган буйруқлар, нарядлар ва бошқа ҳужжатлар киради. Фармойиш ҳужжатларида берилаётган топшириқнинг мазмуни, бажарилиш муддати ва тартиби, шунингдек бажарувчи шахс кўрсатилган бўлиб, бундай ҳужжатлар асосида бухгалтерия счётларида ёзув қилинмасдан, балки хўжалик раҳбарининг корхона ходимларининг фаолияти юзасидан назорат ўрнатиши таъминланади.

*Тасдиқловчи ҳужжатлар корхоналарда маълум бир ҳўжалик, операциясининг амалга оширилганлигини исботлайди.* Шунинг учун ҳам бундай ҳужжатлар тасдиқловчи ҳужжатлар дейиладики, у маълум бир ҳўжалик операциясини бажарган ходимга ҳақиқатда шу масала топширикқа асосан бажарилганини исботловчи ёзма ҳуқук беради. Тасдиқловчи ҳужжатларга далолатномалар, қабул қилинш квитанциялари, асосий воситаларни қабул қилиш далолатномалари, омбор мудирининг ҳисботлари, счёт-фактуралар, тўлов ведомостлари ва бошқа ҳужжатлар кириши мумкин.

Омбор мудирининг ҳисботи ҳисботи ойи даврида омборга кирим ва чиқим қилинган хўжалик операциялари кўриниб турганлиги сабабли тасдиқловчи ҳужжатга киради. Шунинг билан бирга уларнинг қаердан келгани ва қаерга берилгани тўғрисидаги маълумотлар ва бу маълумотларни исботловчи имзо бўлади.

*Комбинациялаштирилган ҳужжатлар деб фармойиши ва тасдиқловчи ҳужжатларнинг хусусиятларини ўзида ифодалайдиган ҳужжатларга айтилади.* Бундай ҳужжатлар айрим ҳолларда фармойиши-тасдиқловчи ҳужжатлар деб ҳам аталади, чунки улар бир вақтда ҳам фармойиш, ҳам тасдиқловчи ҳужжатларнинг вазифаларини ўтай олади.

Комбинациялаштирилган ҳужжатларда хўжалик операциясини амалга ошириш учун берилган фармон ва шу операция бажарилганлигини акс эттирувчи ҳисботнинг бўлиши жуда қулайдир. Бундай қулайлик корхона ҳўжалик фаолиятини назорат қилишни ва ҳужжатларнинг маълумотларини текширишни осонлаштиради. Бундай ҳужжатларга мисол тариқасида

касса чиқим ордерини келтириш мумкин. Бу ҳужжатда пулнинг кассир томонидан берилганлигини исботловчи маълумот билан бирга пулнинг тўланиши зарур эканлигини кўрсатувчи фармойиш ҳам мавжуддир.

*Бухгалтерия расмийлаштириш ҳужжатлари деб корхоналарда содир бўлаётган ҳўжалик операциясини амалга оширишига асос бўла олмайдиган, лекин бухгалтерия ходимлари томонидан бухгалтерия ҳисоби регистряларига ёзии учун тузилган айрим ҳисоб-китоб ва маълумотномаларга айтилади. Бундай ҳужжатларга бухгалтерия маълумотномалари, асосий воситаларга амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ведомостлари, маҳсус фондга ажратмалар ва фойдани тақсимлаш бўйича ҳисоб-китоблар, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ведомостлари ва бошқа бухгалтерия ходимлари томонидан тузиладиган расмийлаштириш ҳужжатлари киради.*

*Корхоналарда ахборот хизматини ўтайдиган айрим ҳужжатлар борки, улар ҳўжалик раҳбарларига ва таалкуқли давлат ва назорат идораларига зарур ахборот маълумотларини беради. Бундай ҳужжатларга моддий қийматликлар сотиб олиш учун мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар, номенклатура-баҳо, моддий қийматликларнинг меъёрлари ва бошқа шуларга ўхшаш ҳужжатлар киради. Бухгалтерия ҳисбининг ҳужжатлари тузилиш тартибига мувофиқ дастлабки ва йиғма ҳужжатларга бўлинади. Дастлабки ҳужжатлар деб ҳўжалик операцияси содир бўл•ган вақтда тузилган ҳужжатга айтилади. Чунки ҳар бир ҳўжалик операцияси амалга оширилганда ҳужжатлаштирилади. Бундай ҳужжатларга кассанинг кирим ва чиқим ордерлари, талабнома-накладной, нарядлар, йўналиш варақалари, ҳар хил далолатномалар ва бошқа ҳужжатлар киради.*

*Йиғма ҳужжатлар деб бир нечта дастлабки ҳужжатлар маълумоти асосида йиғилиб тузилган ҳужжатларга айтилади. Бундай ҳужжатларга кассирнинг кунлик ҳисботини, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисботларини, ҳисобдор шахсларнинг бўнак ҳисботларини ва бошқаларни киритиш мумкин. Бинобарин, кассир бир кундаги кирим ва чиқим ордерлари: ва бошқа ҳўжалик операциялари*

маълумотларига асосланиб, иш куни охирида ҳисобот тузади ва бухгалтерияга топширади. Бу йиғма хужжатга яққол мисолдир. Бухгалтерия хужжатлари бир ёки бир неча хўжалик операцияларини ўзида акс эттиришига қараб бир марталик ва жамлама хужжатларга бўлинади. *Бир марталик ҳужжатларда* маълум бир вақтда амалга оширилган операциялар акс эттирилади. Бундай хужжатларга касса кирим ордери, касса чиқим ордери, материалларни ка'бул қилиш ордери, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси ва бошқа шунга ўхшаш хужжатлар киради.

*Жамлама ҳужжатларда* ҳар хил вактларда амалга оширилган бир хил хўжалик операциялари акс эттирилади. Жамлама хужжатларни қўллаш корхонада тузиладиган хужжатлар миқдорини камайтиришга олиб келади. Жамлама хужжатга мисол тариқасида лимит-зabor картасини олиш мумкин. Лимит-зabor картада омбордан муайян ишлаб чиқаришга бир ой давомида чиқарилган бир неча материалларнинг миқдори кўрсатилади ва у ой давомида амалга оширилган хўжалик операцияларини исботлаш ҳужжати бўлиб хизмат қиласди.

Бухгалтерия хужжатлари қаерда тузилишига қараб корхонанинг ўзида тузилган ва бошқа корхоналарда тузилган хужжатларга бўлинади. Корхонанинг ўзида тузилган ҳужжатлар унда амалга оширилган хўжалик операцияларини акс эттиради. Бундай хужжатларга касса кирим ордери, бўнак ҳисоботлари ва бошкалар мисол бўла олади. Шунинг билан бирга корхонага мол етказиб берувчиларнинг юборган счёт-тўлов талабномалари, спецификациялари, квитанциялари ва бошқа хужжатлари ҳам келиб тушади. Бу хужжатлар *бошқа корхоналарда тузилган ҳужжатлар* бўлиб, муайян корхонанинг бухгалтерия счётларидағи ёзувларн учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Корхона ва унинг айrim қисмлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг энг муҳим ташувчиси дастлабки хужжатлар бўлиб ҳисобланади. Дастлабки хужжатларнинг ҳажми ва уларнинг кўп турли бўлиши ишлаб чиқариш жараёнининг технологияси ва характеристи, корхонанинг тузилмаси ва бошқа бир қанча омилларга боғлиқдир. Баъзи бир корхоналарда хўжалик операцияларини акс эттирувчи дастлабки хужжатларнинг миқдори миллионлаб ҳисобланади. Бу хужжатларда айrim реквизитларнинг миқдори миллиардлар билан саналади. Шу қадар кўп сонли дастлабки хужжатларни тузиш ва расмийлаштириш учун жуда катта меҳнат талаб қилинади. Шунинг учун ҳам дастлабки хужжатларнинг қўл билан тўлдириладиган реквизитларини ва хужжатлардаги

маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлов-чи имзоларнинг сонини камайтариш катта аҳамиятга эгадир.

Бунинг учун ҳужжатларни унификациялаштириш ва стандартлаштириш, ҳужжатлардаги қайта-қайта акс эттириладиган кўрсаткичларни йўқотиш ва дастлабки ҳисобни механизациялаш ишларини кенг олиб бориши зарур. Ҳужжатлар реквизитларининг жойланиши ҳисоблаш марказларида бухгалтерия ҳужжатларини ишлашга қулайлик туғдирадиган бўлиши керак. Корхоналарда қўлланилаётган ҳужжатларнинг шакллари ва улардаги реквизитлар жойланишининг бир хиллигини таъминлаш дастлабки ҳисобни механизациялаштиришнинг шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳўжалик операцияларини ҳужжатлаштиришнинг яхшиланиши учун ҳужжатларни унификациялаштиришдан бошламоқ мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳужжатларни унификациялаштириш йўли билан ҳар хил корхоналарда ҳужжатлар иш қоғоз (бланк)ларининг бир хиллиги таъминланади. Ҳужжатларни унификациялаштириш натижасида корхоналар учун умумий бўлган ҳужжатларнинг намунали шакллари ишлаб чиқилади. Бинобарин, ҳужжатларни унификациялаштириш деб ҳалқ ҳўжалигининг тсрмоқларида бир хил ҳўжалик операцияларини расмийлаштириш учун ҳужжатларнинг иш қоғоз (бланк)ларини мослаштиришга айтилади.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳамма бўлимлари бўйича намунали ҳужжатлар иш қоғози (бланки) ишлаб чиқилади ва қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида тасдиқланади.

Дастлабки ҳужжатларни расмийлаштиришни яхшилаш ҳужжатларни стандартлаштириш йўли билан ҳам амалга оширилади. Ҳужжатларни стандартлаштириш деб бир турдаги ҳужжатлар учун бир хил ўлчовлар ўрнатишга айтилади.

Ҳўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш ва дастлабки ҳужжат маълумотларини ҳисоблаш машиналарига киритишнинг яхшиланишини ҳар хил замонавий маълумот ташувчи воситалардан фойдаланиш йўли билан амалга ошириш истиқболли йўллардан бири ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, бухгалтерия ҳисобининг хусусиятларидан бири ҳўжалик муомалаларини ёппасига ва узлуксиз акс эттирилиши ҳисобланади. Бу дастлабки ҳисоб ахборотининг манбаи ҳисобланган ҳужжатлаштириш ёрдамида амалга оширилади. Барча ҳўжалик муомалаларига тузиладиган ҳужжатлар мажмуаси ҳужжат-лаштириш деб аталади. Улардаги маълумотлар кейинчалик

жорий бухгалтерия ҳисобида хужалик муомалаларини акс эттириш учун ягона асос бўлиб хизмат қиласди.

Хўжалик муомалалари устидан кузатишни амалга оширишни таъминлаб ва уларни, албатта, счёtlарда акс эттирилишининг шарти бўлиб ҳисобланган ҳужжатлаштириш, бухгалтерия ҳисоби усулининг таркибий унсури бўлиб ҳисобланади.

Бирор бир хўжалик муомаласига тегишли тартибда тузилган ва расмийлаштирилган ҳужжат бўлмаса, ҳисобга олиниши мумкин эмас. Шунинг учун ҳар бир ҳужжат маълум талабларни ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиши ва ундаги муомалаларнинг содир бўлиши ёки расмийлаштирилишида қатнашган ҳамда шу билан тегишли жараёнлар ҳақиқатда корхонада содир бўлганлигини тасдиқловчи шахсларни имзолари билан тасдиқланган бўлиши керак.

Бухгалтерия ёзувларига асос бўлиб ҳисобланган ҳужжатларда содир бўлган хўжалик жараёнлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади. Улардан кўпчилиги тегишли ходимларга у ёки бу муомалаларни бажаришга рухсат этади. Демак, бухгалтерия ҳужжати муомаласининг ҳақиқатда содир бўлганлиги ҳақида ҳамда уни амалга оширишга бўлган ҳуқуқнинг ёзма гувоҳномасидир.

Ҳужжатлаштириш ҳужжатлар исботнома, гувоҳнома, мажмуасини англатади, ҳужжатлаш деганда эса хўжалик муомалаларини ҳужжатларнинг тегишли босма иш қофозлари (бланк)да расмийлаштириш тушунилади.

Ҳужжатлаштиришнинг корхона ичидаи аҳамияти ҳисоб ёзувларини асословчи восита сифатида хизмат қилиш билан чекланмайди. Бундан ташқари, у катта тахлилий аҳамиятга эгадир. Бухгалтерия ҳужжатлари асосидаги буйруқларни буйруқ берувчилардан уни бажарувчиларга топшириш учун фойдаланилади, яъни хўжалик фаолияти устидан бошқариш учун қўлланилади.

Ҳужжатлаштириш воситасида амалга оширилган муомалаларнинг тўғрилиги назорат қилинади, бажараётган ишларнинг жорий тахлили олиб борилади ёки у орқали баъзи хўжалик юритиш қоидаларининг бузилишини аниқлайди. Демак, ҳужжатлаштириш назорат - тахлилий функцияларни бажаради.

Мулкни сақлаш борасида ҳужжатлаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳужжатлар ёрдамида моддий - жавобгар шахслар ҳаракатининг тўғрилиги кузатилади (улар томонидан бойликларни олиш ва бериш, хўжалик муомалаларини амалга ошириш қонунига риоя қилиниши текширилади). Ҳужжатлаштириш ўғирлик қилиш ҳодиса-

лари, турли сустеъмол қилишларни очиб беради, айрим ҳолларда эса уларнинг олдини олиш имконини ҳам беради.

Хужжатлаштиришнинг ҳуқуқий (юридик) аҳамияти жуда каттадир. Ҳисоблаб қайд этаётган ҳодисаларнинг тўғрилигини тасдиқлаш билан бир вақтда, хужжатлар ушбу корхона билан бошқа ташкилотлар ва шахслар ўртасида юзага келган келишмовчиликларда инкор қилиб бўлмайдиган далолатнома бўлиб ҳисобланади. Улардан суд ва прокуратура органлари ҳар хил даъволар тўғрисидаги жанжалли масалаларни ҳал қилишда, шартномалар ва бошқа мажбуриятларни бажаришдаги тўла-тўқисликни текширишда фойдаланишади. Лекин хужжатлар факат уларга қўйилган барча талабларга риоя қилган ҳолда тузилган ва расмийлаштирилган бўлсагина ҳуқуқий кучга эга бўладилар.

Бошқарув ҳисоби тизимида ишлаб чиқаришнинг нормал ҳолатида материаллар, меҳнат ва ҳоказоларни ишлаб чиқаришга сарфлашнинг белгиланган меъёрларидан (стандартлардан) четга оғишишларни расмийлаштириш учун мўлжалланган хабар бериш (сигнал) хужжатлари алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳисоб ахборотининг моддий ташувчилари қаторига босма иш қофозлар (бланкалар), винчестр, файллар, дискетлар, перфокарталар, перфоленталар, магнитленталар ва шу кабиларни киритиш мумкин. Улардан корхоналардаги хўжалик муомалаларини олиш ва иша什 учун қулланилаётган техника воситаларига қараб фойдаланилади. Улардан баъзилари муомалаларни бевосита содир бўлаётган дақиқада ўз ичига олади, бошқалари ахборотни дастлабки ташувчиларнинг маълумотлари асосида автоматик тарзда Персонал Электрон Ҳисоблаш Машинаси (ПЭХМ)га киритиш имконини бериб, уларни қулайроқ йўл билан ишлаш учун хизмат қиласи.

Ҳозирги вақтда, кўпчилик ҳолларда энг кенг тарқалган моддий ташувчилар ҳисоб босма иш қофозлари (бланкалари) ҳисобланади. Ҳисоб босма иш қофозларида акс эттириладиган муомалалар мазмунининг ҳажмига қараб ҳар хил бўлади.

Ҳисоб босма иш қофозлари қўл билан ёки механизациялаштирилган йўл билан (ПЭХМ ёрдамида) тўлдирилади. Босма иш қофозида хужжатлар керакли миқдордаги кўчирмаларни олиш мақсадида одатда бир нечта нусхада тузилади. Шу давргача корхоналарнинг кўпчилигига муомалаларни бевосита акс эттириш ҳисоб босма иш қофозларини тўлдириш ёрдамида амалга оширилар эди. Лекин шуни назарда *тутии* лозимки, ҳисоб босма иш қофози

ҳисоб техникасининг ривожланишининг маълум бир босқичида ҳисоб ахборотини бошқа моддий ташувчилари билан алмаштирилади. Уни четлаштириш жараёни ҳисоб ишларининг баъзи жойларида бошланган ва ривожланиб бормоқда.

Ҳисобга махсус ҳисоб ускуналари ва электрон ҳисоблаш машиналарини жорий этиш муомалаларини автоматик тарзда қайд этиш ва уларнинг мазмунини машинанинг доимий ёки вақтинчалик зслаб қоладиган тизимида акс эттириш имконини беради. Мазкур тизим маълумотларни кейинчалик ҳисобда ва тезкор ишда фойдаланиш учун топширади.

Корхоналарда содир бўладиган муомалалар ўзларининг мазмунларига кўра ҳар хил бўлади. Ҳужжатлар ўртасидага фарқлар, шунингдек, улардан ҳисоб ишларида фойдаланишнинг хусусиятлари билан ҳам шартланади. Шу муносабат билан ҳужжатларни бухгалтерия ҳисобида тўғри қўллаш учун уларнинг барча турларини яхши билиб олиш керак бўлади. Бунинг учун ҳужжатларни маълум бир хусусиятига қараб таснифлаш зарур.

Бухгалтерия ҳужжатлари қўйидаги белгиларга қараб туркумланади:

- қандай мақсадларга тайинланганлигига;
- тузиш тартиби ва муомалаларни қамраб олишлигига.

Ҳужжатлар қандай мақсадга тайинланганлигига қараб фармойиш исботловчи (тасдиқловчи) бухгалтерия расмийлаштирувчи ва аралаш (комбинациялаштирилган) турларга бўлинади.

Фармойиш деб, у ёки бу хўжалик муомалаларини бажариш тўғрисидаги буйруқ (фармойиш)га эга бўлган ҳужжатларга айтилади. Уларга буйруқлар, чеклар, ишончномалар ва бошқалар киради. Уларнинг асосий вазифаси раҳбар ходимларнинг топширифи бевосита бажарувчиларга топширишдан иборат. Кўпчилик муомалалар фақат фармойиш ҳужжатлари мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Масалан, навбатдаги таътил учун иш ҳақи фақат мазкур ходимни таътилга чиқариш ҳақида буйруқ бўлсагина тўланади.

Фармойиш ҳужжатлари хўжалик муомалалари содир бўлганлигини тасдиқловчи факторларга эга эмас, шунинг учун улар ўзлари-ча муомалаларни ҳисобда акс эттириш учун асос бўла олмайди. Шуни таъкидлаш лозимки, фақатгина муомалаларни бажариш тўғрисидаги фармойишлар унсурига эга бўлган ҳужжатлар унча кўп эмас. Кўпинча фармойиш маълум ҳужжатда берилиб, шу ҳужжатнинг ўзида кейинчалик ушбу муомала расмийлаштирилади. Бир нечта функция-

нинг битта ҳужжатда бундай бирлаштириш аралаш (комбинациялаш-трилган) ҳужжатларни вужудга келтиради.

Исботловчи (ёки бажарувчи) ҳужжатлар деб амалга оширилган муомалаларни расмийлаштирувчи ҳужжатларга айтилади. Улар муомалалар содир бўлиш дақиқасида тузилади ва ушбу муомалаларни ҳисобда қайд қилишнинг биринчи босқичини англатади.

Исботловчи ҳужжатларга мисол бўлиб кирим ордерлари ҳисобланади.

Кирим ордерлари корхона омборига келиб тушаётган моддий бойликларни расмийлаштириш учун ишлатилади. Унинг шакли келиб тушган бойликлар тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерияда кейинчалик қандай ишлиши (қўл биланми ёки ҳисоблаш машиналаридами)га боғлиқ.

Исботловчи ҳужжатларнинг турлари жуда кўп. Уларга, шунингдек, мулкларни қабул қилиш - топшириш далолатномалари, уларнинг ҳаракатини расмийлаштириладиган, тақсимланадиган харажатлар суммасининг қисмлари, харажат моддалари ва бошқалар) ҳам мавжуддир.

Демак, йиғма ҳужжатлар, биринчидан, дастлабки ҳужжатларнинг маълумотларини умумлаштириш ва йиғма кўрсаткичларни олиш учун, иккинчидан, ҳисобга олинаётган муомалалар тўғрисида қўпинча маълумотлар олиш мақсадида ахборотларни умумлаштириш ва бу муомалаларни янги бўлимларга ажратилган ҳолда акс эттириш учун хизмат қиласи.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, йиғма ҳужжатлардан муомалалар ҳақидаги дастлабки маълумотларни ишлаш воситаси сифатида фойдаланилади, десак бўлади.

Муомалаларни қамраб олиш усулига қараб, ҳужжатлар биргалик ва жамғарувчиларга бўлинади.

Биргалик ҳужжатлар битта ёки бир вақтнинг ўзида бир нечта муомалаларни акс этгиради. Бу, тузилиб бўлгандан кейинроқ бухгалтерия топпширилиши ва бухгалтерия ёзувлари учун ишлатилиши мумкин.

Биргалик ҳужжатларига кирим ордерлари, қабул қилиш - топшириш далолатномалари, тўлов талабномалари, касса ордерлари ва ҳоказолар киритилиши мумкин.

Жамғарувчи ҳужжатлар корхонада ҳар хил вақтларда (бир хафта, десакда, ярим ойда) амалга оширилаётган бир турдаги

муомалаларни расмийлаштириш учун хизмат қилади. Улар корхонада қисқа вақт ичида кўплаб содир бўладиган муомалалар бўйича ёзиб бориладиган хужжатлар сонини қисқартириш мақсадида тузилади.

Юқорида кўриб чиқилган ҳужжатлардан бўнак ҳисоботи жамғарувчи ҳисботодир.

Унда ҳисобдор шахс томонидан бўнак олинган дақиқадан бошлаб ўтган давр ичида қилинган харажатлар акс эттирилади.

Бошқа жамғарувчи ҳужжатлар ҳам учраб туради. Улар, масалан, лимит -зabor картаси, иш вақтини ҳисобга оладиган табел, бажарилган ишлар ведомости ва ҳоказодан иборат.

Жамғарувчи ҳужжатлардан фойдаланиш синтетик счёtlар бўйича ёзувлар бир ойда бир марта, барча бир турдаги ҳужжатларни умумий якуни билан акс эттириладиган ҳолларда кенг тарқалиб боради.

Баъзи муаллифлар ҳужжатларни, шунингдек, бошқа белгилари, масалан, бошқарув функциялари, қаторлар сони, тузиладиган жойи ва шу кабилар бўйича ҳам гурухлайдилар.

Аралаш ҳужжатларга мисол сифатида бўнак (аванс) ҳисботини келтириш мумкин. У ҳисобдор шахс томонидан олинган бўнакдан қилинган харажатларни кўрсатиш учун тузилади. Бу харажатларнинг рўйхати уларни тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда ҳисобдор шахс томонидан бўнак ҳисботининг орқа томонида келтирилади. Ҳисботнинг юз томонида ҳар хил маълумотлар - ҳисобдор шахснинг исми, шарифи, унга берилган сумма ва ҳоказо келтирилади. Зарур бўлган ҳолларда шу бетнинг ўзида бухгалтерия ходими томонидан алоҳида ажратилган жойда харажатлар қандай счёtlарда акс эттирилиши кераклиги ҳам кўрсатилади.

Бўнак ҳисботида муомаланинг мазмuni ва бухгалтерия ёзуви ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлиги уни аралаш ҳужжат сифатида тафсиялади. Чунки унда исботловчи ҳужжат ва бухгалтерия расмийлаштирув ҳужжатларининг белгилари бирлаштирилгандир.

Аралаш ҳужжатлар таркибига, шунингдек, материалларни четга ёки қайта ишловга бериб юбориш ҳақидаги накладнойлар, материалларни омбордан бериш учун талабномалар, касса кирим ва чиқим ордерлари каби ҳужжатлар ҳам киритилади.

Бир ҳужжат бир нечта ҳужжатлар турининг белгиларини бирга олиб бориши катта аҳамиятга эгадир. У ҳисобдаги ҳужжатлаштиришини яққоллаштиради, ишлашда улардан фойдаланишни

соддалаштиради ва енгиллаштиради ҳамда пировардида ҳисоб босма иш қоғозла-рига сарфларни қисқартиради. Замонавий бухгалтерия амалиётида аралаш ҳужжатлардан фойдаланиш айниқса, кенг тарқалган.

Тузилиш навбатига қараб ҳужжатлар дастлабки (бирламчи) ва йиғма ҳужжатларга бўлинади.

Дастлабки ҳужжат деб содир бўлиб ўтган муомалаларни дастлаб акс эттирадиган ҳужжатларга айтилади. Улар мазкур муомалалар ҳақиқатда бажарилганлигининг исботи бўлиб ҳисобланади.

Дастлабки ҳужжатга мисол сифатида материаллар учун талабномаларни келтириш мумкин. Улар материалларни омбордан беришда тузилади ва омборчи томонидан унга материалларни бериш тўғрисидаги фармойишнинг бажарилганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Дастлабки ҳужжатлар таркибига, шунингдек қабул қилиш - топшириш далолатномалари, накладнойлар, тилхат, квитанциялар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Йиғма ҳужжат деб дастлабки ҳужжатлар асосида тузиладиган ҳужжатларга айтилади. Уларда тегишли дасглабки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган муомалалар акс эттирилади. Йиғма ҳужжат-ларга юқорида кўриб чиқилган бўнак ҳисботи, умумишилаб чиқариш харажатларини тақсимлаш ведомостлари, калькуляциялар ва бошқа-лар киради.

Бу ҳужжатларнинг барчасида, дастлабки ҳужжатлардан олингандаридан ташқари янги маълумотлар (ҳиссадор шахс томонидан амалга оширилган барча харажатларнинг умумий суммаси, тақсимлаш объектларига олиб боради.

Агар йиғма ҳужжат машина ёрдамида тузилса, унда бу ҳужжатда унинг мазмунини тавсифловчи сарлавҳа, ундаги маълумотларнинг исботловчи ҳужжатларга мувофиқлигини тасдиқловчи шахсларнинг имзолари келтирилади. Исботловчи ҳужжатларнинг вазифаси ахборотни машинали ташувчи бажарганда, у қўл билан тайёрланганга ўхшаш исботловчи ҳужжатнинг барча реквизитларига эга бўлиши керак. Ҳисоб ахборотини у ёки бу машинали ташувчисида автоматик тарзда қайд этилган муомалалар мажмуаси тўғрисидаги якуний маълумотлар кейинчалик барча мажбурий реквизитларга эга бўлган тегишли ҳужжатни тузиш билан тасдиқланиши керак.

Ҳужжатларни сиёҳ, кимёвий қалам билан, ёзув машиналари ёки бошқа механизмлар ёрдамида ёзишга рухсат этилади. Айниқса, пул

хужжатлари кирим ва чиқим касса ордерлари, чеклари, тўлов топшириқлари ва бошқа банк хужжатларини расмийлаштиришда қатъий тартиб ўрнатилган. Уларни ёзиб бериш банк томонидан ўрнатилган қоидаларга биноан амалга оширилади. Масалан, пулларни қабул қилиш ва бериш хужжатларида сумма фақат рақамларда эмас, ундан ташқари, ёзув билан ҳам кўрсатилади. Бундай тартиб қатор моддий бойликларни сарфлашга доир хужжатларга ҳам тегишилидир.

Хужжатларнинг тартибли тузилиши, матн ва рақамларнинг аник ва равshan ёзилиши, унда расмийлаштирилган муомаланинг мазмуни ва ҳажмини осонлик билан тушуниб олишни таъминлайди. Хужжатдаги имзолар аник ва равshan бўлиши керак. Хужжатдаги матнда ҳам, рақамли маълумотларда ҳам ҳеч қандай тозалашлар, доғ ва изохланмаган тўғрилашларга рухсат этилмайди. Кирим ва чиқим касса ордерларида умуман ҳеч қандай тўғрилашларга йўл қўйишмайди. Хужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилиги ва уларнинг юқори сифатли тузилганлиги учун уларга имзо чеккан ходимлар (цех бошлиқлари, омборчилар, кассирлар ва бошқалар) жавоб беради.

Хужжатлардан икки марта (қайта) фойдаланишга йўл қўймаслик мақсадида улардан баъзилари ўчирилади. Бу кирим ва чиқим ордерларга бириктириладиган барча хужжатлар (аргоалар, ишончномалар ва шу кабилар)га тегишилидир. Ўчириш маҳсус тўртбурчак муҳр (штамп) билан ёки «Олдинда» ёки «Тўланади» деган имзо билан, санаси кўрсатилган ҳолда амалга оширилади. «Тўланади» деган муҳр билан барча банк хужжатлари ҳамда иш ҳақини ҳисоблаш ёки бошқа тўловлар қилишга асос бўлган хужжатларнинг амал қилиниши тухтатилади.

Ҳар бир хужжат шундай расмийлаштирилган бўлши керакки, унда амалга оширилган муомалалар ҳақида тўла - тўқис фикрга эга бўлиш ва унинг исботловчи қучини таъминлаш учун зарур бўлган барча маълумотлар мавжуд бўлсин. Хужжатларнинг таркибий унсурлари ҳисобланган бу маълумотлар унинг реквизитлари деб номланади. Реквизит бу керакли, талаб қилинадиган деган маънони англатади.

Ўз хусусиятига кўра, реквизитлар ҳар хил бўлади. Улар ўзларида акс эттирилган хужжатларнинг вазифалари ва муомалаларнинг мазмунига боғлиқ. Мутлақо аниқки, масалан, ишчига иш ҳақи ҳисоблашни расмийлаштирадиган хужжат (ишбай ишга наряд)нинг реквизитлари, тўлов талабномаси (товарларнинг сотилиши қайд этилган хужжат)нинг реквизитларидан албатта

фарқланади.

Лекин ҳар хил ҳужжатларнинг мазмунидаги катта фарқларга қарамасдан, ҳар қандай муомалани бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун зарур бўлган реквизитлар мавжуд бўлиши керак.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига биноан дастлабки ҳужжатларни зарурий реквизитлари бўлиб қўйида-гилар ҳисобланади:

- корхонанинг номи;
- ҳужжатнинг номи ва рақами, унинг тузишпп санаси ва жойи;
- хўжалик муомалаларининг номи, мазмuni ва миқдорий ўлчови (натура ва пул кўригошда);
- масъулиятли шахсларнинг шахсий имзолари.

Ушбу қонунда шу нарса алоҳида таъкидланадики, дастлабки ҳисоб ҳужжатларини тузган ва имзолаган шахс уларни ўз вақтида тузилганлиги, тўғрилиги, ишончлилиги, шунингдек, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун белгиланган муддатларда топшириш бўйича жавобгардир.

Бухгалтерия ҳужжатларини тузишга ҳам маълум талаблар қўйилади. Барча ҳужжатлар ўз вақтида, қоидага кўра, муомала содир бўлаётган дақиқада, сифатли тузилиши, уларда ишончли маълумотлар бўлиши ҳамда барча мажбурий реквизитларга эга бўлиши керак.

Хозирги пайтда бухгалтерия ҳисобида автоматлаштириш воситалари борган сари кўпроқ қўлланилаётганлиги туфайли, ҳужжатлар, шунингдек, ҳужжатлаштириш талабларига жавоб берадиган тартибда жойлаштирилган (жойланишига кетма - кетлиги, зарурий маълумотларнинг махсус ажратиб кўрсатилганлиги ва ҳоказо) реквизитларга эга бўлиш керак. Айрим реквизитларнинг шифрлари (рақамли белгилари) ҳужжатда тегишли матн мазмuni билан кўрсатилиши керак.

Ҳужжатлар ёзиб берилиш дақиқасидан тортиб то архивга тоширилгунга қадар анча узун бўлган йўлдан ўтиб борадилар. Улар муомалалар амалга оширилаётган пайтда тезкор ходимлар томонидан тузилиб, моддий жавобгар шахсларнинг хатти - ҳаракатларини оқловчиси сифатида хизмат қиласидар ва шу жараёнларнинг тўғри эканлигини тасдиқлайдилар. Дастлабки ва айниқса, йиғма ҳужжатлар турли - туман ҳисботлар асосида муомалаларни бажарувчилар иши ҳамда ишлаб чиқариш топпширикларининг бажаришини бошқариш устидан назорат олиб борилади. Ҳужжатлар амалга оширилаётган

муомаларнинг мақсадга мувофиқлиги устидан дастлабки ва навбатдаги назоратни амалга опшиш имконини беради. Кўпинча тезкор ходимларнинг амалий ишлари фақат муомаларнинг бажарилиши тугагандан кейингина ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини текшириш (навбатдаги, кейинги назорат) йўли билан эмас, балки бажаршишига қадар жараёнларни бажариш учун олдиндан тайёрлаб қўйилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва текшириб белгилаш (дастлабки назорат) усули билан ҳам назорат қилинади.

Тезкор бошқарувдан фойдаланиб бўлгандан кейин ҳужжатлар билан расмийлаштирилган муомаларни молиявий ва бошқарув ҳисоби тизимида йиғма маълумотларни олиш мақсадида акс эттириш учун бухгалтерияга топширилади. Бу ерда бухгалтерия ходимлари уларга қараб амалга оширилган муомаларни мақсадга мувофиқлиги ва қонунийлигини текшираётган пайтда, улардан назорат мақсадла-рида ҳам фойдаланилади. Ҳужжатлар ишланиб бўлганидан кейин архивга сақлаш учун топширилади. Ҳужжатлар босиб ўтган йўл ҳуж-жатлар айланиши деб номланади. Шундай қилиб, ҳужжатлар айла-ниши деганда, уларнинг тузилган дақиқасидан бошлаб то архивга сақлаш учун топширишгача қилинган ҳаракати тушунилади.

Энди бухгалтерия аппаратидаги ҳужжатлар айланишининг мазмунини чуқурроқ ўрганиб чиқамиз.

Бухгалтерия ходимларига келиб тушган ҳужжатлар биринчи навбатда муомаларнинг қонунийлиги, уларнинг расмийлаштиришга доир талабларнинг бажарилиши, арифметик амаллар ва ҳисобларнинг тўғрилиги нуқтаи назаридан текширилади.

Ҳужжатлар билан расмийлаштирилган муомаларнинг қону-нийлигини текшириш (ҳужжатларни моҳиятига қараб деб номланган текшириш) хўжалик муомаларини бажаришнинг амалдаги қоидала-рига риоя қилинишини аниқлаш, меъёrlар ёки сметаларга тўғри ке-лиши нуқтаи назаридан, текширишдан иборат.

Ҳужжатларни шаклига қараб текшириш (расмий деб номланган текшириш) ҳужжатлар реквизитларини тўлдирилганлиги тўла эканлигини аниқлаш, уларда тегишли имзоларни мавжудлиги ва шу кабиларни аниқлашдан иборат.

Бу хўжалик муомаларини ҳужжатлаштириш икки босқичдан, яни акс эттириладиган жараёнлар тўғрисидаги маълумотларни идрок этиш (ҳисоблаб чиқиш, ўлчаш, чамалаб кўрмоқ) ва олинган маълумотларни ҳужжатларга ёзиб тўлашидан иборат.

Маълумотларни идрок этиш ва уларни ҳужжатларга ёзиб қўйиш дастлабки ҳисоб деб аталади.

Дастлабки ҳисоб - бухгалтерия ишларининг кўпчилик қисмини хосил қиласди. Шунинг учун уни соддалаштириш катта аҳамиятга эга бўлган жуда муҳим муаммодир. Дастлабки ҳисобнинг юришга сарфланадиган вақтни қисқартириш, ҳисоб ва режалаштириш билан боғлиқ бўлган барча бошқа ишларга қўшиладиган сарфларни камайтириш сингари, бухгалтерия ходимларини қисқартириш ва шу билан давр харажатларини камайтиришга олиб боради.

Ҳужжатларни қўл билан тузиш кўп вақтни эгаллайди ва уларда акс эттирилган муомалаларни баъзида ҳужжатларга нотўғри киритилиши натижасида бузиб кўрсатишга олиб келиши мумкин. Ундан ташқари, у қўл билан ёзувнинг меҳнат талабчанлиги, босма иш қоғозларини тайёрлаш ва нусхасини кўпайтириш билан боғлиқ бўлган иш вақтининг кўп ва унумсиз харажатларини талаб қиласди.

Йирик корхоналарда фақат иш ҳақини расмийлаштириш учун ҳар ойда ўн, баъзида эса юз минглаб ҳужжатларни ёзиб беришга тўғри келади. Ҳар хил ишлаб чиқариш муомалаларини ҳисоблаб чиқиш ва ўлчашнинг тезлиги ва тўғрилигини таъминлаш, қўл меҳнатини қисқартириш ва уни механизациялаш мақсадида корхоналарда маҳсус ускуна ва асбоблар (ўлчов идишлари, ҳисоб тарозилари, ҳисоблагичлар ва бошқалар)дан фойдаланилади. Лекин бу ускуна ва асбоблар дастлабки ҳужжатларни тузишдаги қўл меҳнатини тўлиқ ифода қилолмайди, чунки улар ҳужжатларга маълумотлар ёзишни механизациялашимайди. Бу ишларни автоматик ускуналар осонлаштиради.

Хозирги вақтда ёзиб борадиган ускуналар билан жиҳозланган ҳар хил ҳисоблагичлар ва ҳисоб тарозилари яратилган бўлиб, маълумотларни ҳисоблаб, ўлчаб бериш билан бир вақтда ҳисоб ҳужжат-ларига ёзиб ҳам боради. Бундай асбоблар дастлабки ахборотни автоматик тарзда олиш имконини беради ва уни ЭҲМга киритиб, маълумотларни қисқа муддатда ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

Дастлабки ҳисобни автоматлаштириш молиявий ва бошқарув ҳисобини ташкил қилишда бош муаммо бўлиб ҳисобланади. Бу муаммони ечиш ҳужжатларни ёзиб бериш билан шуғулланадиган ходимлар сонини қисқартириш, бухгалтерия ходимларини саклаш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Ундан ташқари, ҳужжатлаштириш билан шуғуллана-

диган ходимлар ўзларига хос бўлмаган ишлардан озод бўладилар. Бу ишни соддалаштириш мақсадида бир қанча ҳужжатлар келиб тушган бир турдаги қийматликларни нархлаш ҳар бир ҳужжатда эмас, балки мазкур пачканинг энг охирги ҳужжатида келиб тушган ёки сарфланган қийматликларнинг нархини уларнинг умумий сонига қўпайтириш билан олиб борилади. У ҳар бир ҳужжатдаги алоҳида суммани қўшиб чиқиш ёрдамида олинади.

Нархланган (таксировкаланган) ҳужжатлар гурухларга ажратилади. Ҳужжатларнинг гурухланиши деганда, уларни ўз мазмунларига кўра бир турдаги пачкаларга айриш (ажратиш) тушунилади.

Шундай йўл билан касса ҳужжатлари, материалларнинг кирими ҳамда сарфига, маҳсулот сотишига доир ҳужжатлар ва ҳоказолар пачкаларга терилади. Бу пачкаларининг ҳар бири ичидаги ҳужжатлар майдароқ гурухларга ажратилади. Масалан, касса кирим ҳужжатлари пулларнинг келиб тушиши манбаларига қараб, яъни ҳисоб - китоб счётидан, дебиторлардан, ҳисобдор шахслардан ва шу кабилар бўйича гурухланади. Материаллар ҳаракати бўйича ҳужжатлар - биринчи навбатда омборлар бўйича (агар корхонада бир нечта омбор бўлса), кейин материал турлари бўйича, кирим ҳужжатлари - келиб тушиш манбалари (тайёрлаш ишлаб чиқаришдан қайтарилиши), чиқим ҳужжатлари - ҳаракатларнинг йўналишлари бўйича (ишлаб чиқаришга, таъмирлашга, ортиқчасининг сотилишига) гурухланади. Шундай тарзда ҳужжатлар бухгалтерия ёзувлари учун тайёрланади. Бир турдаги гурухларга ажратилган ҳужжатлар умумий якунлари билан ёзувларни амалга ошириш имконини беради. Дастлабки ҳужжатларнинг гурухланиши, одатда олинган маълумотларнинг кейинги ҳисоб ишловларини осонлаштирадиган йиғма ҳужжатларни тузиш билан якунланади.

Кўпинча дастлабки ҳужжатлар бухгалтерияга тузиб олинган ҳисоботлар билан биргалиқда келиб тушади. Агар гурухлаш бухгалтерияда олиб борилса, унда унинг маҳсус ведомости билан расмийлаштирилади.

Бухгалтерия ҳужжатларини гурухлаши амалга оширадиган ведомостларнинг икки тури мавжуд. Қабул қилинган ҳужжатлардаги маълумотларни жамғариш учун хизмат қиласиган жамғарувчи ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириладиган муомалалар ҳақидаги маълумотларни доима олиш учун мўлжалланган гурухловчи ҳужжатлар.

Жамғарувчи ведомостлар секин - аста ҳужжатларнинг бухгалтерияга келиб тушишига қараб тўлдирилади, гурухловчи ҳужжатлар эса ҳар гал алоҳида, ҳужжатлардан у ёки бу белгисига қараб туриб олинган маълумотларни гурухлаш йўли билан тўлдирилади. Ҳозирги вақтда жамғарувчи ва гурухловчи функцияларни умумий ведомостларда бирлаштириш ҳаракатлари кузатилмоқда. Шу мақсадда ҳужжатлардаги маълумотлар уларнинг жамғарилаётган жараёнида гурухланмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳисобни соддалаштириш мақсадида жамғарувчи ва гурухловчи ведомостларидағи суммалари кўпинча ҳам синтетик ҳамда бир вақтнинг ўзида муомалаларни акс эттиришнинг равшанлиги, унга ўлчагичларнинг (натурал, меҳнат ва пулда ифодаланган) аниқ келтирилганлиги, ҳужжатни тузиш санасининг тўғри кўрсатилганлиги ҳам текширилади.

Арифметик амаллар ва ҳисоблашни текшириш (арифметик текшириш) ҳужжатларини тўлдириш пайтида арифметик амалларнинг тўғри бажарилганлигини, миқдорини нархга кўпайтириш, якуний суммаларни топишда қўшиш амалини қўллаб текширишдан иборат.

Ҳужжатлардаги қандайдир нотўғриликларни топган ҳисоб ходими уни тўғрилаш учун қайтариши ёки ушлаб қолиши керак. Тегишли тартибдаги рухсатсиз (муомалаларни амалга опшиш учун расмийлаштирилган), тўлдирилмаган реквизитлар билан, арифметик ҳолатларга эга ва бошқа шу каби (камчиликларга эга бўлган) ҳужжатлар қайтарилади. Бундай ҳужжатлар бухгалтерия томонидан фақат хатолари бартараф қилингандан кейингина қабул қилинади.

Қонунга хилоф бўлган муомалаларнинг амалга оширилиши ҳақида гувоҳлик берувчи ёки қалбаки имзолар, рақамларнинг ўчирилиши ва шу кабиларга эга бўлган ҳужжатлар ҳисоб учун асос бўла олмайди. Уларни юзага чиқарган камчиликларнинг моҳиятини аниқлаш ва айбдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш мақсадида тўхтабиб туриш лозим.

Ҳужжатларни фақат текшириб бўлгандан ва уларнинг тўғри эканлигига ишонч хосил қилгандан кейингина тезкор ходимлардан қабул қилиб олиш мумкин.

Ҳужжатларни қабул қилиш одатда реестр нусхасига топширилаётган ҳужжатлар рўйхатига имзо қўйиши билан расмийлашгирилади. Масалан, омбор мудири моддий бойликларнинг бир кунлик кирими ва чиқими тўғрисидаги барча ҳужжатларни

тайёрлаётганда уларни бухгалтерияга жўнатиш учун тўлдирилган ҳамда илова қилиб юборилган реестрда тилхат олади, кассир касса кирим ва чиқим ҳужжатларини бухгалтерияга улар қайд қилинган касса дафтарларига имзо қўйдириб топширадилар.

Текширилган ва бухгалтериядан қабул қилинган ҳужжатлар ҳисоб ишловидан ўтказилади. Бу ишлов уч босқичдан: нархлаш, гурухлаш ва таксировка (белгилаш)дан иборат.

Ҳужжатларни нархлаш ёки таксировкалаш - бу ҳужжатларда кўрсатилган моддий бойликларни пул ўлчагичида баҳолашдир.

Корхонанинг тезкор бўлинмаларидан келиб тушадиган кўпчилик ҳужжатлар пул ўлчагичларига эга бўлмайди. Уларга материаллар кирими ва чиқими, маҳсулотни омборга топширилиши, омбордан ҳаридорларга жўнатишга доир ва хоказо ҳужжатлар киради.

Пулда нархлаш бухгалтерияда материаллар учун белгиланган нархлар рўйхати, маҳсулотга ҳақиқатда қилинган харажатлар ёки уларнинг режадаги нархлари асосида амалга оширилади. У одатда ҳужжатларни «нарх» ва «сумма» устунларида ёки бундай устунлар бўлмаган тақдирда, бўш жойлар олиш, иш ҳаки бўйича ҳисоб – китоблар ва бошқаларни биладиган бухгалтерлар олиб боради. Бухгалтерия ёзувларига, унда корреспонденцияланувчи счёtlарни кўрсатган ҳолда бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари имзосини қўяди. Бунда улар бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаси (21 - БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия - хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»дан фойдаланади.

Счёtlар бўйича ёзувларнинг иккинчи марта қайтарилишининг олдини олиш мақсадида ҳужжатларда тегишли белгилар қўйилади. Бунинг учун ҳужжатларнинг босма иш қофозининг ўзида ёки маҳсус қўйилган жойда қуидаги ёзув келтирилади: «... рақамли ёзувга ... варақ илова келтирилган, сана, 200\_й.».

Ҳужжатлар контировка қилингандан кейин муомалалар синтетик ва таҳлилий счёtlарда (жорий бухгалтерия ҳисобида) акс эттирилади. Кейин ҳужжатлар архивга топширилади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга кўра ҳужжатлар архивда сақланади. Бухгалтерия архиви маҳсус бинода ёки ёпиқ жавонларда ташкил этилади. Ҳужжатлар бухгалтерия архивига, корхонанинг бошқа таркибий тузилмаларига фақат бош (катта) бухгалтернинг рухсати билан берилиши мумкин. Исботловчи ҳужжатлар (шунингдек, бухгалтерия ҳисоби регистрларини ҳам) суд -

тергов ва бошқа ташкилотларнинг талаби билан олиб қўйилиши шу органларнинг ёзма фармойиши асосида корхона раҳбарининг рухсати билангина амалга оширилиши мумкин.

Маълум бир ҳисоб регистрига тегишли бўлган барча ҳужжатларни алоҳида папкаларга тикилган ҳолда биргаликда сақлаш мақсадга мувофиқдир. Папка қоидага кўра, ҳужжатлар тегишли бўлган ой ва йил, синтетик счёт, ҳужжатлар рақами, уларнинг сони ва бошқа маълумотлар ёзиб қўйилади. Кўплаб ишлатиладиган исботловчи ҳужжатлар - касса ордерлари, материал талабномалари, иш нарядлари ва бошқалар ойнинг охирида бирлаштириб тикиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Молиявий ва бошқарув ҳисоби- жорий йил ҳужжатлари бухгалтерия архивида сақланади, чунки улар корхона ва унинг таркибий бўлинмалари устидан раҳбарлик қилиш, уларнинг фаолиятини бошқариш ҳамда ҳар хил турдаги маълумотлар тузиш учун керак бўлади. Йил бошида ўтган йилдаги ҳужжатлар бухгалтерия архивидан корхонанинг молиявий ва бошқарув архивига топширилади. У ерда улар амалдаги қоидалар билан белгиланган муддатда сақланади.

Одатда бухгалтерия ҳужжатларини сақлашнинг муддатлари белгиланган: турли - туман ҳужжатларнинг корешоклари (ордерлар, накладнойлар, квитанциялар, чек дафтарлари ва шу кабилар) учун 1 йил, бўнак ҳисоботлар, уларга илова қилинган ҳужжатлар, счёtlар, тўлов талабномалари, накладнойлар, қайдномалар ва бошқа товар - моддий бойликларга доир ҳужжатлар, ҳисоб - китоб ва тўлов ведомостлари учун 3 йил; касса ва банк ҳужжатлари таҳлилий қисмларда акс эттирилади. Натижада тегишли синтетик счёtlарда мустақил тартибда таҳлилий ҳисобни юритишга ҳожат қолмайди.

Ҳозирги вақтда дастлабки ва йиғма ҳужжатлар, шу жумладан жамғарувчи ва гурухловчи ведомостларни ҳам ҳисоблаш, одатда, машиналаштириш йўли билан амалга оширмоқда.

Замонавий тез ҳаракат қилувчи ҳисоблаш машиналари ёрдамида тузиладиган йиғма ҳужжатлар табуляграммаси ва машинаграммалар деб номланади. Улар биринчи навбатда энг меҳнатталаб ҳисоб ишлари (иш ҳақини ҳисоблаш ва тақсимлаш, ишчиларнинг ишлаб чиқар-ган маҳсулотлари ва меҳнат сарфлари, ҳар хил моддий бойликларнинг келиб тушиши ва сарфланишини ҳисоблаб чиқиш ва бошқалар) бўйича тузилади.

Кейинчалик ҳужжатлар контиrovkaga юборилади. Ҳужжатларни

контировка қилиш деганда мазкур муомала бўйича корреспонденцияланувчи счёtlарни кўrsatiш, яъни бухгалтерия ёзуvi тушунилади. У ҳар хил усуllар билан юритилади.

Ҳозирги вақтда бухгалтерия ёзуvi асосан муомала (ёки муомалалар гурӯҳи) расмийлаштирилган ҳужжатнинг босма иш қоғозида берилади. У ҳужжатнинг бўш жойига қўл билан ёзилади ёки муомала мазмuni, корреспонденцияланувчи счёtlарнинг рақами ва суммаларни акс эттириш учун устунларга эга бўлган маҳsus мухр босилган жойга ёзилади. Баъзида фаолият даражаси унча катта бўлмаган майда корхоналарда бухгалтерия ёзуvi ҳужжатнинг ўзида маҳsus ажратилган қисмида қилинади. Бундай қисмлар касса ордерлари, аванс ҳисоботлари ва бошқаларнинг намуnavий босма иш қоғозларида мавжудdir.

Ҳисоб техникасининг такомиллашиши ва ҳисобни максимал даражада соддалаштириш ҳамда қисқартиришга интилиши бухгалтерия ёзувлари тўғрисидаги кўrsатмалар ва йиғма ҳужжатларни яратишни бир жараёнда бирлаштиришга олиб келади. Бунга кўпчилик счёtlарда қайд қилинган муомалаларнинг суммаларини уларда ёзиш йўли билан юритиладиган жамғарувчи ведомостларда шу жараёнларни бир вақтнинг ўзида счёtlар бўйича гуруҳлаш билан эришилади. Айнан шу билан жамғарувчи ведомостнинг тўлдирилиши тугагандан кейин бухгалтерия ёзуvi автоматик тарзда тузилган бўлади, эндиликда эса фақат корреспонденцияланувчи счёtlарнинг суммаларини келтирувчи устунларнинг якунини ҳисоблаб чиқишигина қолади.

Баъзи ҳолатларда бухгалтерия ёзувларини кўrsatiш учун бухгалтерия ёзувларини расмийлаштиришнинг маҳsus ҳужжатларидан - проводка ёки мемориал ордерлардан фойдаланилadi.

Корхона хўжалик фаолияти тўғрисидаги тўғри маълумотларни олиш, бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигига, яъни счёtlар корреспонденцияси расмийлаштирилаётган муомалаларнинг иқтисодий мазмuniга ва счёtlар ўrtасидаги ўзаро боғланши бўйича белгилangan тартибга тўғри келишига боғлиқ. Шунинг учун бухгалтерия ёзувларини тузишга катта имконият берилади. Одатда бундай ишни ишлаб чиқаришнинг тегишли қийматликларини, ҳисобга олишлари учун 5 йил Бошқарув ҳисобининг ҳужжатлари раҳбарнинг ихтиёри билан белгилangan муддатгача сақланади.

Корхонада ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш даражаси

ҳисобни марказлаштириш ва автоматлаштиришнинг ташкилий шакллариға боғлиқ бўлади. Ҳужжатларнинг айланишини рационал тузиш ҳам катта аҳамиятга эга ва у ҳужжатларнинг барча ишлов жойларидан тезроқ ўтиши билан таъминланади. Шу билан бирга ҳужжат-ларнинг керак бўлмаган жойларда ўтмаслиги ва иложи борича ўтган жойларига яна қайтиб келмаслиги (ортиқ йўлни бехуда босмаслиги)га эришишга ҳаракат қилиши керак. Буларнинг ҳаммаси корхонада ҳужжатлардан яхшироқ фойдаланишни таъминлайди.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 2003 й.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” –Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
3. И.А.Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ”. –Т.: Ўзбекистон, 2002 й.
4. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005 й.
5. Каримов И.А. «Янгича ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди». Халқ сўзи газетаси. 17 февраль 2005 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т.; 2004 й.
7. Холбеков Д. Бухгалтерлик - фахрли касб. Иқтисод ва сиёsat, 1996й, №8 48 бет.
8. Дўстмуротов Р. Асосий воситалар аудитини ташкил этиш, Иқтисод ва ҳисбот. 1998 й №7 58 бет.
9. Қаюмов У.К. Суд бухгалтерияси экспертизаси Т. 1993 й.
10. Қаюмов Х. Суд бухгалтерияси экспертизаси назарий асослари. Т.1992й.
11. Махбубов М.М. Жумамуратов.Ш. Дастрлабки терговда ҳужжатли ревизия ва суд бухгалтерияси экспертизаси. Ўқув қўлланма. Т. 1989й .
12. Ортиқов А.А. Иқтисодий-ҳуқуқий атамаларнинг изоҳли луғати, Т. 1996й.
13. Останақулов. М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси . Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Т.1993й.
14. Раҳмонов К. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш. Иқтисод ва ҳисбот. 1998.№5 18 бет.



## **Инвентаризация –ҳақиқий ҳолатни текшириш ва тафтиш усули сифатида**

Йўқлама қилиш - бу ҳужжатлардаги маблағлар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини уларнинг ҳақиқатда мавжудлигига тўғри келишини таъминлаш учун хизмат қиладиган бухгалтерия ҳисобининг усулидир.

Шундай қилиб, йўқлама қилиш ҳужжатлаштиришнинг мажбурий қўшимчасидир. Фақат шу усулларнинг ҳар иккаласи – ҳужжатлаштириш ва йўқлама қилишнинг ёрдамидагина барча хўжалик ҳодисалари тўла-тўкис акс эттирилиши таъминланади.

Маблағларни тўла қамраб олишлигига қараб йўқлама қилиш икки турга, яъни тўла ва қисман йўқлама қилишга бўлинади.

Тўла йўқлама қилиш беистисно барча хўжалик маблағларини ўз ичига олади. У қоидага кўра, йиллик ҳисботдан олдин, кейинги йилнинг 1 январидаги ҳолатда тузилади. Лекин унинг жуда мураккаблиги ва қўпмехнат талаблиги туфайли маблағларнинг айрим турларининг йўқламасини олдинроқ ўтказса ҳам бўлаверади. Масалан, асосий воситаларни 1 ноябрдан, капитал сарфларни 1 декабрдан, товарлар, тайёр маҳсулот, ишлаб чиқариш захираларини 1 октябрдан олдин эмас ва ҳоказо.

Қисман йўқлама қилиш хўжалик маблағларининг бирор турини ўз ичига олади, масалан, фақат материалларни ёки фақат мол етказиб берувчилар билан ҳисоб - китобларни. Улар тўла инвентаризациядан ташқари, йил давомида бир неча марта ҳисбот маълумотларининг аниқлигини таъминлаш, ўғриликларга ва талофатларга қарши курашни кучайтириш ҳамда молиявий интизомни кучайтириш мақсадида ўтказилиши керак.

19 - БҲМСга кўра, ҳисбот йилида ўтказиладиган йўқламалар сони, уларни ўтказиш санаси, уларнинг ҳар бирида текшириладиган мулклар ва мажбуриятлар рўйхати, йўқлама ўтказиш мажбурий бўлмаган бошқа ҳолларда, корхона, ташкилотнинг ўзи томонидан белгиланади. Йўқлама ўтказиш қуидаги ҳолларда мажбурийдир: корхона мулки ижарага берилганда; давлат ёки муниципал корхонани сотиб олганда; сотилганда; уни акциядорлик жамиятига ёки ширкатлар жамиятига айлантирганда; моддий жавобгар шахслар алмаштирилганда (ишларни қабул қилиш - топшириш кунига); ўғриликлар ва сустеъмолликлар ҳамда қимматликларнинг бузилиши ҳолатлари аниқланганда; йиллик бухгалтерия ҳисботини тузишдан

олдин (йўқламаси йиллик ҳисоботнинг 1 октябргача ўтказилган мулклардан ташқари). Имаратлар, иншоотлар ва бошқа ҳаракатсиз воситаларнинг йўқламаси ҳар икки - уч йилда бир марта, кутубхона объектлариники эса беш йилда бир марта ўтказилиши мумкин.

Асосий воситалар, капитал қўйилмалар, тайёр масулот ва шу кабиларнинг йўқламаси бир йилда камидан бир марта ўтказилиши керак (тўла йўқлама ўтказилганда). Бошқа маблағларнинг йўқламасини тез - тез ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Масалан, дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобнинг йўқламаси бир йилда камидан уч тўрт, бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китобни ҳар чоракда камидан бир марта, пул маблағларини камидан бир ойда бир марта ўтказилади.

Бухгалтерия ҳисобининг олдига қўйиладиган муҳим талаблардан бири унинг кўрсаткичларининг реаллиги (тўғрилиги)ни таъминлашдир. Бу талабга жавоб берганда бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари ҳақиқатга тўла тўқис мувофиқ бўлади.

Ҳисобда акс эттирилган, яъни келиб тушган ёки берилган қийматлар - материаллар, пул маблағлари, тайёр маҳсулот ва бошқаларнинг сони ҳақиқатда олинган ёки берилган сонга шу қийматларнинг ҳисоб маълумотлари бўйича қолдиқлар миқдори эса уларни сақлаш жойларидағи ҳақиқий қолдиқларига тўғри келиши керак. Ваҳоланки, ҳисоб маълумотлари баъзиларда ҳақиқатга тўғри келавермайди. Бу қуйидаги сабаблар билан содир бўлиши мумкин:

1. Табиий сабаблар - материалларнинг оғирлиги ёки сифати ҳавонинг ҳарорати ёки намлигининг ўзгариши, кемирувчи ҳашоратлар, микроблар ва бошқалар томонидан бузилиши, уларни саралаш, бир жойдан иккинчи жойга қўчириш пайтида қуриш, парланиш, тўкилиш ва шу кабилар натижасида қўрилган йўқотишлардан иборат;

2. Моддий қийматликларни қабул қилиш ёки беришдаги ноаникликлар кам ўлчаш, хато ҳисоблаш, кам тортиш натижасида маблағнинг бошқа миқдори ёки сифати (ҳажм, нав)ни қайд этилишидир. Моддий бойликларнинг бир навини (сифатини) бошқаси билан аралашиб хилларни алмаштириш деб номланади;

3. Ҳисобдаги хатолар - дастлабки ҳужжатлардаги хато ёзувлар, ҳисоблаб чиқишидаги арифметик хатолар, счёtlарда ҳужжат маълумотларини нотўғри акс эттириш ва шу кабилардан иборат;

4. Суистеъмолликлар - ўғриликлар, кам тортиш ёки кам ўлчаш, пуллар ва бошқаларни беришдаги кам ҳисоблаш ҳамда маблағларни тўғридан - тўғри ўзлаштириб олишдан иборат.

Юқорида ёритилған ҳодисаларни содир бўлаётган дақиқада ҳисобга олиб бўлмайди, чунки улар ҳужжатлаштирилмайди. Натижада олинган келишмовчиликлар (тўғри келмасликлар) фақат вақти - вақти билан ўтказиладиган маблағлар ҳақиқий қолдиқларини ҳисоб маълумотлари билан юзага чиқарилади. Бундай солиштириб текшириш ҳисоб маълумотларини тўлдириш ва унга аниқлик киритиш ҳамда турли - туман суиистеъмолликларга қарши кураш олиб бориш имконини беради. Ҳақиқий қолдиқларни йўқлама (инвентаризация) қилиш деб номланадиган маҳсус рўйхатга олиш йўли билан аниқланади.

Инвентаризация (йўқлама) ўтказиш тартиби 19 - БХМС «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» билан белгиланади.

Инвентаризация (йўқлама) натижаларини аниқлаш мақсадида бухгалтерия солиштирув ведомостини тузади. Улар йўқлама ведомостларининг маълумотлари бухгалтерия ҳисобининг тегишли маълумотлари билан солиштириб текширилади. Шу ерда йўқлама натижаларда ортиқча ёки камомадлари ҳам аниқланади. Барча маълумотлар ҳам натура, ҳам пул ўлчагичида кўрсатилади. Солиштирувчи ведомостга барча йўқлама қилинган қийматликлар бўйича маълумотлар эмас, балки фақат ҳисоб маълумотларидан четланган қийматликларга тегишли бўлган маълумотлар киритилади. Бунда солиштирувчи ведомостлардаги маълумотлар ҳисобда қабул қилинган туркумланишга мувофиқ жойлаштирилади.

Солиштирувчи ведомостларни тузиш ва йўқлама натижаларини аниқлашдан олдин корхона бухгалтерияси йўқама рўйхатига қилинган ёзувларни яхшилаб текшириб чиқиши керак. Нархларда, таксировкада, ҳисоблаб чиқишларда ва ҳоказоларда хатолар мавжуд бўлса, уларни тўғрилаш зарур ва шу билан бирга бу тўғрилашлар барча комиссия аъзоларининг имзолари билан тасдиқланган бўлиши керак. Солиштирувчи ведомостлардаги қолдиқлар ҳисобда қабул қилинган нархларда баҳоланади.

Йўқлама натижаларини расмийлаштириш учун йўқлама ва солиштирувчи ведомостларнинг шаклларини бирлаштирувчи босма иш қоғозлари (бланка)дан фойдаланиш мумкин. Йўқлама комиссияси томонидан бу босма иш қоғозларига қийматликлар тўғрисидаги ҳуқуқий маълумотлар киритилгандан кейин унга бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ёзиб қўйилади ва ҳар иккала кўрсаткичларни солиштириб текшириб чиқилади.

Йўқлама комиссияси ўтказилган йўқлама натижасида топилган

камомадлар ва ортиқча чиқиши сабабларини аниқлади. Қийматликларнинг йўқолиши ва бузилиши сабаблари ҳақидаги қарорларни комиссия тегишли ходимларнинг тушунтирув хатлари ва бошқа маълумотлари асосида қабул қиласи. Йўқлама комиссиясининг барча хулосалари, таклифлари ва қарорлари корхона раҳбари томонидан тасдиқ-ланадиган мажлис баёни билан расмийлаштирилади. Ўзининг хулоса-сида комиссия аниқланган фарқларни тартибга солишини ҳам белги-лайди.

Ҳар ойда бир марта, банклар билан ҳисоб - китобни ҳар ойнинг биринчи кунига ўтказиш лозим.

Йўқлама ўтказиш ўзининг характерига кўра режали ва тўсатдан ўтказиладиган йўқламага бўлинади.

Режали йўқлама, унинг мақсадга мувофиқлиги ва яхшироқ ўтказилишидан келиб чиқсан ҳолда, олдиндан белгиланган муддатларда ўтказилади. Тўсатдан ўтказиладиган йўқлама корхона раҳбарининг фармойиши билан текширувчининг, хўжалик фаолиятини текширишни ўтказаётган тергов ташкилотларининг талаби билан ўтказилади. Режадан ташқари йўқлама табиий оғатлар (ўт кетиши, сув тошқини)лардан кейин ҳамда моддий жавобгар шахслар алмашганида ўтказилади. Йўқлама ўтказиш ва бошқа текширувлар натижасида қийматликларнинг ҳақиқий қолдиқлари билан бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлари ўртасида аниқланган фарқлар қуидагича тартибга солинади.

Моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа мулкларнинг камомадлари қуидаги йўл билан ҳисобдан чиқарилади: табиий йўқолиш меъёрлари чегарасидаги йўқолишлар, агар айбор шахслар аниқланмаган бўлса ёки айборлар ундириб олиш суд томонидан инкор қилинган бўлса, ишлаб чиқариш, муомала, давр харажатларига; меъёрлардан ортиқча ҳамда бузилишлардан олинган талофатлар айбор шахслар ҳисобидан; агар аниқ айбор шахслар топилган бўлса, унда айбор шахслар томонидан ундирилади. Бунда кам чиқсан товарлар (материал, мулклар) 1 қийматининг камомади айбор шахслардан ушбу ёки шу каби товарлар (бошқа моддий бойликлар)нинг камомади аниқланган дақиқасига бўлган бозор нархидаги қиймати ундириб олинади. Нархлардаги фарқлар молиявий натижаларга олиб борилади ва умумбелгиланган тартибда жорий ҳисобот даври учун солиқка тортилади.

Бу муомалалар бухгалтерия ҳисоби счёtlарида қуидагича акс эттирилади:

I. Аниқланган камомад қийматига ҳисоб нархида

Д-т 5910 «Камомад ва моддий бойликларнинг бузилишига келадиган нобудгарчиликлар»

К-т Камомад бўлган моддий бойликларни ҳисобга оладиган счёtlар

II. Моддий жавобгар шахслардан ундириб олинадиган (бозор нархидаги) суммага

Д-т 4730 «Моддий заарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» (бозор нархида ундирилиб олинадиган суммага)

К-т 5910 «Камомадлар ва моддий бойликларнинг бузилишидан келадиган нобудгарчиликлар» (камомаднинг баланс қиймати)

К-т 6230 «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» (Моддий жавобгар шахслардан ундириб олинадиган сумма билан қиймати орасидаги фарқ суммага) қиймати ўртасидаги фарқ «субсчёт» нархлардаги фарқ суммасига.

III. Камомад суммаси ундирилганда қуйидаги бухгалтерия муомалалари берилади.

Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки

6710 «Меҳнат хақи бўйича ходим билан ҳисоб - китоблар»

К-т 4710 «Моддий заарни қоплаш бўйича ходимнинг қарзи»

Ушбу муомала ундирилган камомаднинг бозор баҳосидаги суммасига берилади.

Йўқлама ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш учун маълум тартиб мавжуд бўлади.

Йўқлама корхона раҳбари томонидан тайинланган ва буйруқ билан тасдиқланадиган маҳсус комиссия томонидан ўтказилади. Комиссия ишда, албатта, бош бухгалтер қатнашади. Йўқламани ўтказиш одатда ойнинг бошига мўлжалланиб, йўқламанинг натижаларини кейинчалик ҳисоб кўrsatкичлари билан солиширишни осонлаштиради.

Йўқлама ўтказиш арафасида текшириладиган қийматликлар сақланадиган жойларда барча кирим ва чиқим хужжатларининг ишлови тугалланган, таҳлилий ҳисобдаги барча ёзувлар қилинган ва қолдиқлар чиқарилган бўлиши керак. Йўқлама қилинган барча бумлар рақами, саналари, ҳажмлари бўйича жойлаштирилган ҳар хил буюмлар сараланиб жойлаштирилган бўлиши керак.

Йўқлама ҳар бир саклаш жойи ва моддий жавобгар шахс бўйича, унинг қатнашувида алоҳида - алоҳида ўтказилади. Барча моддий бойликлар, албатта, санаш, тортиш ёки ўлчаш йўли билан текшириб

чиқилади. Мустаснолар, факат бузулмаган фабрикавий идишларда сақланадиган ҳамда юкланиши қийин нокулай бўлган арzon буюмларга нисбатан йўл қўйиши мумкин. Моддий бойликларнинг сони ҳужжатлар асосида аниқланиши мумкин, лекин бунда ҳам ҳужжатдаги маълумотларнинг тўғрилиги, албатта, танлаб текшириш йўли билан ўрганиб чиқилади, шунингдек, уларнинг сони эса техника ҳисоб-китоблари билан аниқланади. Бундай усуллар билан текшириш ҳақида одатда йўлланма ведомостларида белги қўйилади.

Аниқланган ва ҳисоблаб чиқилган қийматликлар ҳақидаги маълумотлар барча йўқлама комиссияси аъзолари томонидан изохланадиган йўқлама рўйхатига ёзиб қўйилади. Моддий жавобгар шахс, рўйхатда келтирилган барча қийматликлар унинг қатнашувида текширилганлиги, уларни унинг жавобгарлигига сақловга қабул қилинганлиги ва комиссияга ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида тилхат беради. Агар даъвоси бўлса, унда даъволар нимадан иборат эканлиги аник кўрсатилади. Йўқлама қилинаётган буюмларнинг баҳоланиши, рўйхатда факат уларнинг ҳисобдаги баҳоланишида фарқ қилганда еки унинг маълумотлари асосида аниқлаб бўлмаслиги натижасидагина кўрсатилади.

Шундай қилиб, йўқлама рўйхатлари хўжалик маблағларининг ҳақиқатда мавжудлиги ва ҳолатини акс эттирувчи ҳужжатлардан иборат экан. Йўқлама ўтказиб бўлингандан кейин бу ҳужжатлар бухгалтерияга уларнинг ҳақиқатда қолдиқларини ҳисоб маълумотлари билан солишириш ва уларни йўқламадаги маълумотларга мувофиқлаштириш учун топширилади.

Табиий йўколиш меъёрлари чегарасидаги ёки ундан юқори бўлган камомадлар, айбор шахслар бўлмаганда, табиий талофат ҳисобланиб, пайдо бўлган жойига қараб, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ёки давр харажатларини ошириши керак. Кўпинча улар қийматликларни ҳақиқий ҳаракатлари билан шу ҳаракатни ҳужжатли расмийлаштириш ўртасидаги номувофиқликни акс эттиради. Масалан, ишлаб чиқариш заҳираларининг камомади уларни ишлаб чиқаришга берилишини ҳужжатлар билан расмийлаштирилгандагига қараганда кўпроқ миқорда берилганлиги натижаси бўлиши мумкин. агар маҳсулотнинг камомади уларни ҳақиқатда олинганлигига қараганда ҳужжатлар бўйича кўпроқ олинганлигини расмийлаштириш натижаси бўлиши мумкин. Товар-моддий бойликларнинг камомадини ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқариш йўли билан йўл қўйилган хатолар ҳам бартараф қилинади.

Моддий жавобгар шахсдан ундириладиган сумма билан қийматликларнинг баланс баҳоси ўртасидаги фарқ қуидаги муомала билан даромадга ўтказилади:

Д-т 6230 «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар»

К-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

Бир даврнинг ўзида ва бир моддий жавобгар шахсда бир турдаги товар -моддий бойликларнинг камомади ва ортиқча чиқишлари ўзаро хўжалик ҳисобига ўтказилиши мумкин. Кам чиқсан бойликлар қиймати айбдор шахслар ҳисобига олиб борилади.

Моддий қийматликларни ортиқча чиқиши аниқланганда у 19 - БХМС нинг 5.70 бандига биноан киrimга олиниб хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига ўтказилади. Бу муомала қуидаги муомала билан расмийлаштирилади:

Д-т Тегишли моддий қийматликларни ҳисобга олинадиган счёtlар

К-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

Камомадлар ва ортиқча чиқишларнинг ҳар бир ҳодисасида фарқларнинг юзага келиш сабаблари чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиши зарур.

Қийматликлар камомадлари бузилишидан кўрилган талофатлар устидан айниқса синчков назоратни ўрнатиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби тизимида юқорида келтирилган алоҳида «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан келадиган нобудгарчиликлар» номли маҳсус счёт кўзда туталган. У йиғиб тақсимловчи счёт бўлиб, унинг ёрдамида талофатларнинг умумий суммаси ва унинг айrim турлари аниқланиб, бу суммаларни тегишли счёtlарга ҳисобдан чиқарилади.

«Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан келадиган нобудгарчиликлар» счёti активдир. Унинг дебетида солишириув ведомости асосида товар - моддий қийматликлар («Материаллар», «Тайёр маҳсулот», «Товарлар» ва бошқалар) счёtlаридан қийматликларнинг барча камомадлари ва бузилишидан кўрилган нобудгарчиликлар йиғилади. Бу счёtnинг кредити бўйича унинг дебетида йғилган суммалар йўқлама комиссиясининг қарорига биноан харажатлар ёки айбдор шахслар счёtlарига ҳисобдан чиқарилади. Буни қуида келтирилган чизмадан кўриш мумкин:

Ортиқча чиқишлар корхона ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳисобига тегишли қийматликлар счёtlарига кирим қилинади. Ортиқча чиқишлар аниқланганда, албатта, уларнинг келиб

чиқиши сабаблари ва айбдорлари суриштириб топилади.

Ортиқча чиққан моддий бойликлар биринчи навбатда тегишли қийматликлар счётларининг дебетида ва бошқа операцион даромадлар счётининг кредитида акс эттирилади.

Шу билан ушбу қийматликларнинг қолдигини йўқлама натижасида аниқланган уларнинг ҳақиқий миқдорлари билан мувофиқликка олиб келиш таъминланади. Ортиқча чиқишилар, одатда, материалларнинг ҳақиқий ҳаракатини хужжатлар билан нотўғри расмийлаштириш натижасида юзага келади ва шунинг учун бундай ёзув зарурдир. Ҳақиқатда ҳам, ишлаб чиқариш захираларининг ортиқча чиқиши уларнинг ҳақиқатда қилинган сарфларига қараганда кўпроқ миқдорда ҳисобдан чиқарилганлиги, тайёр маҳсулотнинг ортиқча чиқиши эса, аксинча, уларнинг келишини камроқ миқдорда ёзилиши натижасидир.

Камомадларни ҳисобдан чиқариш ва ортиқча чиқишиларни киримга олиш тегишли товар - моддий бойликларнинг ҳам синтетик, ҳам таҳлилий ҳисобида акс эттирилади. Бу уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлари бўйича қолдикларнинг йўқлама ўтказиш йўли билан аниқланган ҳақиқий мавжудлигига мувофиқлигини таъминлайди.

Амалдаги Низомда даъво муддати ўтиб кетган қарзларни қоплаш ва ҳисобдан чиқариш тартиби ҳам белгилаб қўйилган. Даъво қилиш муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзлар даромадга ўтказиши ҳамда шу суммалардан солиқ тўланиши керак.

Даъво қилиш муддати ўтаб кетган кредитор ва депонент қарзлар ҳисобдан чиқарилганда 6720 «Депонентланган меҳнат ҳақи» ва 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счётлари дебетланиб 9360 «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар» счёти кредитланади.

Даъво муддати ўтиб кетган дебитор қарзлар ҳисобдан чиқарилганда 9430 «Бошқа операцион ҳаражатлар» счёти дебетланиб дебитор қарзлар ҳисобга олинадиган счётлар кредитланади.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент. 2003 й
2. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005 й.

3. Каримов И.А. «Янгича ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди». Халқ сўзи газетаси. 17 февраль 2005 й.
4. Каримов И.А. «Минтақада хавфсизлик ва барқарорлик йўлида» Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи газетаси. 7 июнь 2005 й
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т.; 2004 й.
6. Ўзбекистон Республикасиншвг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 30 август.
7. Сотволдиев А., Иткин Ю. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. - Т.: 2002.
8. Бакаев А.С., Шнейдман Л.З. Учетная политика предприятия. - Т.: Бухгалтерский учет, 1994.
9. Иткин Ю.М., Гадоев Э.Ф. Бухгалтерский учет в условиях риочной экономики Узбекистана (1,2 том). - Т.: 2000.
10. Бабаев Ю А. Теория бухгалтерского учета. - М.: ЮНИТИ, 2000.

## **Мутахассис иқтисодчиларни тергов ва суд ҳаракатларига жалб қилиш**

Корхоналарда хўжалик жараёни таъсири остида ҳисобот даври ичида жуда кўп хўжалик ишлари содир бўлади. Бухгалтерия баланси, одатда ҳар ойда бир марта тузилади. Уни тузиш учун хўжалик ишларини гуруҳлаштириш зарурати туғилади. Ҳисобот даврининг ичида ҳар бир гуруҳдаги қолдиқ бухгалтерия балансининг тегишли моддаларига ёзиган қўйилади. Гуруҳлаштириш хўжалик кўрсаткичларидаги маълумотларни тартибга солиш учун ҳам керак бўлади. Бундай гуруҳлаштириш бухгалтерия счёtlари ёрдамида амалга оширилади, яъни бухгалтерия ҳисобида содир бўлаётган хўжалик ишларининг маълумотларини маълум хусусиятларига кўра ва иқтисодий мазмунига қараб гуруҳлаштириш счёtlар тизими<sup>1</sup> ёрдамида амалга оширилади. Бундай иқтисодий гуруҳлаштириш учун иккиёклама ёзиш усулидан фойдаланилади. Бухгалтерия счёtlарини қўллаш хўжалик маблағларининг ҳаракати ва хўжалик жараёни устидан жорий назорат олиб бориш ҳамда керак бўлиб қолган тақдирда уларнинг ёрдамида хоҳлаган санага баланс тузиш имконини яратади. Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг *счёtlар тизими деб* хўжалик маблағларининг таркиби, жойланиши ва уларнинг ташкил топиш манбай, муайян мақсадлар учун фойдаланилишини, шунингдек хўжалик жараёнидаги ҳаракатларни жорий ҳисобга олиш ва назорат килиш мақсадида гуруҳлаштириб боришга айтилади. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик обьектларининг хўжалик жараёнидаги ҳаракатини тартибга солиб, ҳисобга олиш ва назорат килиш усулидир.

Бухгалтерия ҳисоби счёtlарида хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари ҳаракатларини акс эттирувчи хўжалик ишлари айrim кўрсаткичлари бўйича гуруҳлаштирилиб, улардаги ҳамма ўзгаришлар тўхтовсиз ва тартиб билан акс эттириб борилади.

Счёtlарнинг ҳар бирида ҳисобга олинаётган хўжалик маблағи ёки унинг манбайнинг бошланғич ҳолати рўйхатга олинади, кейинги бўладиган жорий ўзгаришлар ўз вақтида акс эттирилиб борилади. Натижада счёtlардан исталган пайтда айрим тур хўжалик маблағи ёки унинг манбай тўғрисида гуруҳланган миқдор ва пул кўрсаткичидаги маълумотларни олиш мумкин.

Хўжалик маблағларини, уларнинг манбаларини ва хўжалик жараёнларини иқтисодий мазмунига ҳамда тузилмасига қараб

алоҳида ҳисобга олиш мақсадида, уларнинг ҳар бир тури ва жараёни учун махсус счёtlар мавжуд.

Счёtlар тизими деб бухгалтерия ҳисобида фойдаланиладиган ҳамма счёtlарнинг счетлар рўйхатидаги тизимга айтилади.

Хўжалик маблағларини ҳисобга оловчи счёtlарга «Асосий воситалар», «Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар», «Номоддий активлар», «Материаллар», «Ҳисоб-китоб счёти» ва бошқалар, хўжалик маблағларининг манбаларини ҳисобга оловчи счёtlарга «Низом фонди», «Захира фонди», «Бюджет билан ҳисоб-китоблар», «Фойда ва заарлар», «Махсус максадга аталган фондлар» ва бошқалар, хўжалик жараёнларини ҳисобга оловчи счёtlарга «Асосий ишлаб чиқариш», «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби счёtlарига хўжалик операцияларини ёзиш учун операция содир бўлганда рўйхатга олинган хужжатлардан фойдаланилади. Хужжатларда акс эттирилган хўжалик операциялари тегишли объектни ҳисобга оловчи счёtlарга тарқатилади; бунда ҳар хил операцияларни умумлаштириб, счётда акс эттириш мақсадида улар пул кўрсаткичи билан ифодаланади.

Амалда счёtlар жадвал, карточка ёки дафтар варағн шаклида бўлиб, у икки қисмга бўлинади. Унинг чап қисми «Дебет», ўнг қисми эса «Кредит» деб аталади. Дебет, ўзбек тилига таржима қилинганда «у қарздор» деган маънони билдиради. Кредит сўзи ўзбек тилида «ишионди» деган маънони англатади. Дебет ва кредит сўzlари бухгалтерия ҳисобига унинг ривожланишининг бошланғич даврларида, яъни XIII асрларда киритилган бўлиб, бу сўzlарнинг мазмуни сотувчи ва банкир ўртасидаги ҳисоб-китоб ва кредит муносабатларини акс эттириш эди. Ишлаб чиқариш, фан ва техниканинг ривожланиши билан бухгалтерия ҳисоби ҳисоб-китоб ва кредит муносабатларинигина акс эттириб қолмасдан, хўжалик жараёни, маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг мавжудлиги, ҳаракати ва ҳолатини ҳам қамраб олди. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисобида «Дебет» ва «Кредит» сўzlари ҳозирги даврда ўзларининг маъноларини йўқотмаган ва уларда счёtlарнинг қисмларини шартли равишда белгилаш воситалари сифатида фойдаланилмоқда.

“Хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисоб” счёtlарининг дебети ва кредитида акс эттиришда шунга эътибор бериш керакки, агар маълум объект ёки жараённи ҳисобга оловчи счёtnинг дебетида

шу объект ёки жараённинг кўпайишини акс эттирувчи барча операциялар ҳисобга олинса, унинг кредитида шу объект ёки жараённинг камайишини акс эттирувчи операциялар ҳисобга олинади ва аксинча.

Бухгалтерия ҳисоби счёtlарини куйидагича тарихда ифодалаш мумкин:

«Дебет» ва «Кредит» иборалари «Д-т» ва «К-т» белгилари билан ифодаланса ҳам бўлаверади.

Тариф орисидаги чизиқнинг устига счёtnинг номи ёзилади, масалан, «Асосий воситалар» ёки «Низом фондига». Счёtdаги ҳисобга олинаётган объект ёки жараёнда маълум даврда қаноатланган ўзгариш (кўпайиш ёки камайиш) содир бўлганлигини билиш ва тегишли маълумотни хохлаган пайтда қийинчиликсиз олиб туриш мақсадида счёtnинг бир томони ундаги объект ёки жараённинг кўпайишини, иккинчи томони эса камайишини акс эттиради.

Бухгалтерия ҳисоби счёtlарига ҳисбот даврининг бошига маълумотлар бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмларининг моддаларидан олиб ёзилади. Булар счёtlарнинг бошланғич сальдоси (қолдиги) дейилади. Бошланғич қолдиқ хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари, шунингдек жараёнларининг ҳар бир туридан бўли-ши мумкин, айрим холларда маълум турларининг қолдиги бўлмас-лиги ҳам мумкин, у пайтда муайян объект ёки жараённи ҳисобга оловчи счёtnинг бошланғич қолдиги йўқ бўлади, демак, хеч нарса ёзилмайди. Ҳисбот даври ичida счёtlарнинг дебет ва кредит томон-ларига хўжалик операциялари ёзиб борилади, агар маълум бир даврга охирги қолдиқни топиш зарурияти туғилса, уларнинг дебет ва кредит томонлари жамланади. Ҳисбот даврида содир бўлган хўжалик опе-рацияларининг суммасини ҳисобга олган счёtlарнинг дебет томони-даги жами «Дебет бўйича оборот», кредит томонидаги жами «Кредит бўйича оборот», умуман счёtlар бўйича жами эса «Оборотлар» деб аталади. Мана шу дебет ва кредит бўйича оборотларни ҳамда бошланғич қолдиқни алгебрик кўшиш натижасида топилган кўрсаткич охирги қолдиқ деб аталади.

Айрим пайларда охирги қолдиқ бўлмаслиги мумкин. Бу ҳол счёtlарнинг дебет ва кредит томонлари кўрсаткичлари бир-бирига тенг келиб қолганда содир бўлади.

Юқорида айтилганидек, бухгалтерия ҳисоби счёtlарига бошланғич маълумотлар бухгалтерия балансидан олинади. Баланснинг эса актив ва пассив қисмлари бор. Демак, баланснинг актив ва пассив

қисмларга бўлинишига мос ҳолда бухгалтерия счёtlари ҳам **актив ва пассив** счёtlарга бўлинадн. Актив ва пассив счёtlардан ташқари актив-пассив счёtlар ҳам бор. Бундай счёtlар бир вақтнинг ўзида ҳам актив, ҳам пассив счёtlар вазифасини бажаради. Бунга «Ҳар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар», «Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар», «Ҳаридор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар», «Фойда ва заарлар» ва бошқа счёtlар мисол бўла олиши мумкин. Актив-пассив счёtlарнинг маълумотлари бухгалтерия балансининг ҳам актив қисмида, ҳам пассив қисмида акс эттирилиши мумкин. Уларга тегишли бўлган ҳисбот даврининг охиридаги қолдиқ суммалар аналитик счёtlардан алоҳида-алоҳида аникланиб, счёtnинг дебетли қолдиқ суммаси баланснинг актив қисмида, кредитли қолдиқ суммаси эса пассив қисмида акс эттирилади. Агар корхона ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳисбот даврини фойда билан тугатса, фойда суммаси баланснинг пассив қисмидаги «Ҳисбот йилининг фойдаси» деган моддада кўрсатилади. Агар хўжалик ўз фаолияти натижасида ҳисбот даврини зарар билан тугатса, зарар суммаси баланснинг актив қисмидаги «Ҳисбот йилининг заарлари» моддасида кўрсатилади.

Актив счёtlарда хўжалик маблағлари акс эттирилса, пассив счёtlарда эса уларнинг манбалари акс эттирилади. Актив ва пассив счёtlарда дебет ва кредитлар ҳар хил мазмунга эга бўлади. Дарҳақиқат, актив счёtlарнинг дебетида хўжалик маблағларининг кўпайишига олиб келувчи хўжалик операциялари кўрсатилса, кредитида уларнинг камайишига олиб келувчи операциялар кўрсатилади. Пассив счёtlарда эса актив счёtlардагининг акси бўлади. Пассив счёtlарнинг кредитида хўжалик маблағлари ташкил топиш манбаларининг кўпайишига олиб келувчи хўжалик операциялари ўз аксини топса, дебетида уларнинг камайишига олиб келувчи операциялар акс эттирилади. Актив счёtlарда қолдиқ ҳар доим унинг дебетида (дебетли қолдиқ) бўлса, пассив счёtlарда унинг кредитида (кредитли Колдиқ) бўлади.

Хўжалик маблағлари ва жараёнларини акс эттириб, уларни маълум хусусиятларига караб гурухлаштирувчи счёtlар *актив счетлар* деб аталади. Хўжалих маблағларининг ташкил топиш манбаларини акс эттириб, уларни маълум иқтисодий мазмунига қўра гурухлаштирувчи счёtlар *пассив счёtlар* деб аталади. Хўжалик маблағларини ва уларнинг манбаларини бир вақтда маълум бир системага солиб акс эттирувчи счёtlар *актив-пассив счёtlар* деб аталади.

Куйида хўжалик маблағларини ҳисобга оловчи актив счёtlарнинг шартли нархи берилади:

Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини ҳисобга оловчи пассив счёtlарнинг шартли нархи қуйидагича бўлади:

Келтирилган шартли тасвиirlарда счёtlарга ёзиш тартиби келтирилган бўлиб, барча хўжалик операциялари иқтисодий мазмунига мувофиқ тизимга солиниб, бухгалтерия ҳисоби счёtlарига шу шартли нархларда ифода қилинганидек ёзиб борилади.

Нархдан кўриниб турибди, бошланғич ва охирги қолдиқлар актив счёtlарнинг фақат дебет томонида бўлади, пассив счёtlарнинг эса фақат кредит томонида бўлади; актив-пассив счёtlарда эса буларга қарама-қарши ўлароқ, ҳам дебет, ҳам кредит томонларида қолдиқ қолиши мумкин. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, айрим счёtlарда умуман қолдиқ қолмаслиги ҳам мумкин. Актив, пассив ва актив-пассив счёtlарнинг ҳаммасига суммалар бошланғич қолдиқ сифатида балансдан олинади.

Актив счёtlарнинг дебетига тегишли бошланғич қолдиқ баланснинг актив қисмидаги моддаларнинг маълумотлариغا асосан ёзилади. Пассив счёtlарга тегишли қолдиқ бу счёtlар кредитида кўрсатилиб, улар баланснинг пассив қисмидаги моддаларнинг маълумотлариغا асосан очилади. Агарда счёtlарда бошланғич қолдиқ бўлмаса, у ҳолда аввал уларнинг кўпайишига олиб келувчи операциялар акс эттирилиб, кейин камайишига олиб келувчи операциялар ёзилиши мумкин.

Актив счёtlарда бошланғич қолдиқ бўлмаса, у ҳолда энг аввал дебетда акс эттириладиган операция ёзилиши керак. Пассив счёtlарда эса аксинча, агарда ҳисбот даврининг бошида бу счёtlарда қолдиқ бўлмаса, у ҳолда энг аввал счёtlардаги маълумотларнинг кўпа-йишига олиб келувчи хўжалик операциялари унинг кредитида акс эттирилиб, сўнgra дебетига ёзиладиган хўжалик операциялари акс эттирилади. Буни «касса» деб аталувчи актив счёtlар мисолида қуйи-дагича тасвиirlаш мумкин. Фараз қилайлик, ойнинг бошида кассада 100 сўм пул бўлган.

*Биринчи операция.* Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш учун корхонанинг банқдаги ҳисоб-китоб счётидан 35000 сўм нақд пул корхона кассасига олинди.

*Иккинчи операция.* Корхонанинг кассасидан ишчи ва хизматчиларга 28 500 сўмлик иш ҳақи берилди.

*Учинчи операция.* Ҳисобдор шахсларга корхона кассасидан 4 500

сўмлик бўнак берилди.

*Тўртинчи операция.* Ҳисобдор шахслар томонидан фойдаланилмаган 300 сўм нақд пул кассага қайтариб топширилди.

*Бешинчи операция.* Корхонанинг банқдаги ҳисоб-китоб счётига ишчи ва хизматчилар томонидан ўз вақтида олинмаган 2 350 сўм иш ҳақи суммаси қайтариб топширилди.

Бу хўжалик операциялари «касса» счётига ёзилади, содир бўлган операцияларнинг дебет ва кредит обороти ҳисобланади ва ойнинг охирида қолган қолдиги аниқланади.

Энди «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» деб аталувчи пассив счёт мисолида қандай операциялар унинг дебетида ва қайсилари кредитида акс эттирилиши ҳамда қандай қилиб ойнинг охирида қолдиқнинг аниқланиши тасвирланади. Фараз қиласайлик, ойнинг бошида «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» счётининг кредитида 450 000 сўм қолдик бўлган.

*Биринчи операция.* Ҳисоб-китоб ведомостига кўра ишчи ва хизматчиларга 76 800 сўм иш ҳақи ҳисобланди.

*Иккинчи операция.* Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варакаларига асосан ишчи ва хизматчиларга 24 000 сўм нафақа ҳисобланди.

*Учинчи операция.* Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақидан 10500 сўм даромад солиғи ушланди.

*Тўртинчи операция.* Ишчи ва хизматчиларга корхона кассасидан 120400 сўм иш ҳақи тўланди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, актив счёtlардаги бошланғич қолдик унинг дебетида акс эттирилиб, маблағларнинг ой ичидаги кирим қилинишин счёtnинг дебет томонига ёзилди, кредит томонида эса ой давомида харажат қилинган маблағлар акс эттирилди. Актив счёtlар (жумладан «Касса» счёti) бўйича охирги қолдик дебет томонидаги ойнинг бошидаги қолдиққа шу томондаги дебет оборот суммани қўшиб кредит томондаги кредит обороти суммасини айриб ташлаш йўли билан топилди. Бинобарин, пассив счёtlардаги бошланғич қолдик унинг кредит томонида ёзилиб, маблағлар манбайнинг ой ичидаги кўпайиши счёtnинг кредит томонида акс эттирилади. Дебет томонида маблағлар манбай суммасининг ой давомидаги камайиши кўрсатилади.

Пассив счёtlар (жумладан «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» счёti) бўйича охирги қолдик эса кредит томонидаги ойнинг бошидаги қолдиққа шу ойнинг ичидаги содир бўлган кредит томондаги

кредит оборот суммасини қўшиб, дебет томондаги дебет оборот суммани айириб ташлаш йўли билан аниқланади.

Бухгалтерия ҳисоби счёtlариннг охирги қолдиқлариiga асосланиб бухгалтерия баланси тузилади. Демак, счёtlар тизими ёрдамида хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари, шунингдек хўжалик жараёнларида маълум давр ичида содир бўлган хўжалик операциялари жорий ҳисобга олиб борилади. Бухгалтерия баланснда эса шу счёtlар жорий ҳисобга олган маълумотлар маълум бир санага гурухлаштирилиб умумлаштирилади. Кўриниб турибдики, счёtlар тизими билан баланс ўртасида алоқа мавжуд. Бу алоқа шундан иборатки, маълум санага тузилган баланс маълумотлариiga асосланиб счёtlар очилади; бир вақтда баланснинг актив томонидаги моддалар учун актив счёtlар, пассив томонидаги моддалар учун пассив счёtlар очилади, шунингдек, актив-пассив томонидаги моддаларни қамраб олувчи актив-пассив счёtlар ҳам очилади. Бу счёtlарнинг тегишли томонлариiga баланс моддаларидан суммалар бошланғич қолдиқ сифатида ёзилади. Ҳисобот давридан кейин бўладиган хўжалик операцияларидан ажralиб туриши учун қолдиқларнинг тагига чизиб қўйилади.

(Ой, чорак, йил) ўтгандан кейин счёtlарда охирги қолдиқ топилади ва шу маълумотга асосланиб яна бухгалтерия баланси тузилади. Бунда шу нарсани эътиборга олиш керакки, баланснинг актив томони моддаларнинг суммаси актив счёtlарга, пассив томонидаги моддаларнинг суммаси пассив счёtlарга ёзилади ва натижада қуйидаги ҳолат вужудга келади:

Шуни эсда тутиш керакки, баъзи бир счёtlарнинг номлари уларнинг қолдигини акс эттирувчи баланс моддаларининг номлариiga тўғри келмайди. Масалан, «Асосий ишлаб чиқариш» ва «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёtlарининг дебет қисмидаги қолдиқ суммалари баланснинг «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» моддасида қўрсатилади, чунки бу счёtlарнинг дебет қисмida қолган сумма ишлаб чиқаришдаги тугалланмаган жараённинг қолдигини акс эттиради. «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» счёtinинг кредит қисмидаги қолдиқ суммаси баланснинг «Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» моддасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашга доир» кичик моддаси сифатида киритилади, чунки «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» счёtinинг кредит қисмидаги қолган сумма корхона томонидан ишчи ва хизматчиларга тўланмаган иш ҳаки суммасини қўрсатади.

Баъзи счёtlарнинг маълумотлари баланснинг актив ва пассив

томонларида акс эттирилади. «Фойда ва заарлар» счётининг суммаси баланснинг пассивида «Ҳисобот йилининг фойдаси» деган моддада, активида эса «Ҳисобот йилининг заарлари» деган моддада кўрсатилади. Айрим ҳолларда балансдаги бир неча моддаларда акс эттириладиган суммалар йифиндиси бир счётда қолдиқ сифатида кўрсатилади.

Айрим пайтларда битта счёт маълумотлари балансда бир неча моддаларда берилиши мумкин ва ҳоказо.

Бухгалтерия ҳисоби счёtlарида хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари, шунингдек, хўжалик жараёнларини тўғри ҳисобга олиб бориши ўз вақтида назорат қилиб бориш учун уларнинг ўзгаришини акс эттирадиган ҳар бир хўжалик операцияси бир вақтда иккита счёtnинг қарама-қарши томонига ёзилади. Бу нарса шунинг учун зарурки, бухгалтерия балансининг актив томонидаги моддаларни ҳисобга оловчи актив счёtlарда хўжалик маблағларининг ҳолати, жойланиши олиб борилсада, уларнинг хўжалик операциялари таъсирида биридан иккинчисига ўтганлигини битта счёtnи дебетлаш ёки кредитлаш билан исботлаб бўлмайди. Масалан, «Материаллар» счётидаги материаллардан бир қисми «Асосий ишлаб чиқариш» счётига ўtkазилган бўлса, у ҳолда бир вақтда “Материаллар” счётидаги материалларнинг камайганлигини ва «Асосий ишлаб чиқариш» счётида харажатларнинг кўпайганлигини акс эттириш талаб қилинади.

Дарҳақиқат, бухгалтерия балансининг пассив томонидаги моддаларни ҳисобга оловчи пассив счёtlарда хўжалик маблағларнинг пайдо бўлиш манбаи олиб борилсада, уларнинг хўжалик операциялари таъсири остида биридан иккинчисига ўтганлигини ҳам бир вақтда иккита счётда акс эттириш талаб қилинади. Масалан, ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақидан даромад солиғи ушланса, у ҳолда бу хўжалик операцияси бир вақтда «Бюджет билан ҳисобкитоблар» счётида корхонанинг бюджетга бўлган қарзининг кўпайганлигини ва «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисобкитоблар» счёtnда ходимлар оладиган ҳақнинг камайганлигини исботловчи ёзув билан расмийлаштирилади.

Айрим ҳолларда шундай бўлиши мумкинки, бу пайтда баланснинг актив томонидаги моддаларни ҳисобга оловчи актив счёtlар билан баланснинг пассив томонидаги моддаларни ҳисобга оловчи пассив счёtlар хўжалик операцияси таъсирида алоқа қилиши мумкин. Бундай операциялар таъсирида бир вақтда актив ва пассив

счёtlарда кўпайиш ёки камайиш бўлганлигини акс эттириш талаб килинади. Масалан, корхонага мол етказиб берувчилардан акцептланган счёtlов талабномаснга мувофиқ материал келтирилган бўлса, бу операция хўжалк маблағларини ҳисобга олиб борувчи актив счёт «Материаллар» счётининг кўпайиш томонига ва хўжалик маблағларининг манбанини ҳисобга олувчи пассив счёт «Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» счётининг ҳам кўпайиш томонига ёзиш талаб килинади. Чунки бу ёзув бир вақтда материалларнинг келиши натижасида корхонанинг моддий қийматликлар заҳираси кўпайганлигини ва акцепт бўлганлиги учун бошқа мол етказиб берувчи ташкилот олдида унинг қарздор эканини кўрсатиб турмоғи керак. Шунингдек, агар шу келтирилган моддий қийматлик учун корхона банкдаги ҳисоб-китоб счётидан акцептланган қарз суммасини қайтариб тўласа, у ҳолда бу хўжалик операцияси бир вақтда баланснинг икки томонида ҳам камайиш томонига ўзгаришга олиб келади, яъни унинг актив томонидаги «Ҳисоб-китоб счёти» моддасида пул маблағи суммасининг камайишига ва пассив томонидаги «Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» моддасининг «доромат ва харажатлар учун» деган кичик моддасидаги акцептланган қарз суммасининг камайишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар қандай хўжалик операцияси натижасида маблағ ёки унинг манбаида бир хил суммада ўзгариш содир бўлади. Бундай хўжалик операцияларининг ҳаммаси ҳам счёtlарга иккиёқлама ёзиш деб номланган усул ёрдамида акс эттирилади. Демак, ҳар бир хўжалик операцияси ҳисобнинг иккита обьектини ҳисобга олувчи ўзаро боғлиқ счёtlарда ёзилади, бу нарса корхонанинг хўжалик фаолиятида маблағлар ва уларнинг манбаларининг, шунингдек хўжалик жараёни устидан назорат ўрнатиш имконини беради. Шу билан бирга, бу ёзув хўжалик маблағларининг икки томонлама гурухланишига асослангандир.

Бухгалтерия ҳисобида иккиёқлама ёзишнинг моҳияти шундаки, ҳар бир хўжалик операцияси у қандай турдаги баланс ўзгаришига олиб келишидан қатъи назар, бир вақтда ва ўзаро алоқадор ҳолда бир хил суммада бир счёtnинг дебет томонида ва иккинчи счёtnинг кредит томонида акс эттирилади. *Бинобарин, иккиёқлама ёзиш деб хўжалик операциялари таъсирида вужудга келадиган иқтисодий ҳодисаларни счёtlар тизими воситаса билан ўзаро алоқадор ҳолда акс эттириши усулига айтилади.*

Бухгалтерия ҳисобида иккиёқлама ёзиш усули хўжалик маблағларининг таркиби ва уларнинг пайдо бўлиш манбаидаги ўзгаришга олиб келадиган хўжалик операцияларининг счёtlарда тўғри акс эттирилиши ҳамда ёзувларнинг тўғри амалга оширилаётганлиги устидан бир ваҳтда назорат қилиб бориш лмконини беради. Бухгалтерия ҳисоби иккиёқлама ёзиш усулининг моҳиятини тушунтириш учун қуидаги мисоллар келтирилади.

*Биринчи операция.* Ишчи ва хизматчиларга иш хақи тўлаш учун корхонанинг банқдаги ҳисоб-китоб счётидан кассага 117800 сўм нақд пул олинди. Бу хўжалик операцияси натижасида кассада пул маблағи кўпайиб, банқдаги ҳисоб-китоб счётида пул маблағининг қолдиги камаяди. Иккала счёт ҳам баланснинг актив томонида, яъни активдир. Демак, бу операция натижасида счёtlарнинг ўзаро қуидаги боғланиши содир бўлади:

*Иккинчи операция.* Банқдан корхонанинг хўжалик эҳтиёжлари учун 8 500 сўмлик қисқа муддатли ссуда олиниб, корхонанинг ҳисоб-китоб счётига ўтказилди. Бу хўжалик операцияси таъсирида корхонанинг пул маблағи суммаси кўпайиб, шунга боғлиқ ҳолда банк олдида қарз суммаси ҳам кўпайди. Демак, бу операцияга «Ҳисоб-китоб счёти» счёти дебетланиб, «Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари» счёти кредитланади. Бу операция таъсиридаги боғланиш қуидагича акс эттирилади:

*Учинчи операция.* Ишчи ва хизматчиларга корхона кассасидан 117500 сўм иш хақи берилди. Бу операция корхонанинг пул маблағи қолдигини камайтириб, шунга мос ҳолда корхонанинг ишчи ва хизматчиларга иш хақи юзасидан қарз суммасини ҳам камайтириди. Натижада актив «Касса» счёти кредитланиб, пассив — «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти дебетланади. Бу операция орқали счёtlарнинг боғланиши қуидагича акс эттирилади:

*Тўртинчи операция.* Мол етказиб берувчи ташкилотдан 37064 сўм 60 тийинлик хом ашё ва материаллар (шундан прокат 100 тонна, ҳар бир тоннаси 340 сўмдан — 34000 сўм; сим 1 000 метр, ҳар бир метри 50 тийиндан — 500 сўм; мотор 2 дона, ҳар бир донаси 969 сўм 80 тийиндан — 1 939 сўм 60 тийин; яшиклар 50 дона, ҳар бир донаси 12 сўм 50 тийиндан—625 сўм) акцепт қилинган счёт-фактурасига мувофиқ корхонанинг таъминот бўлими омборига қабул қилинди. Корхона материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш ҳисобини «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» ва «Материаллар

қийматидаги фарқ» деган счёtlарни қўлламасдан олиб боради деб қабул қиласиз. Бу хўжалик операцияси натижасида таъминот бўлими омборида материаллар қолдиги кўпайиб, бир вақтнинг ўзида корхонанинг материал билан таъминловчи ташкилот олдидағи қарз суммаси ҳам кўпаяди. Бу операция счёtlарда қўйидагича акс эттирилади:

*Бешинчи операция.* Ўз вақтида корхона кассасидан олинмай қолган 300 сўмлик иш ҳақи суммаси депонентга ўтказилди. Чунки ҳисоб-китоб тўлов ведомостлари ўз вақтида бухгалтерияга топширилиши шарт. Бу хўжалик операцияси натижасида тўланмай қолган иш ҳақи суммасига корхонанинг қарзи сақланиб қолади. Лекин қарз баланснинг пассив томонидаги бир моддадан иккинчисига ўтказиб қўйилади. Шунга кўра пассив счёtl «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» счётида камайиш бўлаётганлиги учун дебетланиб, бир вақтнинг ўзида пассив счёtl «Ҳар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счётида кўпайиш бўлаётганлиги учун кредитланади. Бу ўзаро боғланиш ҳолида қўйидагича акс эттирилади:

*Олтинчи операция.* Кассир ишчи ва хизматчиларга берилмаган 300 сўмлик иш ҳақи суммасини корхонанинг банкдаги ҳисоб-китоб счётига трпширди. Бу хўжалик операцияси кассадаги нақд пул қолдигини камайтиради ва ҳисоб-китоб счётидаги суммани кўпайтиради. Натижада баланснинг актив томонидаги актив —«Касса» счёти кредитланиб, актив —«Ҳисоб-китоб счёти» счёти дебетланади. Бу операциянинг боғланиши қўйидагича акс эттирилади:

*Етминчи операция.* Корхонанинг ижтимоий суғуртага доир қарзидан 2 360 сўм корхонанинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидан ўтказиб берилди. Бу операция натижасида корхонанинг актив счёти бўлган «Ҳисоб-китоб счёти» счётида қолдиқ пул маблағи камайтирилиб, худди шу суммага ижтимоий суғурта органига корхонанинг қарз суммасини ҳисобга олувчи пассив счёtl —«Ижтимоий суғурта ва таъминотга доир ҳисоб-китоблар» счётида ҳам қарз суммасида камайиш содир бўлади. Бу операцияда счёtlарнинг ўзаро боғланиши қўйидагича акс эттирилади:

*Саккизинчи операция.* Мол етказиб берувчи ташкилотдан аввал акцепт бўйича келтирилган 113360 сўмлик асосий материалларнинг қиймати корхонанинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидан тўланди. Бу операция корхонанинг пул маблағи сақланадиган актив — «Ҳисоб-китоб счёти» счётида пул қолдиғининг камайишига, шу билан бирга

мол етказиб берувчи ташкилотлардан бўлган корхонанинг қарзини ҳисобга олувчи пассив —«Мол етказиб бсрувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» счётида акс эттирилиб, қарз суммасининг камайишига олиб келади. Бу операция счёtlарнинг ўзаро боғланишида қуйидагича акс эттирилади:

*Тўққизинчи операция.* Ишлаб чиқаришда қатнашган ишчиларга 22 500 сўм иш ҳақи ҳисобланди. Ишлаб чиқариш жараёнида ишчилар маҳсулот ишлаб чиқарганликлари учун иш ҳақи олади. Маҳсулот тайёрлаш бўйича харажатлар ортди, шу билан бирга, худди шу суммага корхонанинг ишчиларга иш ҳақи юзасидан қарзи ҳам ошди. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга оладиган счёт — «Асосий ишлаб чиқариш» счёти актив бўлиб, харажатларнинг кўпайиши унинг дебет томонида ёзилади, шунингдек, ишчиларга бўлган корхонанинг қарз суммасига «Ходимлар билан меҳнатга хақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» номли пассив счёт кредитланиб, кўпайтирилади.

Бу операция счёtlарнинг ўзаро алоқасида қуйидагича кўрсатилади:

*Ўнинчи операция.* Корхона экспедиторига ҳар хил хўжалик моллари сотиб олиш учун кассадан 50 сўм нақд пул берилди. Бу операция таъсирида экспедиторнинг ҳисобига пул ўтказилишини, шунингдек, корхона кассасида нақд пул қолдиғи камайишини кўрсатиш талаб қилинади. Кассада нақд пул камайишини акс эттириш учун актив «касса» счёти кредитланади, шунинг билан бирга экспедиторнинг ҳисоби актив «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» счётида олиб борилишини ҳисобга олиб, олинган қарз сумма учун уни дебетлаб, кўпайиши акс эттириб қўйилади.

Бу операция счёtlарда қуйидагича акс эттирилади:

*Ўн биринчи операция.* Маҳсулот ишлаб чиқариш учун асосий ишлаб чиқаришга 118623 сўмлик хом ашё ва материаллар (шундан прокат 200 тонна, ҳар бир тоннаси 340 сўмдан, жами 68000 сўм; труба 100 тонна, ҳар бир тоннаси 400 сўмдан, жами 40 000 сўм; мотор 10 дона, ҳар бир донаси 969 сўм 80 тийиндан, жами 9698 сўм; радиатор 10 дона, ҳар бир донаси 30 сўмдан, жами 300 сўм; яшик 50 дона, ҳар бир донаси 12 сўм 50 тийиндан, жами 625 сўм) сарфланди. Бу операцияда маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг кўпа-йишини, шу билан бирга материаллар заҳирасининг камайганлигини акс эттириш зарурдир.

Ишлаб чиқариш жараёнида харажатларнинг кўпайишини баланснинг актив томонидаги «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг

дебетида, материаллар заҳирасининг камайишини эса «Материаллар» счётининг кредитида кўрсатиш лозим. Шунга кўра счётларнинг ўзаро боғланиши қуидагича тасвиранади:

*Ўн иккинчи операция.* Асосий ишлаб чиқаришдан 400 000 сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди ва омборга қабул қилинди. Бу операцияда омбордаги тайёр маҳсулот ҳажми кўпаяди ва ишлаб чиқаришдаги тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми камаяди. Корхонада «Чиқарилган маҳсулот (иш, ва хизмат)» счёти қўлланилмайди деб қабул қиласиз. Бунда «Тайёр маҳсулот» счётидаги сумма кўпайиб «Асосий ишлаб чиқариш» счётидаги сумма камаяди. Иккала счёт ҳам баланснинг актив томонида ёки актив счётлардир. Шунинг учун ҳам «Тайёр-маҳсулот» счёти дебетланиши ва «Асосин ишлаб чиқариш» счёти кредитланиши керак. Бу операцияда счётлар ўзаро қуидагича боғланади:

Бизнинг мисолимизда хўжалик операцияларига доир счётларнинг бир-бирлари билан ўзаро алоқасини тузища икки ёклама ёзиш усулидан фойдаланилди. Шуни ҳам эсда тутмоқ керакки, иккиёклама ёзиш усулига хўжалик операцияларини акс эттириш техникаси сифатида қараш ярамайди. Чунки буни хўжалик маблағларининг даврий айланиши давомида икки-ёклама ўзгаришлар содир бўладиган объектив хусусиятлар шарт қилиб қўйган.

Юқорида келтирилган счётларнинг шартли нархдаги ёзувларни умумлаштириш учун актив ва пассив синтетик счётлар очиб, уларга маълум бўлган бошланғич колдиқ суммалари ёзилади ва келтирилган 12 та хўжалик операцияси счётларга тарқатилади. Шундан сўнг синтетик счётлардаги дебет ва кредит оборотлар ҳисобланади ва охирги колдиқ топилади.

Актив счётларнинг охирги қолдиғини топиш учун актив счётнинг шу ҳисобот даври бошидаги қолдиғига дебетдаги оборот суммаси қўшилади ва кредитдаги оборот суммаси айриб ташланади. Топилган сумма счётнинг дебетига ёзилади. Пассив счётларнинг охирги қолдиғини топиш учун пассив счётдаги шу ҳисобот даври бошидаги қолдиғига кредитлн оборот суммаси қўшилади ва дебетдаги оборот суммаси айриб ташланади. Топилган сумма пассив счётнинг кредитига ёзилади. Қуида актив ва пассив счётлардаги охирги қолдиқни топиш нархлари келтирилган.

Иккиёклама ёзиш усулига кўра хўжалик маблағларининг таркиби ва уларнинг манбаларидаги ўзгаришларни кўрсатувчи маълум хўжалик операцияларини акс эттириш учун у ёки бу

*бухгалтерия счёлари ўзаро бир-бирлари билан боғланади. Ўзаро бир-бирлари билан боғланышда қатнашувчи счёлар корреспонденцияланувчи счёлар деб аталади. Счёлар корреспонденциясини акс эттирувчи қискача ёзув бухгалтерия проводкаси деб аталади.*

Бухгалтерия проводкалари оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий бухгалтерия проводкасида икки бухгалтерия счёти қатнашиб, унинг бири дебетланса, иккинчиси кредитланади. Мураккаб бухгалтерия проводкаларида бир неча бухгалтерия счёлари қатнашиб, уларнинг бири дебетланса, қолган бир нечтаси кредитланади ёки бири кредитланиб, қолган бир нечтаси дебетланиши мумкин.

Буни мисолларда кўрамиз. Масалан, корхонанинг банқдаги ҳисоб-китоб счётидан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш учун кассага 20400 сўм накд пул олинди. Бу хўжалик операциясига қўйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Юқорида тузилган счёларнинг ўзаро бир-бирлари билан боғланниши оддий бухгалтерия проводкаси ҳисобланади, чунки бу счёлар корреспонденциясида фақат иккита бухгалтерия счёти қатнашиб, бири дебетланса, иккинчиси кредитланди.

Бошқа бир мисол. Наряд ва табелларга асосан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳисобланди:

Келтирнлган бухгалтерия проводкаси мураккаб бўлиб, унда тўртта бухгалтсрия счёлари дебетланнб, «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти кредитланган.

Бухгалтерия ҳисобида бир неча счёлар дебетланиб, бир неча счёлар кредитланадиган бухгалтерия проводкаси тузилмайди. Чунки бундан проводкалар бухгалтерия ишларини юритишни қийилиштиради ва ҳисобда чалкашлик содир бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай бухгалтерия проводкасидан фойдаланилганда счёлар ўртасидаги ўзаро бир-бирлари билан бўлган алоқани аниқлаш қийинлашади.

Бухгалтерия ҳисоби счёларида хўжалик операцияларинн акс эттиришнинг яна бир тартиби, уларни бухгалтерия счёларида акс эттирганда **манфий сонлардан фойдаланишдир**. Манфий сонлар тегишли счёларда аввал акс эттирилган хўжалик операцияларининг суммасини камайтириш учун қўлланилади. Бунинг афзалликлари шундан иборатки, шу давргача тузилган бухгалтерия проводкаларида қўрсатилган хўжалик операцияларининг суммаси, зарурат туғилган тақдирда, аввалги тузилган счёлар корреспонденциясининг

тескарисини тузмасдан тегншли счёtlарда акс эттирилган хўжалик операцияларининг суммаси камайтирилади, холос.

Манфий сонлар бухгалтерия ҳисоби тизимида шартли миқдорларни, яъни режа таннархини ёки нотўғри ёзувларни тузатиш учун ишлатилади. Манфий сондан фойдаланишни мисоллар билан кўрсатамиз. Масалан, ҳисобот даври давомида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот омборга қабул қилинган ҳар донаси режали таннархда 100 сўмдан баҳоланганди. Ҳисобот даврининг охирида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ҳисобланди ва унинг ишлаб чиқариш таннархи 90 сўм эканлиги аниқланди. Бинобарин, ҳисобот даври давомида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот омборга 10 сўмдан қимматга қабул қилинган экан. Эндиликда буни тўғрилаш керак. Агар бунда дебет «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ва кредит «Тайёр маҳсулот» счёти деган бухгалтерия проводкаси тузилса, омборга қабул қилинган тайёр маҳсулот 90 сўмдан ҳабул қилингандай бўлиб қолади, лекин ўзаро бир-бирлари билан боғланишда қатнашган бухгалтерия счёtlари оборотини кўрсатувчи суммалар нотўғри кўрсаткичлар беради ва натижада бу счёtlарнинг маълумотлари асосида аниқланган хўжалик фаолиятининг кўрсаткичлари нотўғри маъно беради. Бу кўрсаткичларнинг нотўғрилиги корхонанинг хўжалик фаолияти ҳақида нотўғри хulosага олиб келади. Бунинг учун. бундай бухгалтерия счёtlарининг ўзаро бир-бирлари билан боғланиши тузилмайди ва бунинг ўрнига аввалгидек бухгалтерия проводкаси тузилади ва фақат суммаси манфий сон билан кўрсатилади. Бухгалтерия ёзувларининг бундай тартиби счёtlарда иқтисодий жиҳатдан оборотларнинг тўғри суммасини саклаб қолишида катта аҳамиятга эгадир.

Қайси турдаги хўжалик операциялари бўлмасин, уларни счёtlар тизимида тўғри ёзиш учун айрим масалаларга қатъий амал қилиш талаб қилинади. Жумладан, бухгалтерия балансининг актив томонида кўрсатиладиган хўжалик маблағларининг таркиби ва жойланишини, шунингдек, шу маблағларнинг келиб чиқиш манбанини ва қайси мақсадга мўлжалланганлигини, дарҳақиқат, ҳаммасининг хўжалик жараёнидаги иқтисодий моҳиятини билиш зарурдир. Ҳар қандай хўжалик операциясининг актив счёtlарда, пассив счёtlарда ва бир вақтнинг ўзида ҳам актив, ҳам пассив счёtlарда ўзгаришга олиб келишининг иқтисодий мазмунини тўғри тушуниб олиш зарур. Ҳисобга олиш объектларини тўғри аниқлаб олиш керак. Актив счёtlарнинг, пассив счёtlарнинг, актив пассив счёtlарнинг моҳиятларини, уларнинг томонларидан қандай мақсадларда

фойдаланишни билиш зарурдир. Хўжалик операциялари таъсирида ўзаро боғланаётган счёtlарнинг актив, пассив ва актив-пассивлигини билиб олиш зарурдир. Ниҳоят, икки ёқлама ёзиш усулининг иқтисодий зарурлигини ва моҳиятини ҳам тўла билиб олиш керакки, буларнинг ҳаммаси бухгалтерия ҳисобида хатоликларни йўқотади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, икки ёқлама ёзиш усули бухгалтерия ҳисобининг муҳим усули сифатида бухгалтерия баланси ва счёtlар тизими билан чамбарчас боғликдир. Чунки хўжалик операцияларини икки ёқлаиа ёзганда счёtlар тизимидан фойдаланилади. Счёtlар тизимига эса бошланғич маълумотлар бухгалтерия балансидан олинади. Демак, икки ёқлама ёзиш усули бухгалтерия балансидаги тенгликни счёtlар тизими ёрдамида ҳамма вақт таъминлаб туради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, *бухгалтерия счёtlарининг ҳар қайсисида иқтисодий'жихатдан бир хил бўлган маълум хўжалик операциялари акс эттирилади*. Демак, хўжалик операциялари бухгалтерия счёtlарида систематик ёзув олиб бориш йўли билан гурухластирилади. Бухгалтерия ҳисобида систематик ёзувдан ташқари хўжалик операциялари содир бўлиши билан унинг иқтисодий мазмунидан қатъи назар маҳсус журналда кетма-кет қайд қилинади ва уни бухгалтерия ҳисобида рўйхатга олиш журнали деб юритилади. *Хўжалик операцияларини уларнинг иқтисодий мазмунидан қатъи назар кетма-кет қайд қилинишига хронологик ёзув деб аталади*.

Бухгалтерия ҳисобини соддалаштириш ва бир суммани бир неча марта ёзишни камайтириш мақсадида хозирги вақтда хронологик ва систематик ёзувларни корхоналарда бирга қўшиб олиб бориш кенг амалга оширилмоқда. Бундай бирга қўшиб олиб бориш бухгалтерия ҳисоби шаклларида, айниқса унинг журнал-ордер шаклида кенг қўлланилади. Шунинг билан бирга қўргина корхоналарда хронологик ёзув журналда олиб борилмайди.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент. 2003 й.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” –Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
3. И.А.Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари”. –Т.: Ўзбекистон, 2002 й.

4. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005й.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т.; 2004 й.
6. Каюмов У.К. Суд бухгалтерияси экспертизаси Т. 1993 й.
7. Дўстмуротов Р. Асосий воситалар аудитини ташкил этиш, Иқтисод ва ҳисобот. 1998 й №7
8. Каюмов У.К. Суд бухгалтерияси экспертизаси Т. 1993 й.
9. Махбубов М.М. Жумамуратов.Ш. Дастребаки терговда ҳужжатли ревизия ва суд бухгалтерияси экспертизаси. Ўқув қўлланма. Т. 1989й .
10. Ҳамдамов Б. Аудит ҳимояси ва услубият. Иқтисод ва ҳисобот. 1998й.
11. Холбеков Д. Бухгалтерлик - фахрли касб. Иқтисод ва сиёсат, 1996й, №8
12. А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоқулов "Бухгалтерия ҳиоби", Т., 2004 й.
13. Б.Ҳошимов "Бухгалтерия ҳисоби назарияси", Т.2004 й.

## **Тафтиш тайинлаш ва уни ўтказиш тактикаси**

Кўпчилик яширинча ўзлаштиришлар бухгалтерия ҳисобларини сохталаштириш билан боғлик. Бундай жиноятлар маҳсус тафтиш ўтказиш йўли билангида аниқланиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоблари бўйича тафтиш ўтказиш назорат тафтиши ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи турли хил субъектларга тааълуқли. Бундай ҳуқуқбузарлик ва қўпол камчиликлар аниқланган тақдирда, буларни ҳисоблаш аппарат ходимлари, назоратни амалга оширувчи моддий жавобгар шахслар; ҳисобчи тафтишчилар қабул қилиб оладилар. Бундай ҳолатларда тезкор қидиув ходимлари ўз ваколатлари доирасида, чекланган доирада ва аниқ маълумотларга таянган ҳолда, терговнинг алоҳида шаклларидан фойдаланадилар. Бундай жиноятларни аниқлашда тезкор қидиув ходимларининг ўзлари ёки шу соҳа мутахасисларини жалб қилган ҳолда аниқ ва режали ҳаракат қилиши яхши самара беради. Агарда бухгалтерия ҳисоб ҳужжатларида бундай жиноят аломатлари аниқланган тақдирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар талабига мувофиқ кенг миқёсда тафтиш текшируви ўтказилади; тафтишчига аниқ вазифа юқлатилиб, унинг ҳаракатлари устидан назорат ўрнатилади.

Лекин юқоридаги ҳолатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўз манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, асосиз аралашуви истесно этилиб, замонавий қонунийликка кўра қатъий таъқибга олинади. Чунки бундай асосиз аралашувлар хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятига ва айниқса унинг ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсир ўтказади. Чунки режасиз амалга оширилаётган текширувлар жараёнида ходимлар ўз вазифасини тўлалигича бажариш имкониятидан маҳрум бўлади.

Ўзаро ҳисобот ҳужжатларини тафтиш қилиш тезкор қидиув ходимларидан қонунчиликда қўрсатилган иқтисодий жиноят аломатларини ҳисобот ҳужжатларида аниқ топиш ва асосли ҳужжатлар асосида тафтишни амалга ошириш талаб этилади.

Беркитилган қонунбузарликлар ҳисобот маълумотларига асосан уч шаклда ўз аксини топади:

1. Алоҳида ҳужжатлар таркибидаги номувофиқлик;
2. Бир бирига боғлик бўлган ҳужжатларнинг номувофиқлиги;
3. Қимматликларнинг оддий ҳаракат тартибидан четлатиш.

Шунга боғлик ҳолда ўрганилаётган объектлар тафтиш усулига кўра фарқланади:

- алоҳида ҳисобот ҳужжати;

- ўзида бир-бирига боғлиқ бўлган операцияларни акс эттирган бир қатор ҳужжатлар;

- ўзида бир хил қимматликларни акс эттирган ҳисоб маълумотлари.

Ҳисобот ҳужжатларини тафтиш қилиш усули **умумий ва маҳсус** қисмларга бўлинади. **Биринчиси** ҳар қандай ҳисоб маълумотларини анализ қилиш жараёнида қўлланилади. **Иккинчиси** эса аниқ ҳужжатлар гурухини ва хўжалик операцияларини текширишда қўлланилади. Умумий ва Маҳсус усулар бир-бирига боғлиқ ҳар бир маҳсус усул бирор бир умумий усулнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Умумий тафтиш усули қуйидагича таснифланади:

Алоҳида ҳисобот ҳужжатларини тафтиш қилиш усуллари.

Алоҳида ҳисобот ҳужжатларини тафтиш қилиш усули алоҳида мазмуни ёки ўзаро реквизитларини сохталашибди оқибатида келиб чиқадиган номувофиқликлар аниқланган ҳолда ўз самарасини беради.

Алоҳида ҳисобот ҳужжатларини тафтиш қилиш уч хил усулда амалга оширилади:

1. Ҳужжатларни форма шакли сифатида текшириш.
2. Арифметик усулда текшириш.
3. Меъёрий текшириш.

**Ҳужжатларни форма сифатида текшириш** ҳар бир ҳисобот ҳужжат зарур реквизитга эга эмаслигини аниқлайди. Бундай ҳолда ўрнатилган талаблар бузилган ҳужжатлар аниқланиши мумкин. Уларни бошқа усуллар ёрдамида синчковлик билан текшириб кўрилади, зарур ҳолларда криминал экспертизага жўнатилади.

**Арифметик усулда текширишда** тафтишчи ҳужжатларни горизонтал ҳамда вертикал ҳолатда провард кўрсаткичларини текширади.

**Меъёрий усулда текширишда** ҳужжатлар қандай хуқуқий норма асосида тузилган эканлиги текшириб чиқилади.

**Камомад ва талон-тарожларга** йўл қўйилган ҳолларда тергов органлари тафтиш ўтказишни талаб қилишади.

**Тафтиш** корхона молиявий, хўжалик фаолиятини текшириш оқибатида жиноят иши бўйича далиллар тўплаш усули ҳисобланади. Тафтиш ёрдамида ҳисоб ёзувларидағи ва ҳужжатлардаги қалбаки фактлар ва уларнинг айбдор шахслари аниқланади.

Жиноят процессуал қонунчилигига кўрсатилган далиллар ва бошқа воситалар билан ҳужжат ва ҳисоб ёзувларидағи қалбаки фактлар мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш қийин.

Тергов ва суд ходимлари режадан ташқари тафтиш қилиш учун суд бухгалтерия экспертизасини тайёрлаб олишади. Суд бухгалтерия экспертизаси тайёрланганда жиноий иш бўйича тўпланган материаллар жумладан тафтиш далолатномаларини тақдим этиш керак.

Хўжалик фаолиятини аниқ мақсадга қўра текшириш натижасидагина жиноят иши бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган фактларни топиш мумкин. Бундай мураккаб текшириш ишларини терговчи мустақил бажара олмайди. Бунинг учун бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил соҳасида чуқур билимга эга бўлган мутахасис талаб қилинади. Бундан ташқари тафтиш кўп вакт олганлиги учун далилларни ёзиб тўплаш ва текшириш фаолиятидан четга чиқишига тўғри келади. Терговчи тафтиш ўтказиш масаласини хал қилиш учун асосланган фармойиш билан юқори ташкилотга мурожаат қиласиди.

Асосий фармойиша тафтиш тури хўжалик фаолиятининг қайси бўлимларига алоҳида эътибор бериш ва қанча муддат ичида текшириш кераклиги кўрсатилади.

Миқдорий ҳисоб йўқолган корхоналарда уни тиклаш талаб қилинади. Прокуратуранинг тегишли кўрсатмасида бундай ишлар факат тергов жараёнида мавжуд фарқларга қўшиб ёзиш ёки уларни қабул қилишни қисман ҳисобга олиш ҳолларини аниқлашга зарурат туғилгандагина бажариш кераклиги тўғрисида изоҳ берилган. Терговчи қайси товарлар бўйича миқдорий ҳисобни тиклашни тафтиш топшириғида кўрсатиши керак.

Тафтишчи ва терговчи муносабатлари кўп жиҳатдан тафтиш натижаларини белгилайди. Терговчи тафтиш натижалари билан таниша бориб, дастлабки терговнинг материаллари билан тафтишчига мунтазам ахборот бориб, унинг олдига қўйилган топшириғни бажариш мақсадига йўналтириш ва корхонадаги ҳужжатларни текшириш учун ёрдам бериш мақсадга мувофиқдир. Зарурат туғилганда эса тафтишнинг бошланишида ҳужжатларни сақлашни таъминлаш учун терговчи уларни муҳрлаб қўяди.

Эксперт бухгалтер тафтишчи билан биргаликда тафтишнинг тўсатдан бошланиши учун барча объектларда бир вактда инвентаризация ўтказишни таъминлайди. Мансабдор шахслардан тушунтириш хатларини талаб қиласиди.

Тафтиш ўтказишида уни объективлигини таъминлаш, белгиланган тартиб қоидаларга риоя қилинмаслик эса содир бўлган операциялар билан танишиш учун мансабдор шахсларни жалб қилиш

яхши натижаларни беради.

Бунда текширувчиларга қуидаги имкониятлар берилади:

- ноҳақ, ғаразгўй тафтишчиларни бошқасига алмаштириш тўғрисида асосли ариза бериш;
- тафтиш ўтказилишига қатнашиш учун билдирги бериш ва зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш;
- иқтисодий жиноят ишига алоқадор бўлган вазиятларни қўшимча сўраш;
- тафтиш далолатномаси билан танишиб унга атрофлича билдиришнома ёзиш;

Тафтиш натижалари бўйича далолатнома тузилиб, унда суиистеъмол ва айбдор шахсларнинг айблари қисқа ва аниқ ёзилади, ўғрилик қай тарзда содир бўлганлиги, ҳисоб маълумотларини қандай усуллар билан текширилганлиги кўрсатилади ҳамда корхонага келтирилган моддий заарлар суммаси ҳисобланади.

Далолатнома тузилиш бўйича эксперт бухгалтер хulosасига яқин бўлиши ва дастлабки ҳужжатлар билан асосланиши керак.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент. 2003 й.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
3. И.А.Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлашириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари”. –Т.: Ўзбекистон, 2002 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т.; 2004 й.
5. У.Қайимов. Суд бухгалтерияси экспертизаси. Т.; 1993 й.
6. Б.Хошимов. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Т.; 2004 й.
7. Сотволдиев А., Иткин Ю. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. - Т.: 2002й.
8. Бакаев А.С., Шнейдман Л.З. Учетная политика предприятия. - М.: Бухгалтерский учет, 1994 й.
9. Иткин Ю.М., Гадоев Э.Ф. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана (1,2 том). - Т.: 2000 й.
10. Бабаев Ю А. Теория бухгалтерского учета. - М.: ЮНИТИ, 2000 й.

## **Суд бухгалтерия экспертизаси**

Тергов ҳаракатларини режалаштириш босқичида терговчи мутахассисни ёрдамга жалб этишни мўлжаллар экан, қуйидаги саволларга жавоб олишни назорат этиш керак.

- Талон – тарожчиларга узоқ муддат давомида иқтисодий жиноят ишларини беркитиб келишга қанақа шароитлар имкон берган.

- Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб-китоб ишларидағи талон-тарожга йўл очган аниқ камчиликлар нималардан иборат.

- Назорат тафтиш ишларини қониқарли йўлга қўйилиши нималарда кўринади.

- Тафтиш ва инвентаризация муддатлари ва қоидалари бўлишининг сабаблари нимада.

- Нима учун аввалги тафтиш ва инвентаризациялар чоғида этишмочиликлар аниқланмаган .

- Тафтишчилар ҳар сафар бир ёки бир неча кишиларнинг ўзлари томонидан эмасми, талон-тарож фактлари ўз вақтида аниқланмаганилиги сабаби шу ҳол билан боғлиқ эмасми.

- Режавий тафтишлар пайтида аниқланган нуқсонларни бартараф этишнинг ахволи, агар улар бартараф этилмаган бўлса сабаби нимада.

- Талон тарожларни аниқлаш ва барҳам беришда маъмурият ҳамда жамоат ташкилотларининг роли.

Ушбу саволлага бухгалтерия ҳисоби хужжатларини моддий қийматлари ҳаракати, уларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш шарт шароитларини малакавий таҳлил этиш орқали жавоб олиш мумкин ва бу чуқур махсус билимларга эга бўлишни талаб этади.

Талон-тарож содир этилишига йўл очган шарт шароитларни аниқлашда терговчи жужжатли тафтиш далолатномаларни таҳлил қилишда ёрдам берувчи мутахассис бухгалтернинг роли каттадир.

Тафтиш хужжатлари асосида у қуйидаги профилактик саволларга жавоб бериши мумкин.

- Корхонада ҳисоб-китоб ишлари қандай йўлга қўйилган .

- У пул маблағлари ва моддий қийматлар талон-тарож қилинган пайтда камомадни вақтида аниқлаш имконини берадими .

- Ҳисоб-китоб қоидалари бузилган эмасми, агар бузилган бўлса у нималарда кўринади.

- Ҳисоб-китобни уюштиришда талон-тарожчиларга шароит яратган нуқсонлар бўлганми, улар нималардан иборат.

Иқтисодий жиноят содир этилишига йўл очган сабаб ва шароитларни аниқлаш учун жалб этилган мутахассис бухгалтер процессуал ҳамда нопроцессуал шаклларида ҳаракат қилиши мумкин.

Нопроцессуал шаклда ҳаракат қилган пайтда у терговчига маслаҳат беради, ҳужжатли тафтиш далолатномасини шархлайди, мўлжаллаётган тергов ҳаракатлари ва ташкилий тадбирларни тайёрлашда қатнашади, маълумот характердаги саволларга жавоб беради ва ҳ.к. Бундан ташқари терговчи терговда иштирок этаётган мутахассис ёрдамида иқтисодий жиноят ҳаракатларини енгиллаштиришга имкон берган ҳолатларни аниқлашда ҳам фойдаланиши мумкин. Айрим холларда фақатгина профилактик характерга эга бўлган вазифаларни хал этиш учун тергов ҳаракатларини мутахассис бухгалтер иштирокида ўтказиш мумкин, деб ўйлаймиз. Унинг аниқ (конкрет) ёрдами қуйидагича бўлиши мумкин.

- Ҳужжатларни олиш кўздан кечириш жараёнида мутахассис терговчи эътиборини талон-тарож ёки бошқача ғаразли суистемолларга йўл очган жумладан, шундай ҳолларга қаратади.

- Бухгалтерия ҳужжатларини қайд этишда ва расмийлаштиришда муддат тартибини бузганлиги (улар учун албатда зарур бўлган реквизитлар йўқлиги, бошқача, бегона банклардан фойдалангандиги, ҳужжатларнинг тўлик эмаслиги ва ҳ.к.) Уларнинг сақланиш муддати тугамасдан йўқ қилиб юборилганлиги ҳужжат мазмунининг хўжалик операцияси моҳиятига мос келмаслиги (масалан кам қийматли инвентарларни ҳисобдан чиқариш хақидаги далолатномага киритилган кейин амалда хали фойдаланиб юрилган буюмлар мавжудлиги).

- Тафтиш ва инвентаризация қилиш муддатлари бузилганлиги.

- Конунга хилоф равища вазифаларни қўшиб олиб бориш (масалан, кассир кассасида операцион қисм назоратчиси кассир вазифасини бажарадиган холлар бўлади, бу эса омонатлани сақлаш қоида-сига ўта қўпол тарзда бузилиши ҳисобланади).

- Амал қилиш тўхтатилган, эскирган норма ва баҳолардан фойдалангандиги, ишлаб чиқариш фаолиятининг аниқ бўғинларида ҳужжатли ҳисоб-китобларнинг йўқлиги (масалан мастернинг цех бошли-ғидан хўжалик инвентари олиши ҳужжатлаштирилмаган).

- Моддий қийматлар ҳаракати устидан тегишли назорат ўрнатилганлиги (масалан назорат ўтказиш пунктида корхона цехларидан келиб чиқиб кетилаётган маҳсулот журналда қайд қилинмайди).

Айбланувчи, гумон қилинувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишда қатнашадиган мутахассис терговчига иқтисодий жиноятга йўл очган ҳаракатларини аниқлашда катта ёрдам кўрсатади. Айбланувчи терговчининг мазкур соҳадан етарлича хабардор эмаслигидан фойдаланиб, кўпинча саволларга чалкаш нотўғри жавоб беришлари, хўжалик операциялари мазмунан ва моҳиятини ўз манфаатларига мослаб узоқлаштиришлари баъзида агар бунинг фойдаси тегиши мумкин бўлса, ўзларининг етарли тушунчага эга эмасликларини айтишлари мумкин. Мутахассис бундай пайтларда масалага аниқлик киритади ва ҳуқуқбузарликларнинг кўп сабабларини очишга ёрдамлашади, кўпинча гувоҳ тариқасида бухгалтерия ходимлари сўроқ қилинади. Улар жавобгарликдан қутилиш мақсадида ишдаги камчиликлар, қоидаларни бузилганликларини яширишга ҳаракат қиласидар. Бундай ҳолларда саволларни тўғри, аниқ, саводли қилиб бериш ғоят мухимдир.

Тафтишчини сўроқ қилиш тўла ва сифатли бўлиши, нотўғри маълумотлар берилишига ушбу тергов ҳаракатига мутахассис бухгалтерни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлар кўрсатадики, тафтиш ва бухгалтерия экспертизаси материалларни талон-тарож содир этилишига шарт ва шароитларни бартараф қилиш юзасидан фикрнома тайёрлашга эга бўлиб хизмат қиласиди. Шу боис бу тадбирларни тайинлаш ҳақидаги тегишли маълумот олишни назарда тутмоқ керак. Бунинг учун келган профлактик саволларни тўғри белгилаш лозим. Бу саволларга жумладан қуий-дагилар кириши мумкин.

- Аниқланган камомад (ёки ортиқча) ва бухгалтерия ҳисоботидаги нуқсонлар ўртасида қандай боғлиқликлар бор.

- Ҳисоб-китоб назорат ва моддий қийматларни ҳисобдан чиқариш борасидаги қандай бузилишлар ўзгаришлар ва белгиланган тартибдан чекинишлар талон-тарожга шароит яратилган.

- Илгари ўтказилган тафтишлар давомида камомад ёки ортиқчалик келиб чиқишининг қанақа сабаблари аниқланган.

Шу билан биргаликда муассаса молиявий хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга таъсир этувчи Президент фармонларидан ва Вазирлар Маҳкамаси қарорининг асосий аҳамияти нимада, унинг мақсадлари нималардан иборат, қарорда принципиал жиҳатдан янги қоидалар мавжудми ва бошқа саволларни ўрганиб чиқиш лозим.

Фармон текширишларини тартибга солиш борасида принципиал жиҳатдан янги чора тадбирларни назарда тутади.

Биринчидан, унда текширишларни ташкил этиш тизимига

янгича ёндашувлар асоа қилиб олган бўлиб улар хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат қилувчи органлар томонидан текширишлари ва тафтиш қилинишлари сонининг кескин қисқарилишини кўзда тутади, бунга қуйидагича чеклашларни жорий қилиш ҳисобига эришилади.

Молия хўжалик фаолиятини текширишлар ва тафтиш қилишларни ўтказиш даврийлиги бир йилда бир мартадан ортиқ бўлмайди ва республика кенгашининг қарорига биноан бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ва тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлайдиган бошқа қонуний меъёр қоидаларни бажарадиган аудиторларнинг ҳар йиллик хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун икки йилда бир мартадан ортиқ бўлмайди.

Текширувларни ўтказишнинг давомийлиги ўттиз календар кунидан кўп бўлмайди (илгари тешеришларни ўтказиш муддати чекланмаган эди) шундан сўнг текшириш тугалланади ёки материаллар тергов органларига берилади.

Фавқулодда ҳолларда текшириш муддади узайтирилиши мумкин, лекин фақат назорат қилувчи органлар фаолиятининг Мувофиқ-лаштирувчи Республика Кенгашининг қарорига биноан.

Иккинчидан, фармонда тешеришларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш борасида қуйидаги йўлларни ишга солиш билан давлат назорати органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш назарда тутилган.

Мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазоларни тадбиқ қилиниши.

Учинчидан, барча турдаги тешеришлар жумладан кархоналанинг молия хўжалик фаолияти устидан маъмурий назорат текширувларини ўтказишини тартиби жорий қилинди.

Тўртингчидан, ушбу фармон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишда фақат кузатилган иқтисодий жиноят иш бўйича тергов тартибida олиб боришлари мумкин.

Агарда режадан ташқари тешриш ўтказишга етарли асослар ва кенгашининг рухсати бўлмаса, кенгаш ҳар қандай режадан ташқари текширишни бекор қилиш ҳуқиқига эгадир.

Эксперт тегишли билим соҳасига мувофиқ объектив ва ҳар томонлама талабларга қаътий риоя қилган ҳолда тадқиқот ўтказади. Эксперт-бухгалтер ўтказган тадқиқот натижалари асосида қабул

қилинган формада икки нусхада хulosса беради. Биринчи нусха экспертиза тайинланган орган учун, иккинчи нусхаси экспертиза муассаса учун ёзилади. Эксперт берган хulosасида экспертиза қачон, қаерда, ким томонидан ва қайси асосга мувофиқ ўтказилганлиги, унда кимлар иштирок этганлиги, эксперт қайси материаллардан фойдаланганлиги, қандай тадқиқотлар ўтказилганлиги шунингдек экспертга қандай саволлар қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Эксперт берган хulosасида, Эксперт – бухгалтернинг хulosаси жўнатиладиган экспертиза тайинланган тергов органларининг номи кўрсатилади. Хulosса сарловхасида ишнинг сони, иқтисодий жиноят иши бўйича жавобгарлиги қўзғатилган шахсларнинг исми-шарифлари кўрсатилади. Уларнинг маълумоти, ихтисослиги, илмий даражаси ва унвони шунингдек эгаллаб турган лавозими кўрсатилади.

Таъриф қисмида экспертизани ўтказиш асоси келтирилиб ишнинг ахволи қисқача баён этилади. Эксперт-бухгалтерга тақдим этилган материалларнинг рўйхати берилади, шунингдек экспертиза ўтказувчи жой, эксперт-бухгалтерга тушинтириш хатлари берган шахсларнинг фамилия ва лавозимлари, унинг иш вақти бошланиши ва тугалланиши ҳам кўсатилади. Экспертиза ўтказиш учун асос сифатида терговчининг қарори келтирилади ҳамда эксперт олдига қўйилган саволлар қайд этилади. Ишнинг ахволи эса хulosада қисқача баён этилади. Эксперт-бухгалтерга тақдим этилган материалларни санашда ишнинг номери, томлар миқдори, ҳар бир томдаги варақлар кўрсатилади. Сўнгра экспертиза ўтказувчи шахс томонидан барча материаллар, яъни китоблар номи, карточкалар, журналлар сакланувчи папкалар санаб ўтилади.

Хulosанинг тадқиқот қисми (хulosаларга асосланиб) ўзида тадқиқотларнинг таърифи, кўчирма маълумотлар сифатида иш материалларидан олинган бошқа экспертларнинг хulosаларига иловалар экспертнинг маҳсус билимлар доирасида ташкил этилган тадқиқотлар баён этилади. Агарда эксперт иштироқида тергов ҳаракатлари ўтказилган бўлса, натижалар айбланувчи берган тушунтиришлар сингари хulosаларга асосланган ҳолда баён этилади. Хulosанинг тадқиқот қисми маҳсус билимларга эга бўлмаган шахслар учун ҳам тушунадиган тарзда бўлиши керак, яъни қўлланмалардан фойдаланилган ҳолларда унинг ишончлилигини тасдиқловчи маълумотлар киритилади. Хulosса чиқариш босқичида ўтказилган текширишларнинг натижалари тўпланиб, якун ясалади ва бу якун “Эксперт хulosаси” деб аталиб, расмийлаштирилади.

## **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент. 2003 й.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
3. И.А.Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари”. –Т.: Ўзбекистон, 2002 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т.; 2004 й.
5. У.Қайимов. Суд бухгалтерияси экспертизаси. Т.; 1993 й.
6. Б.Хошимов. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Т.; 2004 й.
7. Сотволдиев А., Иткин Ю. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. - Т.: 2002 й.
8. Бакаев А.С., Шнейдман Л.З. Учетная политика предприятия. - М.: Бухгалтерский учет, 1994й.
9. Иткин Ю.М., Гадоев Э.Ф. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана (1,2 том). - Т.: 2000 й.
11. Бабаев Ю.А. Теория бухгалтерского учета. - М.: ЮНИТИ, 2000 й.

## **МУНДАРИЖА**

1. Ўқув фанининг предмети ва умумий қоидалари.....	3
2. Ҳисоб юритиш жараёнининг умумий тавсифи .....	17
3. Пул воситаларининг бухгалтерия ҳисоби .....	36
4. Моддий бойликлар, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишнинг хусусиятлари.....	48
5. Ўзбекистон Республикасида молиявий-хўжалик назорати ва тафтиш ўтказишнинг ташкил қилиниши.....	66
6. Инвентаризация –ҳақиқий ҳолатни текшириш ва тафтиш усули сифатида .....	94
7. Мутахассис иқтисодчиларни тергов ва суд ҳаракатларига жалб қилиш.....	103
8. Тафтиш тайинлаш ва уни ўтказиш тактикаси .....	120
9. Суд бухгалтерия экспертизаси.....	124

Ш.В. ФАНИЕВ

**СУД БУХГАЛТЕРИЯСИ**

(Үқув қўлланма)

Муҳаррир: *С.Салимова.*  
Техник муҳаррир: *Ж.Абдужалилов.*  
Компьютерда саҳифаловчи: *А.Худайбергенова.*

Босишга рухсат этилди: 12.06.2006.  
Босма табоби 8,1. Адади 500. Буюртма № 808.  
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.  
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35